

М. Ҳасанов М. Абзалова

АРАБ ТИЛИ ДАРСЛАРИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ

دُرُوسٌ فِي اللُّغَةِ الْعَرَبِيَّةِ

**Тошкент
2016**

**Мирқобил Ҳасанов
Муборак Абзалова**

АРАБ ТИЛИ ДАРСЛАРИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ

دروس في اللغة العربية

(Қайта ишланган ва тўлдирилган нашри)

Тошкент 2016

Тақризчилар:

ф.ф.д. профессор Э. Исломов

ф.ф.н. доцент С. Рустамий

Мухаррир:

ф.ф.н. доцент Э. Мирхолиқов

Масъул муҳаррир:

Неъмат Жабборов

Мусахҳих:

М. Насриев

Ҳасанов Мирқобил, Абзалова Муборак

Араб тили дарслари (Ўқув қўлланма) / М. Ҳасанов, М. Абзалова. –
Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 360 бет.

***Ота - онам ва фарзандларимнинг онаси ҳаққига
бағишлайман. Дуоларингизда эслаб қўйсангиз!***

Аннотация

Мазкур ўқув қўлланмаси хорижий шарқ тилларини ўқитадиган академик лицей ва ўрта махсус мактаблар, олий ўқув юртларининг ўзбек тили ва адабиёти ҳамда тарих ихтисослиги бўйича таҳсил олаётган талабалар ва шунингдек, араб тилини мустақил ўрганувчилар учун мўлжалланган. Қўлланмада араб тили грамматикаси, бой тарихимизга оид манбалардан парчалар, шунингдек мутафаккир алломаларнинг ҳаёти ҳақидаги матнлар, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган мақол, ҳикматли сўз ва мўътабар ҳадислардан намуналар берилган. Қўлланма араб тили фани бўйича тузилган ўқув дастури асосида ёзилиб, 2004 йилида илк бор нашрдан чиққан эди.

Муаллифлар биринчи нашрда йўл қўйилган хато ва камчиликларни тўғрилаб ва айни пайтда уни тўлдириб, эътиборингизга ҳавола этмоқдалар.

Ушбу ўқув адабиётини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 27.10.2009 йилдаги 373-сонли буйруғига асосан нашр қилишга рухсат берилди.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

مَنْ سَلَكَ طَرِيقًا يَلْتَمِسُ فِيهِ عِلْمًا سَهَّلَ اللَّهُ لَهُ طَرِيقَهُ إِلَى الْجَنَّةِ.

*Кимки ўз ҳаётида илм ўрганадиган йўлдан юрса,
Аллоҳ унинг жаннатга борадиган йўлини осон қилиб қўяди.*

СЎЗ БОШИ

Ўзбек тили ўз тараққиётида туркий ва бошқа тиллар билан яқин алоқада бўлиб, улар ўзбек тилининг луғат таркиби ва грамматик қурилишига бевосита таъсир этган. Айниқса, Марказий Осиё ва Волга бўйида Ислом динининг ёйилиши, XI асрдан кейин араб тилининг фан тили сифатида тарқалиши ўзбек тилида араб элементларининг кенг қўлланишига олиб келди. Ўзбек тили таркибига араб элементларининг кириб келиши форсий бадий адабиёт тили орқали ҳам юз берган. Шунинг учун, ўзбек бадий адабиёти ва адабий тили тараққиётида араб тилининг ўрни сезиларлидир. Бу ҳолат эса ҳозирги илм толибларига араб тилининг хусусиятларини зарурат даражасида билишни тақозо этади.

Бундан ташқари, маънавиятимиз тарихига оид бўлган илмий ва адабий асарларнинг аксарияти араб тилида битилган. Бу асарларни бугунги кунда ўрганиш катта аҳамият касб этиб, тарих, тил ва адабиёт каби фанлар бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бораётганлар учун муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Араб ёзуви ва тилини ўрганиш тарихий манбаълар билан танишиш ва улардан илмий, амалий мақсадларда фойдаланиш имконини беради.

Сўнгги йилларда Шарқ тилларини, хусусан, араб тилини ўрганишда муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, араб тили фанидан дастурлар, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар ўзбек тилида ёзила бошланди. Ҳозирги кунда араб тили Республикамизнинг Тошкент давлат шарқшунослик институтида, Тошкент ислом университетида асосий фан сифатида ўқитилса, Ўзбекистон миллий университети, Жаҳон тиллари университети ва Тошкент Давлат педагогика университетининг филология ва тарих факультетларида қўшимча тил сифатида ўқитилиб келинмоқда.

Б. З. Холидовнинг «Учебник арабского языка», Э. Талабовнинг «Араб тили», Н. Иброҳимов ва М. Юсуповнинг «Араб тили грамматикаси» каби дарсликлари номуахассис фан сифатида ўқитиладиган олий таълим муассасалари талабаларига уларда араб тилини ўқитиш соатларининг камлиги туфайли бироз мураккаблик қилади. Шу сабабли юқорида кўрсатилган олий таълим муассасаларининг талабалари учун араб тили бўйича ўқув қўлланмаларини тайёрлашга эҳтиёж сезилмоқда. Мавжуд талабни қондириш мақсадида ўшбу ўқув қўлланмаси ёзилди.

Қўлланма икки қисмдан иборат: бошланғич қисм ва асосий қисм.

Бошланғич қисмда ўқувчи, асосан, араб тили фонетикаси, ёзуви ва баъзи зарур морфология қоидалари билан танишади. Бу қисмда араб тили товуши тизимининг транскрипцияси, уларнинг ёзувдаги ифодаси, кўринишлари ва бошқа имло хусусиятлари берилган. Ҳар бир мавзу машқлар билан мустаҳкамланган. Бу бўлимда берилган машқлар нафақат алоҳида сўзлар, балки сўз бирикмалари, ҳатто содда гаплардан тузилган бўлиб, талабанинг у ёки бу сўз ҳамда сўз бирикмаларини эркин ва тўғри талаффуз қила олиши ва ёза билиши учун имконият яратади.

Асосий қисм ўз ичига араб тили грамматикасининг бўлимлари – морфология ва синтаксисни тўлиқ даражада камраб олган.

Ҳар бир дарсда берилган грамматик мавзу мос машқ ва матнлар билан мустаҳкамланган. Мазкур қўлланмадаги матнлар араб давлатларида чоп этилган соф адабий араб тили манбаълари ичидан саралаб, танлаб олинган. Ҳар бир матндан сўнг нотаниш сўзларнинг таржималари берилганки, бу ўқувчига тилни яхши ўзлаштириши учун катта ёрдам беради. Грамматик қоидаларнинг шарҳида келадиган ҳарфларнинг номлари ва товуш бирикмалари транскрипция қоидаларига биноан лотин алифбоси ҳарфлари билан ифодаланган.

Ушбу қўлланма илк бор 2004 йилда нашр этилган эди. Муаллифлар биринчи нашрда йўл қўйилган хато ва камчиликларни тўғрилаб ва айти пайтда, уни тўлдириб, эътиборингизга ҳавола этмоқдалар.

Муаллифлар қўлланма ҳақида билдирилган ҳолис фикр ва самимий маслаҳатларни мамнуният билан қабул қиладилар.

ТДПУ катта ўқитувчиси: Муборак Абзалова.

ТНУ катта ўқитувчиси: Мирқобил Ҳасанов.

БОШЛАНҒИЧ ҚИСМ *القِسْمُ الْإِبْتِدَائِيُّ*

ЁЗУВ, ФОНЕТИКА ВА МОРФОЛОГИЯ

КИРИШ

Тилларни ўрганадиган фан *тилушунослик илми* (*عِلْمُ اللُّغَةِ*) деб аталади. Унинг:

1. *Фонетика* (*عِلْمُ الْأَصْوَاتِ*) – товуш ва унинг ёзувдаги ифодасини ўрганувчи фан;
2. *Морфология* (*الصَّرْفُ*) – сўзларни ўрганувчи фан;
3. *Синтаксис* (*النَّحْوُ*) – гап тузилишини ўрганувчи фан турлари бор.

Араб тили. Араб тили сомиё тиллар оиласининг жанубий шаҳобчасига оид бўлиб, у ўз генеологик тараққиётида уч боскични босиб ўтди: қадимги адабий араб тили, классик адабий араб тили ва замонавий адабий араб тили.

Қадимги адабий араб тилига Арабистон ярим ороли ва Суриянинг жанубидаги кўҳна обидалар ва қоялардан топилган ёзувлар мисол бўлади. Уларнинг энг қадимгилари эрамизнинг IV–VI асрларига оиддир.

Классик адабий араб тилида эса эрамизнинг VI–VII асрларида асарлар битилган. Биз уларда мукамал грамматик қурилишга эга бўлган, кенг лексик таркибли, жоҳилий даври назми ва қабилалар лаҳжаларининг нодир хусусиятларини ўзида мужассам этган бой тилни кўрамиз. Классик адабий араб тили ҳозирги замон адабий араб тилининг шаклланиши учун замин бўлди. IX–X асрларда классик даврнинг адабий тили тўла шаклланиб бўлди. Бу даврга келиб Қуръони карим, қадимий назм ва Қурайш лаҳжаси таъсирида араб ёзуви, сарф ва наҳви шаклланди. Қуръони каримнинг нозил бўлиши билан классик араб тили бадиияти янада гўзаллашди ва грамматик меъёрлар мукамаллашди. Етук грамматик низом ва луғат бойлигига эга бўлгани учун классик араб тили қабилалар ўртасидаги адабий тил бўлиб хизмат қилди. Унинг луғат бойлиги шевалар ҳисобига ҳам кўпайиб борди. Классик араб тили ислом дини байроғи остида Яқин ва Ўрта Шарққа, Марказий Осиё ва Африканинг кўп ҳудудларига тарқалди. Марказий Осиёда эса у узок муддат халқаро ва илм–фан тили бўлиб келди. Дунё фани равнақида чуқур из қолдирган буюк боболаримиз Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Муҳаммад Хоразмий, Маҳмуд Замахшарий ва Аҳмад ал–Фарғонийлар шу тилда ижод қилишган.

Классик адабий араб тили лексик жиҳатдан бироз ўзгарган ҳолда ҳозиргача арабларнинг адабий тили бўлиб келмоқда. Бунинг асосий сабаби араб дунёси ва барча мусулмон дунёсини бирлаштириб турувчи Қуръони карим, Ҳадиси шариф (сунна) ва бошқа мўътабар манбалардир. Адабий араб тили XIX асрдан бошлаб янгича руҳда шакллана бошлади. Янги замонавий техника ва тараққиёт тушунчалари ва предметларни ифодалаш учун унга Оврупо тилларидан кўп ўзлаштирама сўзлар кирди.

Араб алифбоси. Араб алифбоси 28 та ундош ҳарфдан иборат. Ёзувда бу ҳарфлар 28 та ундош товушни ифодалайди. Уларнинг ичидаги 3 та унлисифат ундош, 3 та узун унли товушларни ҳам ифода этади.

Ундош ҳарфлар. Ундош ҳарфнинг 4 та: мустақил, сўз бошида, сўз ўртасида ва сўз охирида кўринишлари бор. Араб ҳарфи алифбодаги бошқа ҳарфлар билан икки томони ёки фақат ўнг томони билан бирикади. Алифбодаги 28 та ҳарфнинг 22 таси бошқа ҳарфга икки томони билан бирикади. Улар тўрт кўринишли ҳарфлардир. қолган 6 таси бошқа ҳарфга фақат бир (ўнг) томони билан бирикади. Улар икки кўринишли (яъни мустақил ҳолатдаги кўринишга ва сўз боши, ўртаси ва охиридаги кўринишлари бир хил шаклга эга бўлган) ҳарфлардир. Бир сўзда кетма–кет келган икки кўринишли ҳарфлар бир–бирига қўшилмай ёзилади.

Унли товушлар. Араб тилида 6 та унли товуш бор. Улар учта узун–«а:», «i:», «u:» ва учта қисқа–«а», «i», «u» унли товушларидир. Узун унлилар алифбодаги 3 та ундош ҳарф ёрдамида ифодаланади. Улар қисқа унлига қараганда чўзиброқ талаффуз қилинади.

Алифбода қисқа унлини ифода этадиган ҳарфлар йўқ. Қисқа унлилар ёзувда ҳаракатлар деб аталадиган белгилар билан ёзилади. Ҳаракатлар Қуръони каримда, дарслик ва луғатларда тўғри ўқишга ўргатиш мақсадида қўйилади. Замонавий араб адабиёти ва вақтли матбуот ёзувларида ҳаракатлар қўйилмайди.

Унлиларнинг узун ёки қисқалигига риоя қилмаслик сўзларнинг маъноларини тубдан ўзгартириб юборади!!!

Араб ёзуви. Араб ёзуви ўнгдан чапга қараб ёзилади, бўғин кўчирилмайди. Ҳарфлар сатр устига ёки сатр остига ёзилиши билан ҳам ўзаро фарқланади ва бир–бирига кичкина чизикча билан бирикади.

Араб ёзувининг бир неча турлари мавжуд бўлиб, улар кувфий, сулс, риқъа, насх, таълийк, настаълик ва райҳоний кабилардир.

و وُو وِ وِی ی یِ یِی

Имлоси: و (w) ҳарфи икки кўринишли ҳарфдир. Унинг ярми сатр устида ва қолган ярми сатр остида ёзилади.

ه (h) ҳарфи тўрт кўринишли. Унинг сўз ўртасидан бошқа ҳамма кўриниши сатр устида ёзилади.

ي (y) ҳарфи тўрт кўринишли. Унинг сўз бошида ва сўз ўртасида кўринишлари сатр устида, алоҳида ва сўз охирида кўринишларининг ярми сатр устидан ва қолган ярми сатр остидан ёзилади.

Талаффузи: ه «ha:» ундошини талаффуз аъзолари эркин вазиятда бўлиб, ҳалқумдан бўғиздаги товуш пайчалари орасидан енгил Одам ҳансираганда айна шу товуш эшитилади.



қилишда нутқ
чиқаётган ҳаво
сирғаниб ўтади.



«wa:w» ундошини талаффуз қилишда фақат лаблар иштирок этади ва талаффуз пайтида икки лаб бир-бирига тегмасдан бироз чўччайиб туради (расмларга қаранг).

УЗУН «У:» УНЛИСИ

Ёзувда $\overset{\text{u}}{\text{u}}$ = u (дамма)дан кейин келган و «wa:w» ундоши узун «u:» унлисини ифода этиб келади:

ўғиллар (banu:na) بَنُونَ ота(си) ('abu:) أَبُو

УЗУН «И:» УНЛИСИ

Ёзувда $\overset{\text{i}}{\text{i}}$ = i (касра) дан кейин келган ي (ya:) ундоши узун «i:» унлисини ифода этиб келади:

қизим-(binti:) بِنْتِي ، уйим-(bayti:) بَيْتِي ، отам-('abi:) أَبِي

4-машиқ. Ҳарфларнинг ҳар бир кўринишини икки қатордан ёзиб чиқинг.

5-машиқ. Ҳарфларни қўшиб сўзларни ёзинг, уларни ўқинг ва ёд олинг:

У	هُ+وَ (муз.)
У	هِ+يَ (муан.)
ва (боғловчи)	وَ
қаерда?	أَيَّ+نَ؟

Эй!	ي+ا
мана!	ه+ا
отам	أ+ب+ي
ўғлим	ا+ب+ن+ي
қизим	ب+ن+ت+ي
мана у (эр)!	ه+ا ه+و
мана у (қиз)!	ه+ا ه+ي
ўта сахий	و+ه+و+ب (و+ه+و+ب+ا+ن сонда 2лик)
ўртасида (равиш-қўмакчи)	ب+ي+ن
уйим	ب+ي+ت+ي

б-маишқ. Жумлаларни ўқинг, қайта-қайта ёзинг ва таржима қилинг.

أَبٌ وَ ابْنٌ. أَبٌ وَ ابْنٌ. أَبٌ وَ ابْنٌ وَ ابْنٌ. هَا هُوَ ابْنٌ. هَا هُوَ ابْنٌ. هَا هِي ابْنٌ. يَا أَبُ! يَا ابْنُ! يَا ابْنُ! أَيُّنَ أَبِي؟ هَا هُوَ أَبِي! أَبِي وَهُوَ. أَيُّنَ ابْنِي؟ هَا هُوَ ابْنِي! ابْنِي وَهُوَ. هَا هِي ابْنِي. هَا هِي ابْنِي! هَا بِنُون! أَنَا بَيْنَ أَبِي وَ بِنْتِي. هَا أَبِي بَيْنَ ابْنِي وَ بِنْتِي. هَا ابْنِي بَيْنَ ابْنِي وَ أَبِي. ابْنِي وَ بِنْتِي وَهُوَ ابْنَانِ.

الدرس الثالثُ

УЧИНЧИ ДАРС الدرس الثالثُ


د (d), ذ (z) ва ة (ta-марбута -t) УНДОШЛАРИ



Имлоси: د (d) ва ذ (z) ҳарфлари икки кўринишли бўлиб, улар сатр устида ёзилади.

Агар ҳ ундошининг алоҳида ва сўз охирида кўринишлари устига қўш нуқта қўйилса, бу ундош «т» товушини ҳам ифодалайди ва «та:-марбута»

(боғланган «т») деб аталади- ة , ة - t.



Талаффузи: د ундошининг талаффузида тилнинг учи олдинги ост-уст тишлари орасига қўйиб турилади.

ТАНВИН КАСРА

Танвин касра- ـ «in» деб ўқиладиган қўшалок касра ҳаракати бўлиб сўзнинг охирида келади. Танвин касра сўзнинг қаратқич келишиқда эканлигидан далолат беради:

уйнинг-(baytin) بَيْتٍ ، қизнинг-(bintun) بِنْتٍ ، отанинг-(’abin) أَبٍ

ТА: МАРБУТА

«Та:» марбутанинг талаффузи ت ҳарфининг (бу «т» ни «та: мамдуда» — чўзилган «т» деб аталади) талаффузи билан бир хил.

«Та:» марбута сўзнинг муаннас (қиз) жинсда эканлигини кўрсатадиган асосий грамматик белги- кўрсаткичидир. Масалан:

ўта сахий аёл	(wa-hu:-ba-tun)	وَهُوْبَةٌ	қиз	(ib-na-tun)	إِبْنَةٌ
семиз аёл	(ba-di:-na-tun)	بَدِيئَةٌ	ТЎЛОВ (ТОВОН)	(di-ya-tun)	دِيَةٌ

7–машиқ. Ҳарфларнинг ҳар бир кўринишини икки қатордан ёзиб чиқинг.

8–машиқ. Ҳарфларни қўшиб сўзларни ёзинг, уларни ўқинг ва ёд олинг:

бу (музаккар – эр жинс)	هَذَا
бу (муаннас – қиз жинс)	هَذِهِ
ўқимишлилик; интеллигентлик	$\text{نَّ + ب + ا + ه + ة}$
ўқимишли; интеллигент (муз.)	$\text{دُو + و (муз.) + نَّ + ب + ا + ه + ة}$
ўқимишли; интеллигент (муан.)	$\text{دَّ + ا + تْ (муан.)}$ $\text{نَّ + ب + ا + ه + ة}$
Довуд (эркак исми)	$\text{دَ + ا + و + و + د}$
Ҳиба (қиз исми)	ه + ب + ة
Ваҳба (эркак исми)	و + ه + ب + ة
ха!	أ + ي + و + !

дин	د+ي+نُ
қарз	دَ+ي+نُ
гавдали; семиз	ب+د+ي+نُ

9–*машқ*. Жумлаларни ўқинг, қайта–қайта ёзинг ва таржима қилинг.

أَيْنَ وَهَبَةٌ؟ هَا هُوَ وَهَبَةٌ! هُوَ وَهَبٌ. أَيْنَ هِبَةٌ؟ هَا هِيَ هِبَةٌ! هِيَ وَهْبَةٌ. أَ هَذَا دَاوُودُ؟ أَيُّو! أَ هُوَ ذُو نَبَاهَةٍ؟ أَيُّو، هُوَ ذُو نَبَاهَةٍ! أَ هَذِهِ هِبَةٌ؟ أَيُّو! أَ هِيَ ذَاتُ نَبَاهَةٍ؟ أَيُّو، هِيَ ذَاتُ نَبَاهَةٍ! وَ وَهْبَةٌ ذُو نَبَاهَةٍ! وَ هِبَةٌ وَ هِبَةٌ وَ هُوبَانٍ. وَ هِبَةٌ وَ دَاوُودُ وَ هُوبَانٍ. هُوَ بَدِينٌ. أَ دَاوُودُ بَدِينٌ؟ أَيُّو، هُوَ بَدِينٌ. هِبَةٌ بَدِينَةٌ. هَذَا دِينِي. أَ هَذَا دِينٌ؟ هَذَا دِينٌ.

تُورْتِيْنْچِي دَارْسُ الرَّابِعُ

УНДОШЛАРИ (m), (l), (k) ك

ك ك ك ك ل ل ل ل لا لا م م م م م

Талаффузи: Ушбу ундошларнинг талаффузи ўзбек тилидаги мана шундай ундошларнинг талаффузидан ортикча фарк қилмайди.

Имлоси: ل (L) ва م (m) ундошларининг сўз бошида ва сўз ўртасида кўринишлари сатр устида ёзилади. Уларнинг алоҳида ва сўз охирида кўринишлари эса сатр устида бошланиб, сатр остида тугалланади. ك (k) ҳарфининг ҳамма кўринишлари сатр устида ёзилади.

«La:m» ҳарфи «alif» ҳарфи билан махсус бириктирилган шаклда ёзилади ва улар لا ва لا(улар «la:m-alif» деб аталади) шаклини ҳосил қилади. Бундай шакл эса *l i g a t u r a* деб аталади.

гап كَلَامٌ йўк لا

ТАШДИД БЕЛГИСИ (ШАДДА)

Сўзда иккита бир хил ундош ёнма–ён келганда, уларнинг фақат биттаси ёзилиб, устига «шадда» (ёки «ташдид») деб аталадиган қуйидаги ˆ белги қўйилади. «Шадда» ундош ҳарфни иккилантриб (иккита қилиб) ўқилишини билдиради:

зарур	(<i>la: bud-da</i>)	لَا (لُذَد) بُدَّ
қачонки	(<i>lam -ma:</i>)	لَمَّا (لَمَّا) كَمَّا
У ундади	(<i>dal-la</i>)	دَلَّ (دَلَّ) دَلَّ

АЛИФ МАҚСУРА

Баъзи сўзларнинг охирида «фатҳа»дан сўнг нуқталарсиз келган «ى» ҳарфи «а» узун унлисини ифодалаб келади. У «alif maqsura» (қисқартирилган алиф) деб аталади. Чунки у иллатли товуш ўзгаришлари натижасида пайдо бўлган товушидир. Талаффузи «alif» ҳарфи билан ифодаланган «а:» узун унлиси билан бир хил. Алиф мақсурани ушбу сўзларда кўриш мумкин:

У келди(феъл) (‘ata:)أَتَى қачон? (mata:)مَتَى

ТАНВИН ФАТХА

Танвин фатҳа ة «an» деб ўкиладиган қўшалок фатҳа ҳаракатидир. Бу ердаги иккинчи фатҳа сукунли нунни ифодалаб келаяпти. У сўзнинг охирида келиб унинг тушум келишигида эканлигидан далолат беради. Кўпинча танвин фатҳага тугаган сўзнинг охирида ўқилмайдиган алиф ёзилади:

тавбани-(*tawbatan*) تَوْبَةً ، қизни-(*bintan*) بِنْتًا ، отани-(*aban*) أَبًا

10– машқ. Ўрганган ҳарфларингизнинг ҳар бир кўринишини икки қатордан ёзиб чиқинг.

11– машқ. Ҳарфларни қўшиб сўзларни ёзинг, уларни ўқинг ва ёд олинг:

нима?	؟ ا + م = ؟ ا + د + ا + م
ким? (муз.-муан.)	م + ن ؟
сиз иккинги (муз.-муан.)	ا + ن + ت + م + ا
у иккови (муз.-муан.)	ه + م + ا
анави	دَلِكْ (муз.) تَلِكْ (муан.)
кутубхона	م + ك + ت + ب + ة
қаердан?	م + ن + ا + ي + ن ؟
Ливия; Ливан (араб давлатлари)	لِيبِيَا؛ لُبْنَانُ

12– машқ. А) “Алиф мақсура”га тугаган ушбу сўзларни ўқинг ва ёзинг:

إِلَى، لَدَى، بَلَى، أَتَى، أَبِي، وَلى، أَدلى، أَلهى، أَنهى، يُمئى، تَدلى، إِنتهى .

Б) Танвин фатҳага тугаган ушбу сўзларни ўқинг ва ёзинг :

كِتَابًا ، دِينًا ، دَيْنًا ، بَابًا ، بَيْتًا ، أَبًا ، ابْنًا ، بِنْتًا ، مَكْتَبَةً ، مَدِينَةً ، اِبْنَةَ .

13–*машиқ.* Жумлаларни ўқинг, ёзинг ва таржима қилинг.

مَنْ أَنْتَ؟ أَنَا كَمَالٌ! مَنْ أَنْتِ؟ أَنَا كَمَالَةٌ! مَنْ أَنْتُمَا؟ أَنَا نَبِيلٌ وَهِيَ مَلِيكَةٌ. مَنْ هِيَ؟
هِيَ تَلْمِيذَةٌ. مَنْ هُمَا؟ ذَلِكَ وَالِدِي وَتِلْكَ وَالِدَتِي. مَا هَذِهِ؟ هَذِهِ مَكْتَبَةٌ. مَا هَذَا؟ هَذَا كِتَابٌ.
مَا ذَلِكَ؟ ذَلِكَ بَيْتٌ. مَا تِلْكَ؟ تِلْكَ مَكْتَبَةٌ. مَنْ أَيْنَ أَنْتِ؟ أَنَا مِنْ لُبْنَانَ. مَنْ أَيْنَ أَنْتِ؟ أَنَا
مِنْ لِيَبْيَا.

БЕШИНЧИ ДАРС الدَّرْسُ الْخَامِسُ

УНДОШЛАРИ (h) ح , (r) ر , (s) س



Имлоси: ح (h) ва с (s) ундошларининг сўз бошида ва сўз ўртасидаги кўринишлари сатр устида ёзилади. Уларнинг алоҳида ва сўз охиридаги кўринишлари эса сатр устида бошланиб, сатр остида тугалланади. ر (r) ҳарфининг ҳамма кўринишлари сатр остида ёзилади.



Талаффузи: ح ундошини талаффуз қилишда чиқаётган ҳаво ҳалқум деворлари орасидан унга қаттиқ ишқаланиб, сирғаниб ўтади. Талаффуз жараёнида ҳеч қандай тўсикқа учрамайди (яъни, қирилмайди).

ر ундошини олд тепа тишлар ортида учини пастга букиб танглайга бироз зарб билан талаффуз қилинади. У келганда ингичкароқ ва "фатҳа" ёки келганда йўгонроқ талаффуз қилинади.



турган тил текказмасдан "касра" билан "дамма" билан

УРҒУ

Араб тилидаги урғу бошқа тиллардаги урғудан куйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

1) урғули бўгин урғусиз бўгинга қараганда овозни кўтариб бироз куч билан талаффуз қилинади;

- 2) урғу ҳеч қачон охириги бўгинга тушмайди;
- 3) икки бўгинли сўзда урғу биринчи бўгинга тушади: **dar** – sun
- 4) кўп бўгинли сўзда урғу одатда чўзиқ бўгинга тушади: yad-gu-**su**:-na
- 5) қисқа бўгинлардан иборат бўлган кўп бўгинли сўзларда урғу одатда иккинчи бўгинга тушади: ik-**ta**-sa-ba

14-машиқ. Ўрганган ҳарфларингизнинг ҳар бир кўринишини икки қатордан ёзиб чиқинг.

15-машиқ. Ҳарфларни бир-бирига мос кўринишларида қўшиб сўзларни ёзинг, уларни ўқинг ва ёд олинг. Урғуга эътибор беринг:

мударрис	مُدَّرِّسٌ
ўрганиш; дарс	دَرَسٌ
ўргандинг	دَرَسْتِ
биз	نَحْنُ
исм	اسْمٌ
мактаб	مَدْرَسَةٌ
ўргандим	دَرَسْتُ
У ўрганди	دَرَسَ

16-машиқ. Матнни ўқинг, ёзинг, таржима қилинг ва ёд олинг:

مَنْ أَنْتَ وَمِنْ أَيْنَ؟ أَنَا مُدَّرِّسٌ. أَنَا مِنْ سُورِيَا. هَلْ أَنْتَ سُورِيٌّ؟ أَيُّو، أَنَا سُورِيٌّ. وَاسْمِي سَمِيرٌ أَحْمَدٌ حُسَيْنٌ. مَنْ أَنْتِ وَمِنْ أَيْنَ؟ أَنَا مُدَّرِّسَةٌ. أَنَا مِنْ لُبْنَانَ. هَلْ أَنْتِ لُبْنَانِيَّةٌ؟ أَيُّو، أَنَا لُبْنَانِيَّةٌ. هِيَ مَوْرِيْتَانِيَّةٌ. وَاسْمُهَا سَمِيرَةٌ بِنْتُ يَحْيَى. هَلْ أَنْتُمْ مُدَّرِّسُونَ بِمَدْرَسَةٍ؟ أَيُّو، نَحْنُ مُدَّرِّسُونَ. نَحْنُ مِنْ تُونِسَ. هَا نَحْنُ. نَحْنُ تُونِسِيُّونَ. هَا سُورِيُّونَ. هَا تُونِسِيُّونَ. هَلْ أَنْتُمْ مُدَّرِّسَاتٌ بِمَدْرَسَةٍ؟ أَيُّو، نَحْنُ مُدَّرِّسَاتٌ بِمَدْرَسَةٍ. مَاذَا دَرَسْتَ الْيَوْمَ؟ دَرَسْتُ سِيرَةَ نَبِيِّنَا مُحَمَّدٍ.

Эслатма: давлат номи охирига **يٌّ** (муан.ж.) қўшимчаси қўшилса ўша давлатга мансуб бўлган киши ёки аёлни билдиради. Масалан:

ЎҚИЛАДИГАН ҲАМЗА

Ҳамза икки ҳил бўлади:

1. Ўқиладиган- *ҳамзату-л-қатъи*.
2. Бириктирувчи (ўқилмайдиган) - *ҳамзату-л-васли*.

Ўқиладиган ҳамза сўзнинг ўзак ташкил қилувчи ҳамзасидир. У сўзнинг ҳамма ерида келиши мумкин, тўлиқ ўқилади ва ёзувда сақланади:

хабарлар	أَخْبَارٌ	ҳақиқатда... (юклама)	إِنَّ
сўровчи	سَائِلٌ	...ки (юклама)	أَنَّ
қудуқ	بَعْرٌ	бош	رَأْسٌ

Ҳамзату-л-қатъининг имлоси: Сўз бошида ҳамзага, у қайси ҳаракат билан келган бўлмасин курси вазифасини доимо **ا** (алиф) ҳарфи бажаради.

Сўз ўртасида келаётган ҳамзага курси вазифасини **ا** ундошларидан бири бажаради. Улардан қайси бирининг курси бўлиб келиши ушбу «ҳаракатларнинг катталиги» қоидасига биноан ҳал қилинади:

1. Касра (унга «**ي**» ундоши табиатан мос келади);
 2. Дамма (унга «**و**» ундоши табиатан мос келади);
 3. Фатҳа (унга «**ا**» ундоши табиатан мос келади);
 4. Сукун
- (Ушбу кетма-кетликни «**и у а н**» сўзи шаклида эслаб қолиш осон).

Ҳамзага курси танлаш учун ундан аввал ва кейин келаётган иккита ҳаракат (унли товуш) қиёслаб кўрилади. Қайси ҳаракат катта бўлса, ҳамзага ўша ҳаракатга табиатан мувофиқ ундош курси бўлади:

овқат захираси	مُؤْنَةٌ	қурултой	مُؤْتَمَرٌ
кечиктириш	تَأْخِيرٌ	ўсмоқ	نَشَأٌ

Сўзнинг охирида келаётган ҳамзага ундан олдинги ундошнинг ҳаракатига қараб, унга табиатан мос ҳарф курси қилиб кўйилади:

ёмон	سَيِّئٌ (= ي)	У (Аллоҳ) яратади	يَبْرَأٌ (= ا)
------	-----------------	----------------------	------------------

Бундан ташқари, сўзнинг охирида «сукун» ёки узун унлилардан кейин келган ҳамза, ҳамда сўзнинг ўртасида узун «а:» дан кейин ва қисқа «а» дан аввал келган ҳамза курсисиз ёлғиз ўзи ёзилади:

У савол билан мурожаат қилди; сўрашди	سَأَلَ	нарса	شَيْءٌ
сотиб олиш	شَرَاءٌ	хунук	رَدِيءٌ

поклик

تۆلىك

مملوء

Мадда белгиси: агар ҳамза узун «а:»унлиси билан келса, ёки ундан кейин яна бир ҳамза келса ёзувда устига ушбу *мадда белгиси* (~) қўйилган алиф ҳарфи уларни ифодалайди (7-бетга қаранг). Мадда сўзнинг ҳамма ерида келиши мумкин. Мисоллар:

охирги *آخِرٌ* бошқа *آخِرٌ* ишонди; *أُ+أَمْنٌ = آمَنَ*
иймон келтирди

17- машқ. Ўрганган ҳарфларингизнинг ҳар бир кўринишини икки қатордан ёзиб чиқинг.

18- машқ. Ушбу сўзларни ёзинг, ўқинг, транскрипция қилинг. Ҳамзанинг ёзилиши ва унинг курсисига эътибор беринг.


у бошлади	بَدَأَ	у кўрди	رَأَى
табрик	تَهْنِئَةٌ	табриклади	هَنَّأَ
у битим тузди	تَأَمَّرَ	у келди	أَتَى
тарбиялаш	تَأَدَّبَ	одоб; адабиёт	أَدَّبَ
ёмонлик қилувчи	مُسِيئٌ	Хуш келибсиз!	أَهْلًا وَسَهْلًا
у олди	أَخَذَ	юрувчи	سَأَرَ
пайдо бўлди	نَشَأَ	кечқурун(да)	مَسَاءً

19- машқ. Ушбу сўзларни арабча ҳарф билан ёзинг.


у сўради	sa'ala	Осиё	'a:siya:
сўралди	su'ila	Оврупо	'urubba:
савол	su'a:lun	буюрди	'a:mara
саволлар	'as 'ilatun	масала	mas'alatun
у ёритди	'ana:ra	бирлашди	'ittahada
юз	mi'atun	бош тортди	'aba:
бўри	zi'bun	олди (муан.)	'axazat
оғрик	'alamun	азобланмоқ	ta'allama

20- машқ. Матнни ёзинг, ўқинг, таржима қилинг ва ёд олинг.

أَهْلًا وَسَهْلًا يَا خَالِدُ، هَذَا هَاشِمٌ. هُوَ مُؤَرِّخٌ نَاشِئٌ. هُوَ مِنْ شِمَالِ سُورِيَا. تِلْكَ خَالِدَةُ. هِيَ مِنْ شِمَالِ الْبَحْرَيْنِ. هَا هِيَ زَيْنَبُ تَشْرَبُ شَايَا. تِلْكَ خَادِمَةٌ نَاشِئَةٌ. هِيَ لَا تَشْرَبُ شَايَا. هِيَ مِنَ الْيَمَنِ. هِيَ يَمَنِيَّةٌ. هِيَ تَأَلَّمَتْ بِالْمِ شَدِيدًا.



ض товушини талаффуз қилишда тилнинг ўрта қисми юқори танглайга йўналтирилади, тил учи эса олдинги жағ тишларга бироз тегиб зарб билан «д» товуши «з» товуши оҳанги билан талаффуз қилинади. Талаффузи бўғиқ. Бу товуш фақат араб тилида бор бўлгани учун арабларни яна “Ахлу-д-до:д” (до:д ҳарфини талаффуз қилувчилар) деб атайдилар.



ط товушини тилнинг қисмини юқори тишларга танглай томонга йўналтириб керак бўлади.



олдинги ярим томон кўтариб ва талаффуз қилиш

ظ товушини эса тил икки ост-уст тишларининг

учини олдинги орасига қўйиб ва

бўғиқ тарзда талаффуз қилинади.

21- машқ. Ўрганган ҳарфларингизни икки қатордан ёзиб чиқинг.

22- машқ. Ҳарфларни бир-бирига мос кўринишларида қўшиб сўзларни ёзинг, уларни ўқинг ва ёд олинг:

офицер	ضَ+ا+بِ+طُ	аэропорт	مَ+طَ+ا+رُ
пешинда	ظُ+هَ+رَ+ا	талаба	طَ+ا+لِ+بُ
фаол	نَ+شِ+ي+طُ	эрталаб	صَ+بَ+ا+حُ+ا
матн	نَ+صَ+صُ	учоқ(самолёт)	طَ+ا+يَ+رَ+ةُ
ёки (боғловчи)	أَمْ (أَوْ)	кўнади (муан.)	تَ+هَ+بُ+طُ
кулувчи (кулаяпти)	ضَ+ا+حِ+كُ	етиб келди (муз.)	وَصَ+لُ
касал	مَ+رَ+يَ+ضُ	бор (келган)	حَ+ا+ضِ+رُ
хам	أَمْ+يَ+ضُ+ا	Хартум ш. аэропорти	مَطَارُ الْخَرْطُومِ
кечқурун	مَ+سَ+ا+ءُ	талаб	طَ+لَ+بُ
Аллоҳ хоҳласа	إِنْ شَاءَ اللَّهُ!	қаттиқ	شَ+دِ+يَ+دُ


23- машқ. Матнни ўқинг, ёзинг, таржима қилинг ва ёд олинг:

هَذَا نَصٌّ سَهْلٌ. هَذَا طَلَبٌ شَدِيدٌ. طَاهِرٌ طَالِبٌ نَشِيطٌ. وَصَالِحَةٌ طَالِبَةٌ نَشِيطَةٌ أَيْضًا.
هُمَا مِنْ مِصْرَ. هَلْ مِنْصُورٌ حَاضِرٌ؟ لَا، هُوَ مَرِيضٌ. هُوَ طَالِبٌ نَشِيطٌ. هَلْ كَاطِمٌ وَنَاطِمٌ
سَالِمَانِ؟ لَا، هُمَا مَرِيضَانِ. هَلْ صَالِحَةٌ مَرِيضَةٌ؟ لَا، هِيَ سَالِمَةٌ. أَمَّا نَصِيبَةُ مَرِيضَةٌ. مِنْ أَيْنَ

وَصَلِّ مُرْتَضَى؟ وَصَلِّ مُرْتَضَى مِنْ مِصْرَ. مَتَى وَصَلِّ؟ وَصَلِّ صَبَاحًا. هُوَ ضَابِطٌ أُورُبَكِيّ.
 صَالِحٌ ضَابِطٌ أُورُبَكِيّ أَيْضًا. هُوَ وَصَلِّ مِنْ مَطَارِ الْحُرْطُومِ. تَهْبِطُ طَائِرَةٌ صَبَاحًا. مَتَى تَهْبِطُ
 طَائِرَةٌ، ظَهْرًا أَمْ مَسَاءً؟ مَسَاءً، إِنْ شَاءَ اللَّهُ!

الدَّرْسُ الثَّامِنُ سAKKIZINCHI ДАРС

УНДОШЛАРИ (s) ث, (j) ج, (e) ع



Имлоси: ع (e) ва ج (j) ундошларининг сўз бошида ва сўз ўртасидаги кўринишлари сатр устида ёзилади. Уларнинг алоҳида ва сўз охиридаги кўринишлари эса сатр устида бошланиб, сатр остида тугалланади. ث (s) ҳарфининг ҳамма кўриниши сатр устида ёзилади.



Талаффузи: ث ундошини талаффуз қилиш пайтида тилнинг учи олдинги ост-уст тишлари орасига қўйиб турилади.



ع ундоши каби ҳосил бўлиш ундоши каби уни талаффуз ўрнига кўра бўғиз товуши бўлиб, уни талаффуз қилишда ўпқадан келаётган ҳаво чуқур бўғиз деворларига ишқаланиб, сирғаниб ўтади. Рус тилидаги «ы» товуши уни қисман ифодалайди.

24- машқ. Ўрганган ҳарфларингизнинг ҳар бир кўринишини икки қатордан ёзиб чиқинг.

25- машқ. Ҳарфларни бир-бирига мос кўринишларида қўшиб сўзларни ёзинг, уларни ўқинг ва ёд олинг:

бир неча	ع+د+د+ة*	оила	ع+ا+ي+ل+ة*
ишлайди (муз.)	ي+ع+م+ل	университет	ج+ا+م+ع+ة*
бизда бор	ل+ن+ا	менда бор	ل+ي
ишчи	ع+ا+م+ل	бува (буви)	ج+د+د (ج+د+د+ة*)
узоқ	ب+ع+ي+د	шифокор	ط+ب+ي+ب

кўча	شَ+ا+ر+عْ	ўрта (<i>сифат</i>)	ثَ+ا+نَ+و+ي+ةٌ
сўзлаб бер!	حَ+ذَ+د+ثَ	олим; билган	عَ+ا+ل+مٌ
чиройли	حَ+م+ي+لٌ	ха	نَ+ع+مٌ
ишлайди (<i>муан.</i>)	تَ+عَ+م+لٌ	..дан; ҳақида (<i>олд кўмакчи</i>)	عَ+نٌ

ВАСЛАЛИ (БИРИКТИРУВЧИ) ҲАМЗА

Араб тилида биринчи бўғинида ёнма–ён турган иккита ундош ҳарф билан бошланган *bun, sun, ru'un* каби ўқилиши қийин бўлган сўзлар ҳам бор. Уларнинг ўқилишини осонлаштириш учун уларнинг олдига васлалли ҳамза қўйилади. **Васлалли ҳамза бу сўзнинг ўзак ҳарфи эмас.** Шунинг учун у ўқилмайди, балки у бундай сўзларнинг олдига улардан олдин келаётган сўзнинг охиридаги **а, и, і** каби бир қисқа унлини қўшиб, ўша қийин ўқиладиган бўғинни икки алоҳида бўғинга бўлиб юбориш ва уни ўқишни осонлаштириш учун хизмат қилади:

ru'un- 'in-ru-un каби.

Ёзувда васлалли ҳамзани ҳаракатсиз алиф ифода этади:

ابْنٌ ، ابْنَةٌ ، اسْمٌ ، اثْنَانِ ، امْرَأَةٌ ، امْتَنَعَ

Қуръони каримда эса бундай сўзда келган алифнинг устида васл (ص) белгиси бўлади:

أَسْتَوَى، اسْجُدُوا، وَأَسْتَكْبِرْ، أَسْكُنْ، أَهْبِطُوا، أَذْكُرُوا

Агар бундай сўз гапнинг бошида келса «i» унлисини олиб қатъий ҳамза каби ўқилади:

икки	('isna:ni)	إِثْنَانِ	исм	('ismun)	اسْمٌ
яша	('uskun)	أَسْكُنْ	пишди	('istawa:)	اسْتَوَى

Агар гапнинг ўртаси ёки охирида келса, уни ўзидан олдинги сўзнинг унлиси билан бириктириб–«**васл**» қилиб ўқилади, чунки араб тилидаги ўқиш қондаси бўйича васлалли ҳамза билан бошланган сўзга ундан олдин келаётган сўз қўшилиб ўқилади:

sa'ala-bnu , man-i-nadama? سَأَلَ ابْنُ ، مَنْ انْعَدَمَ ؟

26– машқ. Сўз ва ибораларни ёзинг, ўқинг ва транскрипция қилинг:

Бу — қизим Набила.	هَذِهِ ابْنَتِي نَبِيلَةٌ.	ابْنَةٌ
Исминг нима?	مَا اسْمُكَ؟	اسْمٌ
Ўтир, дам ол!	اجْلِسْ واسْتَرِحْ!	اسْتَرِحْ

Ол, ич!	أَشْرَبَ	أَشْرَبَ
Ёз ва тушунтириб бер!	أَشْرَحَ	أَشْرَحَ

Л АРТИКЛИДАГИ ВАСЛАЛИ ҲАМЗА

Сўзнинг аниқ ҳолатда эканлигини кўрсатадиган белги ل аниқлик артиклидир у фақат сўзнинг олдида келади. ل аниқлик артикли олдида ўқишни енгиллатиш учун васлани, яъни бириктирувчи ҳамза қўйилган.

Бириктирувчи ҳамзали ل артикли гап бошида келганида «al» деб ўқилади. Шунинг учун бизда уни ال «ал» аниқлик артикли деб аташади:

хат - (al-mak-tu:-bu) الْمَكْتُوبُ китоб - (al-ki-ta:-bu) الْكِتَابُ

Ушбу сўзларнинг бошидаги م ва ك ҳарфлари қамария ҳарфлари эди. Шунинг учун бу сўзлардаги ل артикли тўлиқ ўқиляпти. (32-бетга қаранг).

Агар сўз шамсия ҳарф билан бошланса, ل аниқлик артикли шамсия ҳарф таъсирида ассимиляцияга учрайди, яъни худди ўша шамсия ҳарф каби талаффуз қилинади ва ёзувда шамсия ҳарф устига «шадда» белгиси қўйилади. Масалан, السُّنْمُسُ сўзи «al-sham-su» эмас, балки «as-sham-su» деб ўқилади:

тинчлик (as-sa-la:-mu) السَّلَامُ дарс (ad-dar-su) الدَّرْسُ

Иккита сўзнинг ўртасида келган васлани ҳамза ل аниқлик артикли билан олдиндаги сўзнинг охири ундошининг унлисини васл қилади:

У хат ёзди. (kataba-l-maktu:ba) كَتَبَ الْمَكْتُوبُ

У китоб олди. (axaza-l-kita:ba) أَخَذَ الْكِتَابُ

Агар васлани ҳамзали ёки ال артиклини олган сўздан олдинги сўзнинг охири сукунга тугаса, ундан олдинги ундош ҳарфнинг ҳаракатига қаралади. Агар у «а» бўлса, васлани ҳамза «i», агар «i», бўлса ва у сўз феъл бўлмаса васлани ҳамза «a», «u» бўлса васлани ҳамза ҳам «u» деб ўқилади:

мактабдан (mina-l-madrasati) مِنَ الْمَدْرَسَةِ

Директор ким? (mani-l-mudi:tu) مِنَ الْمُدِيرِ؟

Улар, мусулмонлар. . . (humu-l-muslimu:na) هُمُ الْمُسْلِمُونَ. . .

Агар бу сўз феъл бўлса ال нинг васлани ҳамзаси «i» деб ўқилади:

дарсни ёз! (uk-tu-bi-d-darsa) - أَكْتُبِ الدَّرْسَ

Аниқ ҳолатдаги сўз олдида ل — учун, ...нинг, ...ники олд қўмакчиси қўшилиб ёзилганида (ل) алиф ёзувда тушиб қолади - ёзилмайди. Масалан:

уй учун - (эмас لِالْبَيْتِ) لِالْبَيْتِ ← لِالْبَيْتِ

أَشِقَاءُ أَبِي وَأُمِّي هُمْ أَقْرَبَاؤُنَا. شَقِيقُ أَبِي هُوَ عَمِّي وَشَقِيقَتُهُ عَمَّتِي. لَنَا عَمٌّ وَعَمَّتَانِ. أَمَّا عَمِّي فَهُوَ شَيْخٌ فِي التَّقَاعِدِ. هُوَ مَشْغُولٌ بِأَعْمَالِ الْمَنْزِلِ. أَمَّا عَمَّتِي الْكَبِيرَةُ فَقَدْ تُوفِّيتُ فِي الْعَامِ الْمَاضِي. وَأَمَّا عَمَّتِي الصَّغِيرَةُ فَهِيَ تَعْمَلُ فِي الْمَوْسَسَةِ الْحُكُومِيَّةِ. هِيَ وَزِيرَةُ الطَّبِّ.

شَقِيقُ أُمِّي هُوَ خَالِي وَشَقِيقَتُهَا هِيَ خَالَتِي. لَنَا خَالَ وَخَالَةٌ. أَمَّا خَالِي فَهُوَ مُعَنٍّ وَيَعْمَلُ فِي وَزَارَةِ الثَّقَافَةِ. أَمَّا خَالَتِي فَهِيَ مُمَرِّضَةٌ وَتَعْمَلُ فِي الْمُسْتَشْفَى. هِيَ مُمَرِّضَةٌ مَاهِرَةٌ.

كَلِمَاتُ СЎЗЛАР

... га келсак; эса	أَمَّا ... فَ ...	қариндошлар	أَقْرَبَاءٌ
банд	مَشْغُولٌ	туғишган(лар) (ака ёки ука)	شَقِيقٌ (أَشِقَاءُ)
уй юмушлари	أَعْمَالُ الْمَنْزِلِ	ота-онаминг туғишганлари	أَشِقَاءُ وَالِدَيَّ
уй бекаси	رَبَّةُ الْمَنْزِلِ	туғишган(лар) (она , сингил)	شَقِيقَةٌ (شَقَائِقُ)
ҳамшира	مُمَرِّضَةٌ	амаки(лар)	عَمٌّ (أَعْمَامٌ)
Маданият вазирлиги	وَزَارَةُ الثَّقَافَةِ	амма(лар)	عَمَّةٌ (عَمَّاتٌ)
вафот этган	فَقَدْتُ تُوفِّيتُ	тоға(лар)	خَالَ (أَخْوَالٌ)
ўтган йили	الْعَامِ الْمَاضِي	хола(лар)	خَالَةٌ (خَالَاتٌ)
ишлайди	يَعْمَلُ (تَعْمَلُ. қиз)	давлат муассасаси	مَوْسَسَةٌ حُكُومِيَّةٌ

34– машқ. Ушбу ҳадиси шарифни ўқинг, ёзинг ва ёд олинг:

آفَةُ الْعِلْمِ النَّسِيَانُ وَإِضَاعَتُهُ أَنْ تُحَدِّثَ بِهِ غَيْرَ أَهْلِهِ.

Илмнинг офати унутиш ва илмни ҳоҳламаган одамга уни ўргатаман дейиш уни йўқотиб юборишидир.

АРАБ АЛИФБОСИ ХАРФЛАРИ
(УМУМИЙ ЖАДВАЛ)

Харфнинг ёзилиши				Кўринишлари сони	Транскрипция	Харф номи		Тартиб рақами
мустақил (алоҳида) кўриниши	ўнг томондан бирикishi (сўз охирида)	икки томондан бирикishi (сўз ўртасида)	чап томондан бирикishi (сўз бошида)			Ўзбекча	Арабча	
9	8	7	6	5	4	3	2	1
ا	ا			2	-	Alif	ألف	1
ب	ب	ب	ب	4	b	Ba:	باء	2
ت	ت	ت	ت	4	t	Ta:	تاء	3
ث	ث	ث	ث	4	s	Sa:	ثاء	4
ج	ج	ج	ج	4	j	Ji:m	جيم	5
ح	ح	ح	ح	4	h	Ha:	حاء	6
خ	خ	خ	خ	4	x	Xa:	خاء	7
د	د			2	d	Da:l	دال	8
ذ	ذ			2	z	Za:l	ذال	9
ر	ر			2	r	Ra:	راء	10
ز	ز			2	z	Za:y	زاي	11
س	س	س	س	4	s	Si:n	سين	12
ش	ش	ش	ش	4	sh	Shi:n	شين	13
ص	ص	ص	ص	4	s.	S.a:d	صاد	14
ض	ض	ض	ض	4	d.	D.a:d	ضاد	15
ط	ط	ط	ط	4	t.	T.a:	طاء	16
ظ	ظ	ظ	ظ	4	z.	Z.a:	ظاء	17
9	8	7	6	5	4	3	2	1
ع	ع	ع	ع	4	ε	εayn	عين	18

غ	غ	غ	غ	4	g	Gayn	غين	19
ف	ف	ف	ف	4	f	Fa:	فاء	20
ق	ق	ق	ق	4	q	Qa:f	قاف	21
ك	ك	ك	ك	4	k	Ka:f	كاف	22
ل	ل	ل	ل	4	l	La:m	لام	23
م	م	م	م	4	m	Mi:m	ميم	24
ن	ن	ن	ن	4	n	Nu:n	نون	25
ه	ه	ه	ه	4	h	Ha:	هاء	26
و	و			2	w	Wa: w	واو	27
ي	ي	ي	ي	4	y	Ya:	ياء	28
ء	ؤأئ	أؤء	إ			Ham za	هَمْزَةٌ	

АСОСИЙ ҚИСМ *الْقِسْمُ الْأَسَاسِيُّ*

МОРФОЛОГИЯ ВА СИНТАКСИС *الصَّرْفُ وَالنَّحْوُ*

ЎНИНЧИ ДАРС *الدَّرْسُ الْعَاشِرُ*

СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

Муайян бир маънони англатган товушлар йиғиндисига сўз дейилади. Арабча сўз биттадан то еттигача ҳарфдан иборат бўлади. Масалан:

لِ ، مِنْ ، كَرَّمَ ، خِزَانَةٌ ، مُحَمَّدٌ ، عِنْدَلَيْبٍ ، اسْتِقْبَالٌ

Араб тили лексикасидаги барча сўзлар учта катта гуруҳга бўлинган:

Исм (الاسْمُ), феъл (الفِعْلُ) ва ёрдамчи сўзлар (الحَرْفُ).

I. Исм (الاسْمُ) туркумига мустақил маънога эга бўлган от, сифат, сон, олмош, равиш, масдар(ҳаракат номи) ва сифатдош каби сўзлар киради:

أُمُّ ، أَبٌ ، عِلْمٌ ، إِنْسَانٌ ، مَدْرَسَةٌ ، مَدِينَةٌ ، جَبَلٌ ، دِرَاسَةٌ

Исм туркумига кирувчи сўзлар **жинс, сон, келишик ва ҳолат (жами тўртта) грамматик категорияларда турланади** – ўзгаради.

II. Феъл (الفِعْلُ) – мустақил мазмунга эга бўлиб, бирон- бир иш- ҳаракатнинг содир бўлишига ёки отнинг ҳолатига ишора қиладиган сўзларга **феъл** дейилади. Феъллар ўтган, ҳозирги ёки келаси замонда содир бўлган иш-ҳаракатни ифода этади:

У боради- سَيَذْهَبُ ، У борапти - يَذْهَبُ ، У борди- ذَهَبَ

Феъл туркумига унинг барча феълий шакллари киради. Феълдан ҳосил бўлган исмий шакллари эса исм туркумига киради.

III. Ёрдамчи сўзлар (الحَرْفُ)– ўзи мустақил келганда бирор маъно англамайдиган аммо исм ёки феъл гуруҳидаги сўзларга таъсир қилиб уларнинг маъносини аниқлаштириб келадиган сўзлардир. Ёрдамчи сўзларга аниқлик артикли, ундалма, олд кўмакчи (предлог), боғловчи ва юкламалар киради.

35– машқ. Ўрганган сўзларингиздан «исм», «феъл» ва «ёрдамчи сўзлар» гуруҳларига оид бўлган ўнта –ўнтадан сўз ёзиб чиқинг.

И С М Л А Р Н И Н Г Т У Р Л А Р И

О Т

Одам, жонивор, буюм, ашё каби нарсаларни билдириб келган сўзларга от дейилади. Араб тилидаги от кимни ёки нимани англатиб келганига қараб оқил ва ғайри оқилни англатувчи отга бўлинади. Одамни англатиб келган отлар оқилни англатувчи отларга, одамдан бошқасини англатиб келган отлар эса ғайри оқилга киради. Масалан:

(оқил)	زَيْدٌ، إِنْسَانٌ، مُدْرَسٌ، وَكَلْدٌ، رَجُلٌ، صَدِيقٌ
(ғайри оқил)	حَيَوَانٌ، قَلَمٌ، كُرْسِيٌّ، طَاوَلَةٌ، نَمْرٌ، زَهْرٌ

Ўзбек тилидагига ўхшаб бу отлар икки хил: турдош ёки атоқли бўлади.

Араб тилидаги атоқли отга арабларга хос бўлган кишининг лақаби ва куняси (куня-кишини фарзандининг исми билан чақириш) кабилар мансубдир. Мисоллар:

лақаб	куня
Нодонлик отаси - أَبُو جَهْلٍ	Бакрнинг отаси - أَبُو بَكْرٍ

ишончли Муҳаммад - مُحَمَّدٌ الْأَمِينُ	Ҳабибанинг онаси أُمُّ حَبِيبَةَ
	-

СИФАТ

Отнинг ранг, маза-таъм, ҳажм, хусусият каби белгиларини билдирадиган сўзга сифат дейилади. Отга тобеъ бўлиб келгани учун сифат отнинг жинсига қараб у билан жинсда мослашиб келади.

Икки хил сифат: туб ва ясама сифат (нисбий от) лар бор. Туб сифат аввалдан бор бўлган сифат бўлса, ясама сифат отга сифат ясовчи қўшимчани қўшиб ҳосил қилинган сифатдир.

ясама сифат (нисбий от)	туб сифат
арабча-عَرَبِيٌّ (араблар-العَرَبُ)	катта-كَبِيرٌ
ислом динига оид-إِسْلَامِيٌّ (ислом - الإِسْلَامُ)	кичкина-صَغِيرٌ
қўлда ясалган, қўлниқ - يَدَوِيٌّ (қўл - يَدٌ)	кенг-وَاسِعٌ
ёғочдан ясалган - خَشَبِيٌّ (ёғоч - خَشَبٌ)	тор - ضَيْقٌ
илмий - عِلْمِيٌّ (илм - عِلْمٌ)	чиройли - جَمِيلٌ

ОЛМОШ

Отнинг номини алмашиб келган сўзга олмош дейилади. Араб тилидаги олмошнинг бир неча турлари бор: Улардан

кишилиқ олмошларига: أَنَا، أَنْتَ، أَنْتِ، هُوَ، أَنْتُمْ، نَحْنُ

бириқма олмошларига: هِيَ، هُوَ، هَذَا، هَذِهِ

кўрсатиш олмошларига: ذَلِكَ، ذَلِكَ، ذَلِكَ، ذَلِكَ

сўроқ олмошларига: مَنْ؟ أَيْ؟ كَيْفَ؟

каби олмошлар мисол бўлади.

КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИ

Араб тилида икки хил кишилиқ олмошлари бор:

1. Алоҳида ёзилувчи кишилиқ олмошлари (الضَّمِيرُ الْمُنْفَصِلُ)

2. Бириқиб ёзилувчи кишилиқ олмошлари (الضَّمِيرُ الْمُتَّصِلُ) .

Бириқиб ёзилувчи кишилиқ олмошлари ўзбек тилидаги эгалиқ қўшимчаларига мос келади.

Алоҳида ёзилувчи кишилиқ олмошлари аниқ шахсни кўрсатиш учун ишлатилади.

Алоҳида ёзилувчи кишилик олмошлари қуйидаги жадвалда берилган:

кўплик	иккилик	бирлик	жинс, сон	шаҳс
биз نَحْنُ	-----	мен أَنَا	музаккар муаннас	I ш
сиз أَنْتُمْ	сиз иккинги ANْتُمْ	сен أَنْتَ	музаккар	II ш
сиз أَنْتُنَّ	сиз иккинги ANْتُنَّ	сен أَنْتِ	муаннас	
улар هُمْ	у иккови هُمَا	у هُوَ	музаккар	III ш
улар هُنَّ	у иккови هُمَا	у هِيَ	муаннас	

С О Н

Сон отнинг саноғини ёки тартибини билдирадиган сўздир. Икки хил: саноқ ва тартиб сонлар бор. 10 гача бўлган содда сонлар қуйидагилардир («0» сони صِفْرٌ сўзи билан ифодаланади):

тартиб сонлар	саноқ сонлар	рақами
биринчи	бир	۱
иккинчи	икки	۲
учинчи	уч	۳
тўртинчи	тўрт	۴
бешинчи	беш	۵
олтинчи	олти	۶
еттинчи	етти	۷
саккизинчи	саккиз	۸
тўккизинчи	тўккиз	۹
ўнинчи	ўн	۱۰

Уларнинг муаннас жинси музаккар жинси кўринишининг охирига «та-марбута» кўшиб ҳосил қилинади.

Булардан ташқари исм туркумидаги сўзларга феъл масдари- ҳаракат номи, аниқ ва мажҳул даража сифатдошлари, ўрин-жой номлари, касб- ҳунар номлари, жиҳоз номлари каби феълдан ясаладиган турли- туман отлар, ўрин равишлари, гумон равишлари каби равишлар, мавҳум отлар, бир марталик иш-

ҳаракатни билдирувчи отлар каби отлар ҳам киради. Улар билан ўрни келганда танишиб ўтамыз.

36– машқ. Турдош от, атоқли от, олмош, туб сифат, ясама сифатларга ўнтадан мисол ёзинг. Уларни ёдлаб олинг.

37– машқ. 10 гача бўлган саноқ ва тартиб сонларни ёд олинг.

38– машқ. Ушбу сонларнинг саноқ ва тартиб сонда муаннас жинсини ҳосил қилинг:

бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн.

СЎЗ ЎЗАГИ. ЎЗАК УНДОШЛАР. ШАКЛ ЯСОВЧИ УНДОШЛАР

Арабча сўз ўзаги фақат ундош ҳарфдан иборат бўлади. Алифбонинг барча ҳарфлари ўзак ташкил қилувчи ундош ҳисобланади. Ўзакдаги асосий ундошларнинг кетма – кетлигини бузмай уларнинг олдига, ортига, орасига бошқа шакл ясовчи ундош ва унлиларни қўшиб негиз – янги сўз ҳосил қилинади. Қуйидаги сўзлар علم – «билим» ўзагининг ҳосила негизларидир. Ушбу маъно унинг барча негизларида сақланган:

билувчи; олим	عَالِمٌ	билди	عِلْمٌ
сўраб билди	اسْتَعْلَمَ	билим, билиш	عِلْمٌ
таълим берувчи	مُعَلِّمٌ	маълум; билинган	مَعْلُومٌ
таълим	تَعْلِيمٌ	ўрганди	تَعَلَّمَ

ا ه ن س ا ھ ундошлари шакл ясовчи ундошлар бўлиб, улар 10 тадир. Ёдда сақлаш осон бўлиши учун уларни الْيَوْمَ نَسَاهُ – «Бугун сен уни унутасан» деган гап шаклига солинган. Бу ердаги ت ҳарфи ة ни ҳам билдиради اوي ундошлари эса шакл ясовчи чўзиқ унлилар сифатида ҳам назарда тутилган. Шакл ясовчи ундошлар сўзларнинг иккилик, кўплик сонларини ва бошқа турли – туман шаклларни ҳосил қилишда иштирок этади.

39– машқ. Ушбу сўз гуруҳларидаги сўзлар бир ўзакдан ҳосил бўлган негизлардир. Уларнинг қайси ўзак ундошлардан ташкил топганини аниқланг:

1. اعْتَرَفَ، عَرَفَ، اعْتَرَفَ، عَرَفَ، تَعَارَفَ، تَعَارَفَ، مَعْرُوفٌ، تَعْرِيفٌ، عِرْفَانٌ؛
2. رَحْمَنٌ، رَحِيمٌ، رُكْمَاءٌ، أَرْحَمُ، مَرْحُومٌ، تَرَاخَمَ، مَرْحَمَةٌ، تَرَحَّمَ، اسْتَرْحَمَ، رَحْمٌ؛
3. عَلِقَ، عَلِيقٌ، تَعَلَّقَ، تَعَلَّقُ، تَغَلَّقَ، أَغْلَقَ، عَلَّقَ، عِلَاقَةٌ، مُعَلِّقٌ، مُتَعَلِّقٌ؛
4. مَجَّدَ، تَمَجَّدَ، تَمَجِّدُ، مَجِّدٌ، مَجَّدَ، مَجَّدَ، مَجَّدَ، مَجَّدَ، مَجَّدَ، مَجَّدَ، مَجَّدَ؛

۵. حَسَنٌ، حَسَنَةٌ، حَسَنٌ، تَحْسِينٌ، اسْتَحْسَنَ، أَحْسَنَ، تَحَسَّنَ، اسْتَحْسَنَ.

40- машқ. Ушбу сўзларнинг ўзак ҳамда шакл ясовчи ундошларини аниқланг. Сўзларнинг маъноларини луғат китобидан топиб, ёзиб қўйинг:

أَصْبَحَ، تَكْمُلُ، دِرَاسَةٌ، مَوْلُودٌ، مَقْعَدٌ، قُفْلٌ، ذَهَابٌ، كَثِيرٌ، تَصْدِيقٌ.

СЎЗ ВАЗНЛАРИ

Араб тилидаги сўзларнинг хилма-хил шакллари вазн (қолип)лар билан ифодаланади. Масалан, уч ҳарфли феълларнинг умумий вазни сифатида «*فعل*» қилди ўзаги ишлатилади. Бунда «*ف*» ҳарфи феълнинг биринчи ўзак ундошини, «*ع*» ҳарфи иккинчи ўзак ундошини, «*ل*» ҳарфи эса учинчи ўзак ундошини ифодалайди. Ҳар қандай сўзнинг вазни шу ҳарфлар асосида ҳосил қилинган. Ҳаракатлари ва шакл ясовчи ундошлари эса шундоқ кўчириб қўйилган. Бизга таниш қуйидаги сўзлар ушбу вазнлар бўйича ясалган экан:

فَعَلٌ ← دَرَسَ؛ فَعِلٌ ← عَلِمَ؛ فِعْلٌ ← عَلِمَ؛ فَاعِلٌ ← عَالِمٌ؛ مَفْعَلَةٌ ← مَدْرَسَةٌ.

Тўрт ёки беш ҳарфли сўзларни вазнга солинганда тўртинчи ундош ҳам, бешинчи ундош ҳам *ل* ҳарфи билан белгиланади:

تَرَجَمَ ← فَعَلَلٌ؛ مُتَرَجِمٌ ← مُفَعَّلِلٌ؛ سَفَرَجَلٌ ← فَعَلَلٌ.

ЛУҒАТ КИТОБ – ҚОМУС БИЛАН ИШЛАШ

Луғатлар асосан ўзак асосида тузилган бўлади. Уларда бир ўзакка оид бўлган сўзлар бир жойда келади. Аввал феълий шакллари, кейин исмий шакллари берилади. Сўзнинг таржимасини билиш учун аввал унинг ўзагини аниқлаш керак. Бу нарсага кўп ўқиб, ўрганиб эришилади. Агар ўқувчи сўзнинг қайси вазнда эканлигини аниқлай олса унинг ўзагини топиш кийин бўлмайди. Масалан, «*درس*» сўзлари «*درس*» ўзаги асосида ва «*كلم*» ўзаги асосида ҳосил қилинганлиги талабага тушунарли.

Ушбу сўзларнинг маъносини топишда уларни луғатдан шу ўзақлар бўйича қидириш лозим. Яъни «*حمد*» сўзларининг маъноларини луғатларда алифбо тартибида эмас, балки уни «*ح*» ҳарфи билан бошланган «*حمد*» ўзагидан ясалган сўзлар ичидан қидириш керак бўлади.

41- машқ. Луғат китобидан қуйидаги феъллардан ҳосил бўлган сўзлардан бешта – бештадан танлаб ёзинг ва уларнинг таржималарини беринг:

كْتَبَ ، دَخَلَ ، خَرَجَ ، ذَهَبَ ، لَعِبَ ، دَرَسَ ، فَتَحَ .

42- машқ. Ушбу сўзлашувни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Янги сўزلарни ёд олинг. Сўзларнинг вазнларини аниқланг.

حوار

– وَعَلَيْكُمْ السَّلَامُ وَرَحْمَةُ اللَّهِ!	– السَّلَامُ عَلَيْكُمْ!
– نَحْنُ طَالِبَانِ.	– مَنْ أَنْتُمَا؟
– نَعَمْ. هُوَ حَاضِرٌ. هُوَ عِنْدَ الْمُدْرِسِ.	– أَيْنَ مُحَمَّدٌ؟ هَلْ هُوَ حَاضِرٌ؟
– لَأ. هُمَا غَائِبَتَانِ. هُمَا مَرِيضَتَانِ.	– هَلْ زَيْنَبُ وَفَاطِمَةُ حَاضِرَتَانِ؟
– هُمْ فِي عُرْفَةِ الدَّرْسِ.	– أَيْنَ الطَّلَابُ وَالطَّالِبَاتُ؟
– هُوَ مُدْرِسٌ عَرَبِيٌّ. وَاسْمُهُ حَمْدِي عُمَرُ.	– مَنْ ذَلِكَ الْأُسْتَاذُ؟
– لَأ. هُوَ مِصْرِيٌّ. هُوَ مِنَ الْقَاهِرَةِ.	– هَلْ هُوَ سُورِيٌّ؟
– لَأ. الْلُغَةُ الْعَرَبِيَّةُ سَهْلَةٌ.	– هَلِ الْلُغَةُ الْعَرَبِيَّةُ صَعْبَةٌ؟
– مَعَ السَّلَامَةِ وَإِلَى الْلِقَاءِ يَا عَزِيزِي.	– مَعَ السَّلَامَةِ يَا أَحِي.

كلمات:

қаерда?	أَيْنَ	дарсхонада	فِي عُرْفَةِ الدَّرْسِ
эй азизим	يَا عَزِيزِي	Эй биродар	يَا أَحِي
мударрис	عِنْدَ الْمُدْرِسِ	касал	مَرِيضٌ
йўқ; келмаган	غَائِبٌ	бор; келган	حَاضِرٌ
осон	سَهْلٌ (سَهْلَةٌ)	қийин	صَعْبٌ (صَعْبَةٌ)
кўришгунча	إِلَى الْلِقَاءِ	хайр	مَعَ السَّلَامَةِ

43- машқ. Ҳадиси шарифларни ёзинг, ўқинг, лугат ёрдамида таржима қилинг ва ёд олинг:

۱. أُمَّكَ ثُمَّ أُمَّكَ ثُمَّ أُمَّكَ ثُمَّ أَبَاكَ!

۲. أَنْتَ وَمَالُكَ لِأَبِيكَ!

الدَّرْسُ الْحَادِي عَشَرَ الْوَحْدَةُ الْأُولَى

ИСМЛАРНИНГ ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАРИ

ЖИНС КАТЕГОРИЯСИ

Араб тилидаги сўз муаннас (киз) ёки музаккар (эр) жинсида бўлади.

Сўзнинг муаннас жинсда эканлигини кўрсатувчи ёзилишидаги ташқи (морфологик) белгилари учта:

1-Сўзнинг (ة) билан тугаши. Бундай сўзлар кўп учрайди:

мактаб	مَدْرَسَةٌ	хона	غُرْفَةٌ	иллат; касаллик	عِلَّةٌ
инсон (муан. ж.)	إِنْسَانَةٌ	саҳифа	صَفْحَةٌ	табақа	طَبَقَةٌ

2-ئا (алиф ва ҳамза)га тугаган فَعْلَاءٌ вазнидаги ранг ва жисмоний ҳолатни билдирувчи сифатлар ва шу ҳарфларга тугаган баъзи отлар. Бундай сўзлар кам учрайди:

сахро	صَحْرَاءٌ	қизил ранг	حَمْرَاءٌ
чўл, сахро	بَيْدَاءٌ	буюклик	كِبْرِيَاءٌ

3-ى (алиф мақсура) га тугаган فَعْلَى ، فَعْلَى вазнидаги сифатлар ва баъзи отлар. Бундай сўзлар жуда кам учрайди:

хомиладор	حُبْلَى	дангаса	كَسَلَى
хушхабар	بُشْرَى	энг кичкина	صُغْرَى
эшлаш; сўзлаш	دِكْرَى	шамоллаш; безгак	حُمَى

Муаннас жинсдаги қолган сўзлар англатган мазмунига кўра аниқланади:

А) Аёл кишини ёки уларнинг исмини англатган сўзлар :

келин	عَرُوسٌ	киз-	بِنْتٌ	она-	أُمٌّ	Видад (исм)-	وَدَادٌ
-------	---------	------	--------	------	-------	-----------------	---------

Б) Тананинг жуфт аъзоларини англатган сўзлар:

кўз	عَيْنٌ	қулоқ	أُذُنٌ	оёқ	رِجْلٌ	қўл	يَدٌ
-----	--------	-------	--------	-----	--------	-----	------

В) Халқлар, қабиаларнинг, баъзи давлатлар ва шаҳарларнинг географик номлари:

Қурайш (қабила)	قُرَيْشٌ	Ливан	لُبْنَانٌ	Ливия	لِيبِيَا
--------------------	----------	-------	-----------	-------	----------

Г) Яратилишига кўра ягона бўлган нарсаларнинг номлари:

куёш	شَمْسٌ	шамол	رِيحٌ	олов	نَارٌ
------	--------	-------	-------	------	-------

Алифбе ҳарфларининг номлари ҳам муаннас жинсда ҳисобланади. Араб тилида «та марбута» (ة) ёки «алиф мақсура» (ى) га тугаган муаннас жинс кўринишида бўлган эркак киши исмлари ҳам кўп учрайди:

Аллома	عَلَامَةٌ	Халифа	خَلِيفَةٌ	Атийя	عَطِيَّةٌ
Мустафо	مُصْطَفَى	Мусо	مُوسَى	Исо	عِيسَى

Баъзи сўзлар иккала жинсда ҳам ишлатилади. Бундай сўзлар рўйхати луғатларнинг охирида қуйидагича илова қилинади:

бармоқ إصْبَعٌ вино خَمْرٌ қўлтиқ إِنْطٌ

Қолган сўзлар музаккар жинсига тааллуқли сўзлардир.

КЕЛИШИК КАТЕГОРИЯСИ

Келишиклар отни отга ёки отни феълга боғлаб, гап бўлаклари ўртасидаги муносабатларни аниқлаштириб келади. Араб тилида учта келишик бор.

Улар: 1. Бош келишик. 2. Қаратқич келишиги. 3. Тушум келишиги.

Исмларни уч келишикда турлаш жадвали:

ҳолат	келишик	музаккар жинс	муаннас жинс	келишик қўшимча
ноаник	бош	китоб كِتَابٌ	мактаб مَدْرَسَةٌ	ـ (-un)
	қаратқич	китобнинг كِتَابٍ	мактабнинг مَدْرَسَةٍ	ـ (-in)
	тушум	китобни كِتَابًا	мактабни مَدْرَسَةً	ـ (-an)
аник	бош	китоб الْكِتَابُ	мактаб الْمَدْرَسَةُ	ـ (-u)
	қаратқич	китобнинг الْكِتَابِ	мактабнинг الْمَدْرَسَةِ	ـ (-i)
	тушум	китобни الْكِتَابَ	мактабни الْمَدْرَسَةَ	ـ (-a)

Жадвалга изоҳ: Агар сўз танвин фатҳага тугаса унинг охирига ўқилмайдиган алиф ҳарфи ёзилади. Аммо «та-марбута» ёки ёлғиз «ҳамза» сўз охирида танвин фатҳа билан келса ундан кейин бу алиф ёзилмайди.

СОН КАТЕГОРИЯСИ

Исм туркумидаги сўзлар учта грамматик сонда турланади:

1. Бирлик- مُفْرَدٌ
2. Иккилик- تَنْبِيْهٌ

3. Ҷамъ-Кўплик

ИККИЛИК СОН

Бош келишиқдаги сўзнинг иккилик сони музаккар ёки муаннас жинс, бирлик сонда бўлган исмнинг охиридаги танвинини олиб ташлаб, ўрнига تان (a:ni) қўшимчасини қўшиб ясалади. Муаннас жинсдаги сўзнинг ت «та марбута» си ت «та мамдуда»га алмаштириб ёзилади:

иккита толиба	طَالِبَاتٍ	←	толиба	طَالِبَةٌ
иккита мударрис	مُدَرِّسَاتٍ	←	мударрис	مُدَرِّسٌ

Иккилик сондаги сўз олдида ال артикли қўйилганда ҳам تان қўшимчаси ўзгармайди:

طَالِبَاتٍ	←	طَالِبَاتٍ	←	الطَالِبَاتِ
------------	---	------------	---	--------------

Алиф ва ҳамза – (اء) га тугаган сўзларнинг иккилик сони ҳосил қилинганда, уларнинг ҳамзалари «wa:w» (و)га айланади:

иккита гўзал қиз	حَسَنَاتٍ	←	гўзал қиз	حَسَنَاءٌ
------------------	-----------	---	-----------	-----------

Алиф мақсура – ى ёки алиф – ا га тугаган сўзлардан иккилик сон ҳосил қилинганда, уларнинг ўзақларидаги иллатли и ва و ундошлари қайта тикланади:

икки йигит	فَتَيَاتٍ	←	йигит	فَتًى (فَتًى)
иккита ҳасса	عَصَوَاتٍ	←	ҳасса	عَصَا (عَصَوٌ)

Иккилик сондаги сўзлар иккита- бош ва қаратқич-тушум келишиқларида турланади:

келишиқ	ноаниқ ҳолатда		аниқ ҳолатда		иккилик сон қўшимчаси
	музаккар	муаннас	музаккар	муаннас	
бош	طَالِبَاتٍ	طَالِبَاتٍ	الطَالِبَاتِ	الطَالِبَاتِ	تَان (-a:ni)
қаратқич-тушум	طَالِبِينَ	طَالِبِينَ	الطَالِبِينَ	الطَالِبِينَ	يِن (-ayni)

44- машқ. А) Ушбу сўзларнинг аниқ ва ноаниқ ҳолатдаги иккилик сонини ҳосил қилинг, уларнинг жинсини аниқланг ва келишиқларда турланг:

نَصٌّ، وَلَدٌ، بِنْتُ شَابٍّ، شَابَّةٌ، سُورِيٌّ، سُورِيَّةٌ، جُزْءٌ (қисм)، حِوَارٌ (диалог)، رِوَايَةٌ (ҳикоя)، نَهْرٌ (дарё)، بَحْرٌ (денгиз)، بُسْتَانٌ (боғ).

Б) Ушбу сўзларнинг бирлик сонини ва жинсини аниқланг, таржимасини билинг ва келишиқларда турланг. Уларни аниқ ҳолатга ўтказинг:

سَيَّارَاتٍ، مَكْتَبَاتٍ، مُسْلِمَانٍ، مَشْهُورَانٍ، مَسْرُورَانٍ، مَدِينَتَيْنِ، مُمْرَضَتَيْنِ، مَلِيحَانِ.

45– машқ. А) Ушбу сўзларнинг муаннас жинсини ҳосил қилинг:

كَاتِبٌ، وَالِدٌ، مُدِيرٌ، تَلْمِيذٌ، وَزِيرٌ، طَبِيبٌ، إِنْسَانٌ، عَمٌّ، أَنْتَ، شَقِيقٌ.

Б) Ушбу сўзларнинг ичидан музаккар ва муаннас жинсдаги сўзларни алоҳида-алоҳида қилиб ёзинг:

ثَقَافَةٌ، أَبٌ، أُمٌّ، دِينَ، دَيْنٌ، يَدٌ، كَمَالٌ، مُسْتَشْفَى، كَمَالَةٌ، أُذُنٌ، فَتَى، نَبَاهَةٌ، دَيْنٌ، وَزَارَةٌ، سَمَاءٌ،

مُسْتَعْرَبٌ (арабшунос)، مُسْتَعْرَبَةٌ، بَهَاءٌ (гўзаллик).

КЎПЛИК СОН

Араб тилида сўзларнинг кўплиги икки хил усулда ҳосил қилинади: 1. Сеник кўплик яшаш усули бўйича;

2. Тўғри кўплик яшаш усули бўйича.

Сеник кўплик. Исмдан сеник кўплик яшашда унинг ўзагига бошқа шакл ясовчи ундош ва унлилар қўшилиб унинг бирлик сондаги шакли бошқа шаклга ўзгаради. «Сеник кўплик» деб аталишига сабаб ҳам шу. Сеник кўплик шакллари хилма-хил ва кўп сонлидир. Унинг баъзи шакллари танвин даммага, баъзилари эса даммага тугайди:

китоб-китоблар	كِتَابٌ - كُتُبٌ	дарс-дарслар	دَرْسٌ - دُرُوسٌ
боғ-боғлар	حَدِيقَةٌ - حَدَائِقٌ	кадимги-кадимгилар	قَدِيمٌ - قَدَمَاءٌ

Тўғри кўплик. Тўғри кўплик яшашда исмнинг охирига кўплик кўшимчаси қўшилганда бирлик шакли ўзгармайди.

Музаккар жинсидаги тўғри кўплик одамни ва унинг касби-корини билдирадиган сўзлардан, "ة" ("та марбута") га тугамаган ва охирида иккилик сон кўшимчаси бўлмаган сўзлардан ҳосил қилинади.

Музаккар жинсдаги, одамни ва унинг касби-корини билдирадиган сўзнинг кўплиги унинг охирига "ون" кўшимчасини ва муаннас жинсдагиси унинг охирига "ات" кўшимчасини қўшиб ҳосил қилинади. Бу ерда ҳам "ة" ҳарфи "ت" га айланади. Музаккар жинс тўғри кўпликдаги сўзлар "ال" артикли олганда келишик кўшимчалари ўзгармайди. Тўғри кўплик, муаннас жинсдаги исм эса "ال" артикли олганида танвини тушиб қолади:

мударрислар	المُدَرِّسُونَ	←	مُدَرِّسُونَ	←	мударрис	مُدَرِّسٌ + وَنٌ
тикувчилар	الْحَيَّاطُونَ	←	حَيَّاطُونَ	←	тикувчи	حَيَّاطٌ + وَنٌ
мударрисалар	المُدَرِّسَاتُ	←	مُدَرِّسَاتُ	←	мударриса	مُدَرِّسَةٌ + اتٌ

тикувчилар	حَيَّاطَاتُ	←	خَيَّاطَاتُ	←	тикувчи	خَيَّاطَةٌ+اتُ
------------	-------------	---	-------------	---	---------	----------------

Гайри оқилни англатган музаккар ва муаннас жинсдаги аксарият сўзларнинг кўплиги ҳам муаннас жинс тўғри кўпликда ҳосил қилинади:

хайвон – хайвонлар	حَيَوَانَاتُ	←	حَيَوَانٌ+اتُ
имтиҳон – имтиҳонлар	امْتِحَانَاتُ	←	امْتِحَانٌ+اتُ

Эслатма: *ى* (алиф мақсура) билан тугаган музаккар жинсдаги сўзларнинг тўғри кўплиги ҳосил қилинганда *ى* тушиб қолиб, ундан олдин келаётган «фатҳа» сақланади:

аълолар – الأَعْلَوْنَ ← энг баланд; аъло – الأَعْلَى

энг пастлар; пасткамлар – الأَدْنَى ← энг паст – الأَدْنَى

Ҳамза (ء) ёки алиф мақсура *ى* билан тугаган муаннас жинсдаги сўзларнинг тўғри кўплиги ҳосил қилинганда (*ء*) «ҳамза» ва га ва «алиф мақсура» (*ى*) *ي* га айланади:

хотиралар	ذِكْرِي ← ذِكْرِيَاتُ	ғўзаллар	حَسَنَاءُ ← حَسَنَاوَاتُ
-----------	-----------------------	----------	--------------------------

Тўғри кўпликдаги исмлар иккита келишиқда турланади:

жинс	келишиқ	ноаниқ ҳолат	аниқ ҳолат	кўплик сон кўшимчаси
музаккар	бош	مُدْرِسُونَ	الْمُدْرِسُونَ	u:na وَنْ
	қаратқич тушум	مُدْرِسِينَ	الْمُدْرِسِينَ	i:na يِنْ
муаннас	бош	مُدْرِسَاتُ	الْمُدْرِسَاتُ	kat a:tun كَاتُ a:tu
	қаратқич тушум	مُدْرِسَاتٍ	الْمُدْرِسَاتِ	kat a:tin كَاتٍ a:ti

Баъзи музаккар жинсида сўзларнинг кўплиги – синиқ кўпликда, муаннас жинсдагиси эса – тўғри кўпликда ҳосил бўлади. Буни аниқлаш учун бизга луғат китоблари ва ўзимиз ёд олган сўз бойлигимиз қўл келади.

ҲОЛАТ КАТЕГОРИЯСИ

Нутқ жараёнининг боришига қараб жумладаги предмет ёки шахсни ифодалаган сўз аниқ ёки ноаниқ ҳолатда келади. Сўзловчига олдиндан маълум бўлган сўз аниқ, номаълум бўлгани ноаниқ ҳолатда бўлади. Сўзнинг аниқ ҳолатда эканлигини кўрсатиб турадиган белги *ال* аниқлик артикли³, кўпчилик сўзларнинг ноаниқ ҳолатда эканлигини кўрсатиб турадиган белги эса унинг танвинга тугагани бўлади.

ل аниқлик артикли ишора қилиш ва умумлаштириш маъноларини ҳам ифода этади:

³ аслида ل аниқлик артикли. Унинг олдидаги васлани ҳамзани ифодалайдиган ا (алиф) ўқишни осонлаштириш учун хизмат қилади. Бизда ل артикли деб аташади.

бугун (бу кун)	الْيَوْمَ	кун	يَوْمٌ
инсоният	الْإِنْسَانُ	инсон	إِنْسَانٌ

Л артиклисиз келган ушбу сўзлар ҳам аниқ ҳолатда деб ҳисобланади:

- а) атокли отлар: فَاطِمَةٌ، أَحْمَدُ، طَشَقْنَدُ، مَكَّةُ، مِصْرُ каби;
- б) кўрсатиш олмошлари: تِلْكَ، ذَلِكَ، هَذِهِ، هَذَا каби;
- в) кишилик олмошлари: أَنْتُمْ، هِيَ، هُوَ، أَنْتِ، أَنْتَ، أَنَا каби;
- г) қараткич-қаралмиш(изофа) шаклидаги бирикманинг 1-бўлаги: كِتَابُ الطَّالِبِ، طَالِبُ الْجَامِعَةِ сўз бирикмаларидаги каби;
- д) ундалмаси билан келган сўзлар: يَا غُلَامُ، يَا أَسْتَاذُ каби.

Ноаниқ ҳолатдаги кўпчилик сўзлар танвинга тугаган бўлади:

كِتَابٌ-китоб (бир), مَدْرَسَةٌ - мактаб (бир), أُسْرَةٌ - оила (бир).

46- машқ. Қўйидаги сўзларнинг таржимасини лугатдан аниқлаб аниқ ва ноаниқ ҳолатда кўплигини ҳосил қилинг ва уларни келишикларда турланг:

تَائِبٌ، تَائِبَةٌ، طَيِّبٌ، طَيِّبَةٌ، حَافِظٌ، حَافِظَةٌ، بَحَّارٌ، عَالِمَةٌ، مِصْرِيٌّ، مِصْرِيَّةٌ، خِيَّاطٌ، خِيَّاطَةٌ، مُوْظَفٌ، مُوْظَفَةٌ، مُسْتَعْرَبٌ، مُسْتَعْرَبَةٌ، مُسْتَشْرِقٌ، مُسْتَشْرِقَةٌ.

47- машқ. Қўйидаги матнни ёзинг, ўқинг ва таржима қилишига уриниб кўринг. Янги сўзларни ёд олинг.

فِي مَطَارِ طَشَقْنَدَ

فِي طَشَقْنَدَ مَطَارَانِ. الْمَطَارُ الْأَوَّلُ صَغِيرٌ وَهُوَ لِلرَّحَلَاتِ الدَّاخِلِيَّةِ فِي أُورُزْبِكِسْتَانِ، وَأَمَّا الْمَطَارُ الثَّانِي كَبِيرٌ وَهُوَ لِلرَّحَلَاتِ الْخَارِجِيَّةِ. هُوَ مَطَارٌ عَالَمِيٌّ. أَنَا مُدْرَسُ اللُّغَةِ الْعَرَبِيَّةِ. وَاسْمِي عَبْدُ الْحَمِيدِ. أَنَا أُورُزْبَكِيٌّ. عَائِلَتِي وَبَيْتِي فِي طَشَقْنَدَ. أَنَا الْآنَ فِي مَطَارِ طَشَقْنَدَ الْعَالَمِيِّ. سَيَّارَتِي خَارِجَ الْمَطَارِ. نَحْنُ الْآنَ فِي صَالَةِ الْإِنْتِظَارِ. أَنَا فِي الْإِنْتِظَارِ صَدِيقِي وَأُسْرَتِهِ. هُوَ مِنَ الرِّيَاضِ. هُمْ الْآنَ مَعَ ضَابِطِ الْجَوَّازَاتِ وَبَعْدَ ذَلِكَ مَعَ مُفْتَشِ الْجُمْرُكِ.

كَلِمَاتٌ

кичкина	صَغِيرٌ	Тошкент аэропорти	مَطَارُ طَشَقْنَدَ
катта	كَبِيرٌ	халқаро аэропорт	مَطَارٌ عَالَمِيٌّ

ички	دَاخِلِيٌّ	рейс; саёҳат	رِحْلَةٌ (رِحَالَاتٌ. кўпл.)
ташқи	خَارِجِيٌّ	кутиш зали	صَالَةٌ الْإِنْتِظَارِ
ташқарисида	خَارِج	божхона назоратчиси	مُفَتِّشُ الْجُمْرِكِ
кутиш, интизорлик	إِنْتِظَارٌ	паспорт текширувчи офицер	ضَابِطُ الْجَوَازَاتِ
оила	أُسْرَةٌ	бундан кейин	بَعْدَ ذَلِكَ
ҳозир	الْآنَ	Ар-риёд (Саудия Арабистони пойтахти)	الرِّيَاضُ

48–**машқ**. Ҳадиси шарифларни ёзинг, ўқинг, таржима қилинг ва ёд олинг:

۱. الْمَجَالِسُ بِالْأَمَانَةِ.

۲. الْوَعْدَةُ دَيْنٌ.

МУСТАҚИЛ БАЖАРИШ УЧУН ТЕСТЛАР

1. Сўз бошида «ҳамза» га ... :

- А) курси вазифасини фақат «алиф» ҳарфи бажаради;
- Б) курси вазифасини фақат «ваав» ҳарфи бажаради;
- В) курси вазифасини фақат «йаа» ҳарфи бажаради;
- Г) курси қўйилмайди.

2. Сўз ўртасида «ҳамза» га ... :

- А) курси вазифасини фақат «алиф» ҳарфи бажаради;
- Б) курси бўлиб фақат *و* *ي* ҳарфларидан бири келиши мумкин;
- В) курси бўлиб *ا* *ي* *و* ҳарфларидан бири келиши мумкин;
- Г) курси бўлиб фақат *ي* ҳарфи келади.

3. Сўз охирида «ҳамза» «суқун» ёки узун унлиларнинг биридан кейин келса ... :

- А) алоҳида ёзилади;
- Б) унга курси бўлиб *ا* *ي* *و* ҳарфларидан бири келиши мумкин;
- В) унга курси бўлиб фақат *و* *ي* *و* ҳарфларидан бири келиши мумкин;
- Г) унга курси бўлиб *و* ҳарфи келади.

4. Тўғри жавобни белгиланг:

- А) бириктирувчи ҳамзанинг ҳаракати «ҳаракатлар катталиги» қоидаси асосида танланади;
- Б) Ўқиладиган ҳамза– ўзак ташкил қилувчи ҳамза ва бириктирувчи ҳамза–сўзнинг ўзаги таркибига кирмайдиган ҳамзадир;
- В) сўз бошида келган ўқилувчи ҳамзага курси вазифасини *ا* *ي* *و* ҳарфларидан бири бажаради;

Г) «Ҳамза» сўз охирида умуман келмайди.

الدَّرْسُ الثَّانِي عَشَرَ **ЎН ИККИНЧИ ДАРС**

СОДДА ГАП

Содда гап деб эга ва кесимга эга бўлиб, маълум бир фикрни ифодалай оладиган ва грамматик ва оҳанг жиҳатдан шаклланган синтактик бирликка айтилади. Содда гап икки хил: йиғиқ ёки ёйиқ бўлади.

Содда йиғиқ гап гапнинг бош бўлаклари бўлмиш эга ва кесимдан иборат бўлади. *Эга – гапнинг эгаси. Кесим – эга ҳақида хабар берувчи сўздир.*

Содда ёйиқ гапда бош бўлақлар билан бирга 2- даражали бўлақлар (аниқловчи, тўлдирувчи ёки ҳол) иштирок этади.

ИСМИЙ ГАП

Кесими исм туркумидаги сўз билан ифодаланган гапга **исмий гап** ва бундай кесимга **исмий кесим** (*ёки от кесим*) дейилади. Исмий кесим вазифасида от, сифат, сон ёки олмош каби исмлардан бири келади.

Исмий кесимнинг эга ёки эганинг ўрни ҳақида хабар беришига қараб исмий гап икки хил бўлади:

1. кесими эга ҳақида хабар берадиган **исмий гап**;
2. кесими эганинг ўрни ҳақида хабар берадиган (яъни предлогли **от-кесимли**) **исмий гап**;

Кесими эга ҳақида хабар берадиган бундай исмий гапнинг бошида эга (المُبْتَدَأُ) одатда аниқ ҳолатда ва бош келишиқда, (الخَبْرُ)–(эга ҳақида хабар берувчи) исмий кесим эса ундан кейин ноаниқ ҳолатда келади. Агар исмий кесим от билан ифодаланган бўлса у эга билан фақат келишиқ ва сонда мослашади. Гап бўлақларининг келиш тартиби мана шундай бўлади:

Жумланинг таржимаси	кесим-الخَبْرُ	эга-المُبْتَدَأُ
Ваъда <u>омонат</u> (дир).	أَمَانَةٌ.	الْوَعْدُ
Қаноат <u>ҳазина</u> (дир).	كَنْزٌ.	الْقَنَاعَةُ
Одоб <u>зийнат</u> (дир).	زِينَةٌ.	الْأَدَبُ

Агар исмий кесим жинсда ўзгара оладиган сифат, сон ёки олмош каби исм билан ифодаланган бўлса у эга билан жинсда ҳам мослашади:

<u>Мавзу</u> <u>тушунарли</u> (дир).	المَوْضُوعُ مَفْهُومٌ.
<u>Икки бола</u> <u>ўтиришибди</u> .	الْفَتَيَانِ جَالِسَانِ.

<u>Тикувчилар моҳирдирлар.</u>	<u>الْحَيَّاطُونَ مَاهِرُونَ.</u>
<u>Мударрисалар мамнундирлар.</u>	<u>الْمُدْرِسَاتُ مَبْسُوطَاتٌ.</u>

Араб тилида бундай исмий жумла ҳозирги замондаги воқеанинг хабарини беради. Унинг таркибида ўзбек тилида баъзи ҳолатларда ишлатиладиган «...дир» ёрдамчи боғловчи-февъли ишлатилмайди.

КЎРСАТИШ ОЛМОШЛАРИ

Кўрсатиш олмоши узоқ ёки яқиндаги шахс ёки нарсага ишора қилади. У ўзи кўрсатиб келаётган сўзнинг жинси, сони ва келишигига мослашиб келади.

Яқиндаги шахс ёки предметни кўрсатувчи олмошлар қуйидагилар:

жинс	бирлик	иккилик	кўплик
музаккар	هُدَا (мана) бу...	هُدَانِ (мана) бу иккиси...	هُؤُلَاءِ (мана) булар...
муаннас	هُدِهْ (мана) бу...	هُؤَاتَانِ (мана) бу иккиси...	هُؤُلَاءِ (мана) булар...

Узоқдаги шахс ёки предметни кўрсатувчи олмошлар қуйидагилардир:

жинс	бирлик	иккилик	кўплик
музаккар	ذَلِكَ؛ اناви	ذَانِكَ اناви иккиси	أُولَئِكَ اनावилар
муаннас	تِلْكَ اناви	تَانِكَ اناви иккиси	أُولَئِكَ اनावилар

Кўрсатиш олмоши гапда эга, кесим, изоҳловчи аниқловчи вазифаларида келади. Исмий гапнинг эгаси кўрсатиш олмоши билан ифодаланганда, у кесимнинг жинси билан мослашиши лозим бўлади:

Бу Рашид(дир). هُذَا رَشِيدٌ. Бу Фотима(дир). هَذِهِ فَاطِمَةٌ.

Бирлик ва кўплик сондаги кўрсатиш олмошлари келишикларда турланмайди. Иккилик сонда эса иккита келишикда турланади.

келишик тури	муаннас	музаккар
бош келишик	هُؤَاتَانِ	هُؤَانِ
қараткич-тушум келишик	هُؤَاتَيْنِ	هُؤَذَيْنِ

49-машқ. 1) Ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Грамматик таҳлил қилинг:

هُؤَذِهِ جَامِعَةٌ. هَذَا مُدْرِسٌ. هَذَا مُدْرِسَانِ. هؤُلَاءِ مُدْرِسُونَ. هَذِهِ طَالِبَةٌ. هؤَاتَانِ طَالِبَتَانِ. هؤُلَاءِ طَالِبَاتٌ. ذَلِكَ مُعَلِّمٌ. ذَانِكَ مُعَلِّمَانِ. أُولَئِكَ مُعَلِّمُونَ. تِلْكَ تَلْمِيذَةٌ. تَانِكَ

تَلْمِيذَاتَانِ. أُولَئِكَ تَلْمِيذَاتٌ. تِلْكَ غُرْفَةٌ. هَاتَانِ غُرْفَتَانِ. تِلْكَ سُبُورَةٌ. تَانِكَ طَبَشُورَةٌ وَمَسْحَةٌ.
ذَانِكَ كُرْسِيَّانِ. هَاتَانِ طَاوِلَتَانِ. هَذِهِ خَرِيْبَةٌ وَتِلْكَ صُورَةٌ. هَاتَانِ خِرَانَتَانِ. ذَانِكَ مِصْبَاحَانِ.

2) Жумлаларни араб тилига таржима қилинг:

Анави- университет. Бу- мударриса. Булар (иккови)- мударрисалар. Булар- мударрисалар. Бу- талаба. Булар (иккови)- талабалар. Булар- талабалар. Анави- олима. Анави (иккови)- олималар. Анавилар- олималар. Анави- ўқувчи. Анави (иккови)- ўқувчилар. Анавилар- ўқувчилар. Бу- китоб. Бу (иккови)- китоблар. Анави- чироқ. Бу- ёзувтахта. Бу- жавон. Анави- стол.

АЖРАТУВЧИ ОЛМОШ

Агар исмий гапнинг кесими сўзловчига олдиндан маълум бўлса ва уни таъкидлаб ёки ажратиб кўрсатиш зарур бўлса у аниқ ҳолатда келиши лозим. (қиёслаб кўринг: Бу китобдир. – Бу ўша китобдир.)

«Бу китобдир.» деган жумланинг таржимаси бизга маълум:

هَذَا كِتَابٌ.

Аmmo «Бу ўша китобдир.» деган жумладаги «ўша» сўзини таржимада ифодалаш учун гапнинг эгаси билан кесими ўртасига эгага жинсда ва сонда мос бўлган III шахс кишилиқ олмоши қўйилади. Бундай олмош (ضَمِيرُ الْمَفْعَلِ) – «ажратувчи (ёки таъкидловчи) олмош» деб аталади:

Бу <u>ўша</u> китобдир.	هَذَا هُوَ الْكِتَابُ.
Зайнаб <u>ўша</u> қиз.	زَيْنَبُ هِيَ الْبِنْتُ.

«Ажратувчи олмош» вазифасида яна бошқа кишилиқ олмошлари келиши мумкинлигини биз Қуръони карим оятларида кўришимиз мумкин.

50–*машқ*. Ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Грамматик таҳлил қилинг.

الْعِلْمُ نُورٌ. الصِّحَّةُ نِعْمَةٌ. الْجَهْلُ ظُلْمَةٌ. الدَّرْسُ سَهْلٌ. الْقَاعِدَةُ صَعْبَةٌ. التَّمْرِينُ مَفْهُومٌ.
الْمَوْضُوعُ مُتَعٌ. الْغُرْفَةُ نَظِيفَةٌ. الْغُرْفَتَانِ نَظِيفَتَانِ. الطَّالِبُ حَاضِرٌ. الطُّلَّابُ حَاضِرُونَ. الطَّالِبَةُ غَائِبَةٌ.
الطَّالِبَاتُ غَائِبَاتٌ. هُمَا عُثْمَانُ وَعَلِيٌّ. سَلِيمٌ ضَعِيفٌ. هُوَ قَوِيٌّ. الْمُتَرْجِمَانِ مَاهِرَانِ. الْمُتَرْجِمَاتُ
مَاهِرَاتٌ. الْأُمُّ رَحِيمَةٌ. الْأُمَانُ رَحِيمَتَانِ. الْأُمَّهَاتُ رَحِيمَاتٌ. الْمُعَلِّمُونَ مُحْتَرَمُونَ. الْوَلَدُ مَسْرُورٌ.
الْأَوْلَادُ مَسْرُورُونَ. الْكُرَاسَتَانِ جَدِيدَتَانِ. الْكِتَابُ قَدِيمٌ. الْكِتَابَانِ قَدِيمَانِ. الطَّعَامُ لَذِيذٌ. زَيْدٌ كَسْلَانٌ.
زَيْدٌ وَزَيْنَبٌ كَسْلَانَانِ. الْقَاهِرَةُ وَالرِّيَاضُ مَدِينَتَانِ. مِصْرٌ وَلِيبِيَا دَوْلَتَانِ. سَيْحُونُ (سِيرْدَرِيَا) وَجِيحُونُ

(أُمُودَرِيَا) نَهْرَانِ. الْأَرْضُ وَالْقَمَرُ كَوُكَبَانِ. آسِيَا وَأُورُبَّا قَارَتَانِ. الْأَطْلَسِيُّ وَالْهَادِيُّ مُحِيطَانِ.
الْمُسْتَشْفَى بَعِيدٌ.

هَذَا هُوَ الْمُسْتَشْفَى. الْجَامِعَةُ هِيَ الْبِنَايَةُ. حَامِدٌ هُوَ الطَّالِبُ. عَلِيٌّ هُوَ الْفَتَى. عَزِيزَةٌ وَسَلِيمَةٌ
هُمَا الْفَتَاتَانِ. أَشْرَفٌ هُوَ الْمِصْرِيُّ. زَاهِدَةٌ وَشِيرِينُ هُمَا الْمُمَرِّضَتَانِ. هَذِهِ هِيَ الْعُرْفَةُ. هَذِهِ هِيَ
السُّورَةُ، وَهَذِهِ هِيَ الْآيَةُ. هَا هُوَ الْقَامُوسُ!

كلمات:

илмсизлик	جَهْلٌ	машқ	تَمَرِينٌ (تَمَارِينُ. كُؤْل.)
саломатлик	صِحَّةٌ	қизиқарли	مُتَبِّعٌ
хурматли	مُحْتَرَمٌ	киши	رَجُلٌ (رِجَالُ. كُؤْل.)
ширин; лаззатли	لَذِيذٌ	қоида	قَاعِدَةٌ (قَوَاعِدُ. كُؤْل.)
қийин	صَعْبٌ	осон	سَهْلٌ
тушунарли	مَفْهُومٌ	тоза; озода	نَظِيفٌ
планета; юлдуз	كَوْكَبٌ (كَوَاكِبُ. كُؤْل.)	институт; коллеж	مَعْهَدٌ
келмаган; йўқ	غَائِبٌ	келган; бор	حَاضِرٌ
рахмли	رَحِيمٌ (رَحَمَاءُ. كُؤْل.)	сув	مَاءٌ (مِيَاهُ. كُؤْل.)
дафтар	كُرَّاسَةٌ (بَاتُ. كُؤْل.)	қитъа	قَارَةٌ (بَاتُ. كُؤْل.)
эски; қадимги	قَدِيمٌ	дангаса	كَسَلَانٌ (كَسَلَى. مُؤَن.)
мохир; уста	مَاهِرٌ	кучли	قَوِيٌّ
хурсанд	مَسْرُورٌ	таржимон	مُتَرْجِمٌ
фаол	نَشِيطٌ (نَشَاطَةٌ. كُؤْل.)	бола	وَلَدٌ (أَوْلَادٌ. كُؤْل.)
Тинч (океани)	الْمُحِيطُ (الْهَادِيُّ)	Атлантика (океани)	الْمُحِيطُ الْأَطْلَسِيُّ

51- машқ. Жумлаларни араб тилига таржима қилинг:

Гуруҳ катта. Дарс қизиқарли. Мавзу тушунарли. Матн осон. Машқ қийин. Таржимон мохир. Қоидалар иккита. Икки талаба йўқ. Яхё бор. Муслима касал. Ота раҳмли. Тоғ узокдир. Сув ширин. Дафтар эски. Китоб янги. Мударрислар мисрлик(лар)дир. Меҳмонхона озода. Бола дангаса. Қиз илмли. Улар машғулдирлар. Ота ва она олимлардир. Ака ва ука тарихчилардир. У иккови тиришқоқ ва фаол.

Шифохона яқин. Анави ўша киши. Сизлар ўша мударрисаларсиз. Бизлар ўша таржимонлармиз.

52–**мишқ**. Ушбу эгаларга муносиб кесим танлаб гаплар тузинг:

الْبَيْتُ، مُوسَى، النَّصُّ، الثَّقَافُ، الْكُرْسِيُّ، الْجَبَلُ، الْحَجْرَةُ، التَّمْرَيْنَانِ، الصَّفْحَةُ.

ОЛД КЎМАКЧИЛАР (ПРЕДЛОГЛАР)

Олд кўмакчи (предлог) (حَرْفُ الْجَزْرِ) ўзига боғланиб, кетидан келаётган сўзни қаратқич келишигида келишини талаб қилади. Араб тилида туб (асл) ва ясама кўмакчилар мавжуд:

1. **Туб кўмакчилар.** Туб кўмакчилар кўп маъноли бўлади. Улар қуйидагилардир:

мавзу бўйича	فِي الْمَوْضُوعِ	...да; ичида; бўйича	فِي
деворда	عَلَى الْجِدَارِ	...да; устида; зиммасида	عَلَى
уйга	إِلَى الْبَيْتِ	... га (ўйналишни билдиради)	إِلَى
Муҳаммаддан	مِنْ مُحَمَّدٍ	...дан	مِنْ
ўнгдан	عَنِ الْيَمِينِ	...дан, ҳақида	عَنِ
пешингача	حَتَّى الظُّهْرِ	...гача	حَتَّى
директор хузурида	عِنْدَ الْمُدِيرِ	хузурида; олдида	عِنْدَ
бир йил аввал; бир йилдан бери	مُنذُ سَنَةٍ	бери; аввал	مُنذُ
қалам билан	بِالْقَلَمِ	...да; билан, воситасида	بِ...
олим каби	كَالْعَالِمِ	...дек, каби	كَ...
мударрисда бор; мударрис учун	لِلْمُدْرِسِ	..да бор; учун, ..ники	لِ...

каби бир ундошдан иборат кўмакчилар сўзга қўшилиб ёзилади. ва ل, ب

2. **Ясама (ёки равиш) кўмакчи.** Ясама кўмакчи бир маъноли бўлади. Улар исмлардан ясалади. Исм кўмакчига айланганида танвинсиз ва тушум келишигида бўлади. Равиш кўмакчиларга ушбулар мисол бўлади:

уйнинг тепасида	فَوْقَ الْبَيْتِ	устиди, тепасида	فَوْقَ	←	тепа ТОМОН	فَوْقُ
стол остида	تَحْتَ الْمِنْصَدَةِ	тагида	تَحْتَ	←	паст ТОМОН	تَحْتُ

жавон орқасида	وَرَاءَ الْخِزَانَةِ	орқасида	وَرَاءَ	←	орқа томон	وَرَاءُ
муаллим олдида	أَمَامَ الْمُعَلِّمِ	олдида	أَمَامَ	←	олд томон	أَمَامُ
икки дераза ўртасида	بَيْنَ النَّافِذَتَيْنِ	ўртасида	بَيْنَ	←	ўрта	بَيْنُ
машина ёнида	جَنْبَ السَّيَّارَةِ	ёнида	جَنْبَ	←	ён томон	جَنْبُ
бир кун аввал	قَبْلَ يَوْمٍ	аввал	قَبْلَ	←	бошланиш	قَبْلُ
бир йил кейин	بَعْدَ سَنَةٍ	кейин	بَعْدَ	←	кейинги пайт	بَعْدُ
шаҳар ташқарисида	خَارِجَ الْمَدِينَةِ	ташқа – рисида	خَارِجَ	←	ташқи томон	خَارِجُ
уйнинг ичида	دَاخِلَ الْبَيْتِ	ичида	دَاخِلَ	←	ички томон	دَاخِلُ
муаллим билан (бирга)	مَعَ الْمُعَلِّمِ	билан (биргалик)	مَعَ	←	тўда	مَعِيَّةُ
уй яқинида	جَوَارَ الْبَيْتِ	яқинида	جَوَارَ	←	яқинлик; қўшнилик	جَوَارُ

Ясама кўмакчилар $ل$, $إلى$, $من$, $إلى$ каби туб кўмакчилар билан боғланиб, мураккаб кўмакчиларни ҳам тузиб келиши мумкин:

...дан сўнг; сўнг	مِنْ بَعْدِ	=	بَعْدَ	+	مِنْ
ичидан; ўртасидан	مِنْ بَيْنِ	=	بَيْنَ	+	مِنْ
...дан аввал; аввал	مِنْ قَبْلِ	=	قَبْلَ	+	مِنْ
йўлида; учун	لِأَجْلِ	=	أَجْلًا	+	لِ
ортидан	مِنْ وَرَاءِ	=	وَرَاءَ	+	مِنْ
хузуридан	مِنْ عِنْدِ	=	عِنْدَ	+	مِنْ

КЕСИМИ ОЛД КЎМАКЧИ БИЛАН КЕЛГАН ИСМИЙ ГАП

Кесими эганинг ўрни ҳақида хабар берадиган бундай исмий гапда аниқ ҳолатда келаётган эгадан кейин исмий кесим (у ҳам асосан аниқ ҳолатда келади) бирорта олд кўмакчи – предлог билан келади. Бундай кесим **предлогли исмий кесим (ёки предлогли от-кесим)** деб аталади. Гапда у эга билан ўзаро мослашмайди, фақат (исмий кесим) олд кўмакчининг таъсирида қаратқич

келишигида келади. ل предлоги билан келган кесим эгадан кейин келганда «...ники» деб таржима қилинади:

Ой булутлар орасида(дир).	الْقَمَرُ بَيْنَ السَّحَابِ.
Ҳаё имондан(дир).	الْحَيَاءُ مِنَ الْإِيمَانِ.
Китоб устозники(дир).	الْكِتَابُ لِلْأُسْتَاذِ.

Бундай гапларда эга олд кўмакчили исмий кесимдан кейин келиши ҳам мумкин. Бундай эгани араблар (المُبْتَدَأُ الْمُؤَخَّرُ) «кечиккан эга» деб атайдилар. Кесимдан кейин келган эга одатда ноаниқ ҳолатда келади. Ўзбек тилига бундай гап «бор» сўзи билан таржима қилинади. ل предлоги эгаликни ифодалайди ва у билан келган кесим эгадан олдин келганда «унда .. бор» деб таржима қилинади:

Стул устида (бир) журнал бор.	عَلَى الْمِنْضَدَةِ مَجَلَّةٌ.
Стул устида журнал бор.	عَلَى الْمِنْضَدَةِ الْمَجَلَّةُ.
Ўқитувчида (бир) китоб бор.	لِلْمُعَلِّمِ كِتَابٌ.

هُنَا –бу ерда ва (هُنَاكَ) –у ерда равиш холлари ҳам олд кўмакчили исмий кесим ўрнида ишлатилади:

Улар (эса) у ерда.	وَهُمْ هُنَاكَ.	Биз бу ердамиз.	نَحْنُ هُنَا.
--------------------	-----------------	-----------------	---------------

Эгани таъкидлаб кўрсатиш учун баъзи гапларнинг эгаси «إِنَّ» –ҳақиқатда» эгага таъсир килувчи юклама билан келиши мумкин. У эгадан аввал келади ва уни тушуум келишигида келишини талаб қилади:

Чиндан ҳам китоб ўқитувчиники.	إِنَّ الْكِتَابَ لِلْمُعَلِّمِ.
Ҳақиқатда ўқитувчида (бир) китоб бор.	إِنَّ لِلْمُعَلِّمِ كِتَابًا.

Грамматик шарҳ: 1) ... ف ... أما мураккаб боғловчиси гапнинг эгасини ажратиб кўрсатади ва унга маъно жиҳатдан боғланган сўзларнинг келишикларига таъсир қилмайди, Бунда أما эганинг олдига, ... ف боғловчиси эса кесимнинг ёки эгани такрорлаб, унга сон ва жинсда мослашиб келган кишилик олмошининг олдига қўйилади. Ўзбек тилига у “..га келсак”, “...эса” деб таржима қилинади:

أَمَّا زَيْنَبُ فِتَلْمِيذَةٌ (ёки) فَهِيَ تَلْمِيذَةٌ.
Зайнаб эса ўқувчидир.

2) Араб тилидаги ” ... و ва, ҳамда ” боғловчиси ҳам فَ боғловчиси каби сўзга қўйилиб ёзилувчи боғловчи ҳисобланади ва ўзбек тилидаги вергул қўйиладиган жойларда ҳам ёзилади. Ёзувда бунга алоҳида эътибор бериш лозим. Масалан:

أَنَا وَأَحْمَدُ وَمُحَمَّدُ وَعُمَرُ أَصْدِقَاءُ.

–Мен, Аҳмад, Маҳмуд, Мухаммад ва Умар дўстмиз.

53- машқ. Машқни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Грамматик таҳлил қилинг.

الْمُدْرِسُونَ فِي الْجَامِعَةِ. الْمُدْرِسَاتُ أَيْضًا فِي الْجَامِعَةِ. الطَّالِبَةُ فِي الْمَكْتَبَةِ. أَحْمَدُ وَلِيْلِي فِي الْإِمْتِحَانِ. هُنَاكَ مُدْرِسٌ وَطَلَّابٌ. الْكُتُبُ وَالْمَجَلَّاتُ فِي الْخِزَانَةِ. السِّيَّارَةُ أَمَامَ الْحَدِيقَةِ. فِي الْحَدِيقَةِ أَشْجَارٌ وَأَزْهَارٌ. لِعُمَرَ عَمٌّ وَعَمَّتَانِ. لِعَمْرٍو خَالَةٌ وَخَالَانِ. أَهَاتِفُ قُرْبِ النَّافِذَةِ. الْمِسْطَرَّةُ تَحْتَ الْمِنْضَدَةِ. الْكُمْبِيُوتَرُ عَلَى الْمِنْضَدَةِ. الْمِحْفَظَةُ فِي الْجَيْبِ. الْكِتَابَانِ لِفَاعِلِمَةً. رَيْنَبُ عِنْدَ الطَّيِّبِ. الْفُنْدُقُ هُنَا. بِجَوَارِ الْمُسْتَشْفَى صَيْدَلِيَّةٌ. فِي الصَّيْدَلِيَّةِ صَيْدَلِيٌّ. الْبُسْتَانِيُّ فِي الْبُسْتَانِ. شِيرِينٌ مَعَ شَادِيَّةٍ. الْعَيْنَانِ وَالْأُذُنَانِ فِي الرَّأْسِ. وَالْيَدَانِ وَالرِّجْلَانِ فِي الْجَذْعِ. فِي الْوَجْهِ شَفَتَانِ وَخَدَّانِ وَجَبِينٌ وَأَنْفٌ. الشَّعْرُ عَلَى الرَّأْسِ. فِي الْيَدِ أَصَابِعُ. الصَّبْرُ مِنَ الرَّحْمَانِ. الْعَجَلَةُ مِنَ الشَّيْطَانِ. فِي الْعَجَلَةِ نَدَامَةٌ. الْمَلِكُ لِلَّهِ. نَحْنُ لِلَّهِ. الْحُكْمُ لِلَّهِ.

كلمات:

боғ	بُسْتَانٌ (بَسَاتِينُ. كۆپل.)	гул	زَهْرٌ (أَزْهَارٌ. كۆپل.)
боғбон	بُسْتَانِيٌّ	боғ	حَدِيقَةٌ (حَدَائِقُ. كۆپل.)
дорихона; аптекачи аёл	صَيْدَلِيَّةٌ	дарахт	شَجَرَةٌ (أَشْجَارٌ. كۆپل.)
афсусланиш; надомат	نَدَامَةٌ	стол	مِنْضَدَةٌ (مَنَاضِدُ. كۆپل.)
унда бор	لَهُ (هَآ)	дераза	نَافِذَةٌ (نَوَافِذُ. كۆپل.)
шошилиш	عَجَلَةٌ	бакирувчи; телефон	هَاتِفٌ (هَوَاتِفُ. كۆپل.)
бармоқ	إِصْبَعٌ (أَصَابِعُ)	хужра; хонача	حُجْرَةٌ (حُجُرٌ. كۆپل.)
жавон	خِزَانَةٌ (آت)	меҳмон	ضَيْفٌ (ضَيْوْفٌ. كۆپل.)
лаб	شَفَةٌ	юз; афт	وَجْهٌ (وُجُوهُ. كۆپل.)
ёноқ	خَدٌّ	(одам, дарахт) танаси	جَذْعٌ (جُدُوعٌ. كۆپل.)
хамён	مِحْفَظَةٌ = حَافِظَةٌ	компьютер	حَاسِبٌ = كُمْبِيُوتَرٌ

54- машқ. Араб тилига таржима қилинг:

Университет бу ерда. Кутубхона у ерда. Талабалар ва толибалар мударрис хузурида. Компьютер мударрисаники. Китобда машқлар бор. Хонада иккита стул, стол ва жавон бор. Газета ва журналлар жавонда. Гапнинг иккита хатоси бор. Телефон стол устида. Салимнинг икки ўғли бор. Меҳмонлар меҳмонхонада. Аэропорт шаҳар

ташқарисида. Холиднинг икки ўғил ва икки қизи бор. У болалар орасида. Боғ уй олдида. Уй яқинида аптека бор. Машина кўчада. Табиб бемор хузурида. Ўқувчилар стадионда. Биз уйдамыз. Қийинчиликдан кейин осончилик (бўлади). Ҳамён чўнтакда.

55- машқ. Матнни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Янги сўзларни ёд олинг.

فِي الْفُنْدُقِ

هَذَا فُنْدُقُ السُّودَانِ. الْفُنْدُقُ فِي شَارِعِ النَّيْلِ. يُوسُفُ فِي الْفُنْدُقِ. هُوَ أَمَامَ مَكْتَبِ
الِاسْتِقْبَالِ.

مُوظَّفُ الْإِسْتِقْبَالِ: أَهْلًا وَسَهْلًا!

يُوسُفُ: حُجْرَةٌ مِنْ فَضْلِكَ.

الْمُوظَّفُ: لِشَخْصٍ وَاحِدٍ؟

يُوسُفُ: نَعَمْ، وَفِيهَا حَمَّامٌ.

الْمُوظَّفُ: حُجْرَةٌ لِشَخْصٍ وَاحِدٍ. فِيهَا حَمَّامٌ، سِعْرُهَا ٤٠ (أَرْبَعُونَ جُنْيَهًا).

يُوسُفُ: حَسَنًا.

الْمُوظَّفُ: مِنْ فَضْلِكَ، إِسْمُكَ، وَعُنْوَانُكَ، وَوِظِيفَتُكَ، وَجِنْسِيَّتُكَ وَرَقْمَ جَوَازِ السَّفَرِ. (يَكْتُبُ
يُوسُفُ إِسْمَهُ، وَعُنْوَانَهُ، وَوِظِيفَتَهُ، وَجِنْسِيَّتَهُ وَرَقْمَ جَوَازِ السَّفَرِ.)

الْمُوظَّفُ: حُجْرَةٌ رَقْمَ ١٠٥ (مِائَةٌ وَخَمْسَةٌ). يُوسُفُ: شُكْرًا!

يُوسُفُ يَدْخُلُ الْحُجْرَةَ. فِي الْحُجْرَةِ سَرِيرٌ، وَحِرَاةٌ لِلْمَلَابِسِ، وَطَاوِلَةٌ وَكُرْسِيٌّ، وَهَاتِفٌ،
وَرَادِيُو وَحَمَّامٌ. الْحُجْرَةُ مُرِيحَةٌ وَجَمِيلَةٌ.

كلمات:

кутиб олиш жойи	مَكْتَبُ الْإِسْتِقْبَالِ	«Судан» меҳмонхонаси	فُنْدُقُ السُّودَانِ
бир хонани (берсангиз)	حُجْرَةٌ	меҳмонхона хизматчиси	مُوظَّفُ الْإِسْتِقْبَالِ
унинг нархи	سِعْرُهَا	марҳамат қилиб	مِنْ فَضْلِكَ
уй манзили (адрес)	عُنْوَانٌ	яхши (экан)	حَسَنًا
стол- стул	طَاوِلَةٌ وَكُرْسِيٌّ	қасб	وَظِيفَةٌ
фуқаролик	جِنْسِيَّةٌ	қиради	يَدْخُلُ
паспорт	جَوَازُ السَّفَرِ	роҳатбахш	مُرِيحَةٌ
кийим жавони	حِرَاةٌ لِلْمَلَابِسِ	қроват	سَرِيرٌ

56–*машиқ*. Ҳадиси шарифларни ёзиб, ўқиб, таржима қилинг. Уларни ёд олинг:

۱. اَلدِّيْنُ النَّصِيْحَةُ.

۲. شِفَاءٌ لِلْعِيِّ (билимсизлик) السُّؤَالُ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ)

۳. الدُّعَاءُ هُوَ الْعِبَادَةُ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ)

МУСТАҚИЛ БАЖАРИШ УЧУН ТЕСТЛАР

5. «Танвин фатҳа» га тугаган сўздан кейин алиф(ء) ёзиладими?
- а) фақат бирлик, музаккар жинс ва ноаниқ ҳолатдаги сўзларда;
 - б) ҳар икки ҳолатдаги бирлик сон музаккар жинсдаги сўзларда;
 - в) Тўғри ва синиқ кўпликадаги баъзи сўзларда;
 - г) «та–марбута»га ва ҳамзага тугамаган сўзларда.
6. « ء » («ҳамза») сўз ўртасида курсисиз ёзилиши мумкинми?
- а) мумкин эмас;
 - б) фатҳаланган бўлиб узун «а» унлисидан кейин келса.
 - в) узун унлидан аввал келса;
 - г) узун унлилардан кейин келса;
7. Охирги ҳарфи сукунга тугаган ҳар қандай феъл кўринишини васл қилишда унинг сукуни бириктирувчи ҳамзанинг таъсирида...
- а) «дамма» га ўзгартирилади;
 - б) «фатҳа» га ўзгартирилади;
 - в) «касра» га ўзгартирилади;
 - г) ўзгаришсиз қолади.
8. Қуйидаги қаторда берилган сўзларнинг ичидан жинси қолган сўзларнинг жинсига мос келмайдиган битта сўзни топинг.

А) قَلَمٌ

Б) دَفْتَرٌ

В) أُمٌّ

Г) حَائِطٌ

الدَّرْسُ الثَّلَاثُ عَشَرَ ЎН УЧИНЧИ ДАРС

ТУБ СИФАТ

Туб сифат уч ундошли ўтимсиз феълнинг «I боб» шаклидан 20 дан ортиқ вазн (қолип) бўйича ҳосил бўлган. *Гапда сифат эга, кесим ва сифатловчи аниқловчи вазифаларини бажариб келади. Унинг учта:*

1) оддий (бош); 2) орттирма; 3) қиёсий даражалари мавжуд. Оддий даража сифатнинг кўп ишлатиладиган шакллари қуйидагилардир:

яқин	قَرِيبٌ	сахий; саховатли	كَرِيمٌ	۱. فَعِيلٌ
нордон	حَامِضٌ	совук	بَارِدٌ	۲. فَاعِلٌ
осон	سَهْلٌ	қийин	صَعْبٌ	۳. فَعْلٌ
ширин	حُلُوٌ	каттиқ	صَلْبٌ	۴. فُعْلٌ
буюк; улкан	جَلَلٌ	чиройли; яхши	حَسَنٌ	۵. فَعْلٌ
чарчаган	تَعِبٌ	хурсанд	فَرِحٌ	۶. فَعِلٌ
яхши	جَيِّدٌ	яхши	طَيِّبٌ	۷. فَعِيلٌ
жасур	جَسُورٌ	ғайратли; рашкли	غَيُورٌ	۸. فَعُولٌ
оч қолган	جَوْعَانٌ جَوْعَى	дангаса	كَسَلَانٌ كَسَلَى	۹. فَعْلَانٌ فَعْلَى (муан.)
гаранг	أَطْرَشٌ طَرَشَاءٌ	малларанг	أَشَقَرٌ شَقْرَاءٌ	۱۰. أَفْعَلٌ فَعْلَاءٌ (муан.)

فَعُولٌ вазнидаги сифат иккала жинс учун бир хил шаклда бўлади.

Субстантивация. Араб тилидаги سَلِيمٌ , سَلِيمَةٌ , جَمِيلَةٌ , عَبَّاسٌ , صَدِيقٌ каби киши исмлари туб сифатнинг субстантивацияси (отга айланиши) натижасида ҳосил бўлган. Субстантивация ҳодисаси феълдан ясаладиган масдар ва сифатдош каби отларда ҳам рўй беради. Буни биз ўша мавзуларни ўрганаётган пайтимизда тушунтириб ўтамыз.

57- машқ. Ушбу сифатларнинг муаннас ёки музаккар жинсини ҳосил қилинг, маъноларини луғатдан топиб ёзиб қўйинг:

جَمِيلٌ, رَفِيقٌ, شَدِيدٌ, ضَعِيفٌ, قَوِيٌّ, مُتَبَعٌ, مُرٌّ, صَبُورٌ, رَحِيفٌ, ثَمِينٌ, سَمِينٌ, شَهِيْرٌ, بَارِدٌ, حَارٌّ,
جَزِيْلٌ, تَعَسٌ, عَرِيْبٌ, طَوِيْلٌ, قَصِيْرٌ, قَدِيْمَةٌ, وَثِيْرٌ.

ЯСАМА СИФАТ (НИСБИЙ ОТ)

Ясама сифат (النَّسَبُ) бирор кимсанинг бирор жойга (давлатга, миллатга) тегишлилигини ёки бирор предметнинг нимадан ясалганлиги каби нисбий белгиларни билдиради. Ясама сифат ясовчи кўшимча музаккар жинс учун (-يُّ) ва муаннас жинс учун (-يَّة) кўшимчаларидир:

Ватан; давлат → Ватанга оид (миллий), وَطَنٌ ← وَطَنِيٌّ-وَطَنِيَّةٌ

давлат)

Ясама сифат ясовчи кўшимча кўшилганда баъзи фонетик ўзгаришлар рўй беради:

1) Сўз «о» билан тугаган бўлса, «о» олиб ташланади:

савдо → тижорат	تِجَارَةٌ ← تِجَارِيٌّ - تِجَارِيَّةٌ
мактабга оид → ўқув	مَدْرَسَةٌ ← مَدْرَسِيٌّ - مَدْرَسِيَّةٌ

2) «ا» ёки «ء» билан тугаган сўзда алиф кўпинча тушиб қолади, ҳамза «ء» эса «و» ҳарфига ўзгаради:

Оврупо → овруполик	أُورُبِّيَّا ← أُورُبِّيٌّ - أُورُبِّيَّةٌ
сахро → сахройи	صَحْرَاءُ ← صَحْرَاوِيٌّ - صَحْرَاوِيَّةٌ

3) "ى" га тугаган сўзнинг алиф максураси ҳам «و» га айланади:

маъно → маъноли	مَعْنَى ← مَعْنَوِيٌّ
-----------------	-----------------------

4) Икки ундошли огдан ясама сифат ясалганда «و» орттирилади («о» ҳисобга кирмайди):

ака → акалик; биродарлик	أَخٌ ← أَخَوِيٌّ - أَخَوِيَّةٌ
йил → йиллик	سَنَةٌ ← سَنَوِيٌّ - سَنَوِيَّةٌ
тил → тилга оид, тилшунос	لُغَةٌ ← لُغَوِيٌّ - لُغَوِيَّةٌ

5) Баъзан синиқ кўпликдаги оглардан ҳам ясама сифат ясалади:

журналист	صُحْفِيٌّ	←	газета	صَحِيفَةٌ (кўпл. صُحُفٌ)
халқаро; давлатлараро	دَوْلِيٌّ	←	давлат	دَوْلَةٌ (кўпл. دَوْلٌ)

РАНГНИ АНГЛАТУВЧИ ТУБ СИФАТЛАР

оқ	(муан. أَيْضٌ (بَيْضَاءُ))	қизил	(муан. أَحْمَرٌ (حَمْرَاءُ))
сарик	(муан. أَصْفَرٌ (صَفْرَاءُ))	қора	(муан. أَسْوَدٌ (سَوْدَاءُ))
кўк; зангори	(муан. أَزْرَقٌ (زَرْقَاءُ))	яшил	(муан. أَخْضَرٌ (خَضْرَاءُ))
оч (ранг)		тўқ (ранг)	عَامِقٌ

РАНГНИ АНГЛАТУВЧИ ЯСАМА СИФАТЛАР

бинафша ранг	(муан. بَنْفَسَجِيٌّ (بَنْفَسَجِيَّةٌ))	←	бинафша	بَنْفَسَجٌ
кул ранг	(муан. رَمَادِيٌّ (رَمَادِيَّةٌ))	←	кул	رَمَادٌ

пушти ранг	وَرْدِيُّ (муан.о)	←	атиргул	وَرْدٌ
сабзи ранг (апелсин ранг)	بُرْتَقَالِيُّ (муан.о)	←	апелсин	بُرْتَقَالٌ
жигар ранг; қаҳва ранг	بِيَّيُّ (муан.о)	←	қаҳва уруғи	بِيَّيْنٌ

58–**машиқ**. Ушибу сўзлардан иккала жинсда ясама сифат ясанг, таржимақилинг:

الْكُوَيْتُ، مِلَّةٌ، دَوْلَةٌ، عِلْمٌ، عَمَلٌ، اِقْتِصَادٌ، اِجْتِمَاعٌ، ثَقَافَةٌ، اِسْلَامٌ، يَدٌ، سِيَّاسَةٌ، دِرَاسَةٌ،
دِينٌ، اَلْهِنْدُ، اَلْمَعْرَبُ، جَامِعَةٌ، نَحْوٌ، دَاخِلٌ، خَارِجٌ.

СЎЗ БИРИКМАСИ

Гапда сўзлар ҳар доим ёлғиз ўзи келавермайди. Бошқа тиллардаги каби араб тилида ҳам икки ёки ундан ортиқ сўз бир–бири билан боғланиб сўз бирикмаси тузиб келиши мумкин. Сўзлар бир–бири билан **мослашиб** ёки **бирикиб** боғланади.

Сўз бир–бирига мослашиб боғланган бирикма мослашган аниқловчи, бирикиб боғланган бирикма эса изофа бирикмаси (ёки қаратқичли аниқловчи ёки мослашмаган аниқловчи бирикмаси) деб аталади.

АНИҚЛОВЧИ

Аниқловчининг уч хили бор:

1. Сифатловчи (мослашган) аниқловчи– аниқланмишнинг белгисини билдирувчи сўз: **сиёсий** мавзу – **مَوْضُوعٌ سِيَاسِيٌّ** ، **янги** уй – **بَيْتٌ جَدِيدٌ**

2. Мослашмаган аниқловчи – аниқланмиш сўзнинг унга қарашлилигини билдирувчи сўз: **кишининг** сўзи – **كَلَامُ الْمَرْءِ**

3. Изоҳловчи аниқловчи – аниқланмиш сўзни бошқа исм билан аниқлаб келувчи сўз:

бу китоб– **هَذَا الْكِتَابُ** ، Устоз **Аҳмад** – **الْأُسْتَاذُ أَحْمَدُ**

СИФАТЛОВЧИ (МОСЛАШГАН) АНИҚЛОВЧИ

Сифатловчи аниқловчи (الْتَّعْتُ) вазифасида туб сифат, сифатдош, ясама сифат, тартиб сонлари келади. Уларнинг барчаси аниқланмиш сўздан кейин келиб, у билан тўрт категорияда: жинс, сон, келишик ва ҳолатда мослашади. *Агар ўзбек тилида бундай бирикмада аввал аниқловчи келадиган бўлса, араб тилида аксинча – аввал от кейин аниқловчи келади:*

бирлик сондаги	аниқ ҳолатда (иккилик сонда)	аниқ ҳолатда (бирлик сонда)	ноаниқ ҳолатда
-----------------------	--	---------------------------------------	-----------------------

бирикманинг таржимаси			(бирлик сонда)
<u>чиройли</u> дарс (сифат)...	الدَّرْسَانِ الْجَمِيلَانِ...	الدَّرْسُ الْجَمِيلُ...	دَرْسٌ جَمِيلٌ...
<u>амалий</u> дарс (ясама сифат)...	الدَّرْسَانِ الْعَمَلِيَّانِ...	الدَّرْسُ الْعَمَلِيُّ...	دَرْسٌ عَمَلِيٌّ...
<u>очиқ</u> дарс (сифатдош)...	الدَّرْسَانِ الْمَفْتُوحَانِ...	الدَّرْسُ الْمَفْتُوحُ...	دَرْسٌ مَفْتُوحٌ...
<u>биринчи</u> дарс (тартиб сон)...	الدَّرْسَانِ الْأَوَّلَانِ...	الدَّرْسُ الْأَوَّلُ...	دَرْسٌ أَوَّلٌ...

Агар сифатловчи аниқловчи аниқланмиш билан ҳолатда мослашмаса, бу- аниқловчи билан аниқланмишнинг мослашиши бўлмай, балки эга билан кесимнинг мослашиши, яъни гап бўлиб қолади:

жумланинг таржимаси	жумла	сўз бирикмаси
<u>Масала</u> <u>ечилмагандир.</u>	الْمَسْأَلَةُ الْمُعَلَّقَةُ.	الْمَسْأَلَةُ الْمُعَلَّقَةُ ...
<u>Иккита жумла</u> <u>ёзилган.</u>	الْجُمْلَتَانِ الْمَكْتُوبَتَانِ.	الْجُمْلَتَانِ الْمَكْتُوبَتَانِ ...
<u>Мударрислар</u> <u>мисрликдирлар.</u>	الْمُدْرِسُونَ مِصْرِيُّونَ.	الْمُدْرِسُونَ الْمِصْرِيُّونَ ...
<u>Дарс</u> <u>биринчидир.</u>	الدَّرْسُ الْأَوَّلُ.	الدَّرْسُ الْأَوَّلُ ...

Инсонларнинг касб-кори, унвони ва қариндошлик даражаларини ифодалаб келган сўз бирикмалари изоҳловчи аниқловчи бирикмасига мисол бўлади. Бу бирикмада аввал изоҳланмиш аниқ ҳолатда ва ундан кейин атоқли от билан ифодаланган изоҳловчи келади:

устоз Аҳмад الْأُسْتَاذُ أَحْمَدُ доктор Ашраф الدُّكْتُورُ أَشْرَفُ

Кўрсатиш олмоши изоҳловчи вазифасида келганида грамматик жиҳатдан аниқ ҳолатда бўлгани учун изоҳланмишнинг фақат аниқ ҳолатда келишини талаб қилади ва у билан жинс ва сонда, агар иккилик сонда бўлса келишиқда ҳам мослашади.

таржимаси	муаннас жинс	таржимаси	музаккар жинс
Бу толиба...	هَذِهِ الطَّالِبَةُ...	Бу талаба...	هَذَا الطَّالِبُ...
Бу икки толиба...	هَاتَانِ الطَّالِبَتَانِ...	Бу <small>икки</small> талаба...	هَذَانِ الطَّالِبَانِ...
Бу олималар...	هَؤُلَاءِ الْعَالِمَاتُ...	Бу олимлар...	هَؤُلَاءِ الْعَالِمُونَ...

Агар изоҳланмиш ноаниқ ҳолатда бўлса бу бирикма гапга айланади:

<u>Бу талабадир.</u>	هَذَا طَالِبٌ.	هَذَا الطَّالِبُ...
<u>Бу иккови талабадирлар.</u>	هَذَانِ طَالِبَانِ.	هَذَانِ الطَّالِبَانِ...

59- машқ. 1. Аниқловчили бирикмаларни араб тилига таржима қилинг. 2. Бешта бирикмани танлаб олиб улар иштирокида гап тузинг:

Мустақил республика; демократик давлат; сиёсий ҳолат; осиелик киши; янги меҳмонхона; чиройли шаҳар; бу шаҳар; бу(лар) болалар; осон машқ; кенг кўча; озода хона; ҳафталик журнал; ғайратли талаба; халқаро мусобақа; кучли йигит; одобли икки қиз; икки илмий маъруза; бу икки ҳикоя; ечилмаган масала; тарихий қисса; бу йил; қиммат китоб; грамматик қоида; 2- уй; 3- уй; 4- ҳафта; 5- қават; 6- ой; 7-йили; 8-хона; 9 - бет; 10- оят.

60- машқ. Қавс ичидagi сифатлардан мосини танланг. “ال” артиклини унга нима учун қўйганингиз ёки қўймаганингизни тушунтириб бering:

(۱) أُوْرُبِكِسْتَانُ جُمْهُورِيَّةٌ (مُسْتَقَلِّيَّةٌ - مُسْتَقَلَّةٌ - الْمُسْتَقَلَّةُ). (۲) مِصْرُ دَوْلَةٌ (إِفْرِيْقِيَّةٌ - إِفْرِيْقِيَّةٌ - إِفْرِيْقِيَّةٌ). (۳) أَحْمَدُ فِي الْجُمْهُورِيَّةِ الْعَرَبِيَّةِ (سُوْرِيَّةٌ - السُّوْرِيَّةِ - السُّوْرِيَّةِ). (۴) الْإِمْتِحَانَاتُ الصِّنْفِيَّةُ فِي الْأُسْبُوْعِ (الْقَادِمِ - قَادِمٍ - الْقَدِيمِ). (۵) هَذِهِ رِسَالَةٌ (عَلْمِيَّةٌ - الْعَلْمِيَّةُ - عَلْمِيَّةٌ). (۶) هَذَا النَّصُّ (الْعَرَبِيُّ - عَرَبِيٌّ - الْعَرَبِيَّةُ) مَفْهُومٌ. (۷) (هَذِهِ - هَذَا - هَذَانِ) الرَّجُلُ مُسْتَعْرَبٌ مَشْهُورٌ. (۸) أُوْرُبِكِسْتَانُ دَوْلَةٌ (آسِيَوِيٌّ - الْآسِيَوِيَّةُ - آسِيَوِيَّةٌ). (۹) فِي تِلْكَ الْمَجَلَّةِ مَقَالٌ (طَوِيْلِيٌّ - الطَّوِيْلُ - طَوِيْلٌ). (۱۰) الْمَسْأَلَةُ (فَلَسْطِيْنِيَّةٌ - الْفِلَسْطِيْنِيَّةُ) مُعَلَّقَةٌ. (۱۱) الْقُرْآنُ (كَرِيْمٌ - الْكَرِيْمُ - الْكَرِيْمِيٌّ) كِتَابِيٌّ.

61- машқ. Машқни ёзинг, ўқинг, таржима ва грамматик таҳлил қилинг:

هَذَا سَلَامٌ دَوْلِيٌّ. هَذِهِ جَامِعَةٌ إِسْلَامِيَّةٌ. هَذِهِ الْأُسْتَاذَةُ عَالِمَةٌ مُسْتَشْرِقَةٌ. الْعُرْفَتَانِ الْكَبِيْرَةُ وَالصَّغِيْرَةُ نَظِيْفَتَانِ. ذَلِكَ الْكِتَابُ بِاللُّغَةِ الْإِنْجَلِيْزِيَّةِ. الشَّابَّانِ الْجَالِسَانِ مِنَ الْهِنْدِ. هَذَا الْبُرْتُقَالُ لَدِيْدٌ. هَذِهِ الْفِصَّةُ عَنِ الْوَاقِعَةِ التَّارِيْحِيَّةِ. تِلْكَ السِّيَّارَةُ بِاللَّوْنِ الْأَصْفَرِ. لِمُعْظَمَةِ حَقِيْبَةِ حَمْرَاءِ. الْأَزْرَقُ الْفَاتِحُ لَوْنٌ جَمِيْلٌ. اللَّوْنُ الْبَيْضِيُّ جَمِيْلٌ أَيْضًا. هَلِ اللَّوْنُ الْبَنْفَسَجِيُّ زَيْدِيٌّ؟ لَا. الْقَمَاشُ الْيَابَانِيُّ رَائِعٌ. وَهَذَا الْقَمَاشُ بِاللَّوْنِ الْأَزْرَقِ. وَهُوَ رَحِيصٌ. الْبَابُ الْأَخْضَرُ مَفْتُوحٌ. وَأَمَّا الْبَابُ الْأَبْيَضُ فَهُوَ مُعْلَقٌ. الشَّيْءُ الْمَسْرُوْقُ حَرَامٌ. الْحَالَةُ السِّيَاسِيَّةُ فِي الدَّوْلَةِ مُعْقَدَةٌ. النُّقْطَةُ الْأَخِيْرَةُ شَيْءٌ مُهِمٌّ. الرِّسَالَةُ الْعِلْمِيَّةُ مَحْفُوْظَةٌ. هَذَا الْكَلَامُ فِكْرَةٌ عَجِيْبَةٌ. رَحِيْمَةٌ تِلْكَ كَرِيْمَةٌ. وَهِيَ فَتَاةٌ مُؤَدَّبَةٌ. عَبَّاسٌ هَذَا كَسْلَانٌ. هُوَ رَجُلٌ غَيُوْرٌ. حَلِيْمٌ فَتَى مُهَذَّبٌ. الدَّرْسُ الثَّامِنُ سَهْلٌ. هَذِهِ الْمُحَاضَرَةُ مَفْهُومَةٌ لِلطَّلَاْبِ. فِي الْجُمْلَةِ الْأُوْلَى عَطَطٌ وَاحِدٌ. الْمُحَادَثَةُ الْأَخِيْرَةُ فِي الصَّفْحَةِ الْأَخِيْرَةِ. الشِّقَّةُ السَّادِسَةُ هُنَاكَ.

كلمات:

шарқшунос	مُسْتَشْرِقٌ	мадҳия	سَلَامٌ
-----------	--------------	--------	---------

маго	فُماشٌ (قَمِشَّةٌ. كۆپل.)	одобли	مُؤَدَّبٌ
дўст	صَدِيقٌ (أَصْدِقَاءٌ. كۆپل.)	ажойиб	رَائِعٌ
кўргазма	مَعْرِضٌ (مَعَارِضٌ. كۆپل.)	арзон	رَحِيصٌ
қиз	فَتَاةٌ (فَتَيَاتٌ. كۆپل.)	вазият	وَضْعِيَّةٌ
хонадон (квартира)	شِقَّةٌ (شَقَقٌ. كۆپل.)	маданиятли; ўқимишли	مُهَدَّبٌ
машина	سَيَّارَةٌ (سَيَّاراتٌ. كۆپل.)	ширин; лаззатли	لَدِيدٌ
хат; китоб	كِتَابٌ (كُتُبٌ. كۆپل.)	ўтирган	جَالِسٌ
ўғирланган нарса	شَيْءٌ مَسْرُوقٌ	охирги	أَخِيرٌ (أَخِيرَةٌ. муан.)

62- машқ. Ушбу сўзларга ўзингиз билган сўзлардан маъноси мос келувчи аниқловчи ва аниқланмишлар қўйинг. Уларни бир-бири билан қоидага биноан мослаштиринг:

أ- (۱) أوزبىكىستان ... (۲) طشقند ... (۳) شارع ... (۴) الساعة ... (۵) المدرسان ... (۶) الولد ... (۷) الأستاذتان ... (۸) الكتابان ... (۹) تمرين ... (۱۰) درس ... (۱۱) الليلة ... (۱۲) المكتبة ... (۱۳) الحكايتان ... (۱۴) صُحُفِيَّةٌ ... (۱۵) دولة ...

ب- (۱) ... المؤدبان (۲) ... مفتوح (۳) ... سياسية (۴) ... البني (۵) ... الفاتح (۶) ... الغامق (۷) ... المهذبتان (۸) ... الإسلامى (۹) ... العاشرة (۱۰) ... الحمراوان (۱۱) ... الأول (۱۲) هذا ... (۱۳) هذان ... (۱۴) هؤلاء ... (۱۵) تلك ...

63- машқ. Араб тилига таржима қилинг:

Салима она -олийжаноб аёл. Аҳмад тоға нафақада. Бу шеър давлат мадҳияси. Ислом университетининг янги биноси бор. Шарқшунос олимлар янги залда. Устоза Фотима- мисрлик мударриса. Ўғирланган нарса ислом динида харом. Доришунос (аптекачи) Маҳмуд-анави кутубхонада. Бу икки журналист машхур сиёсатчилар. Бу дарс янги мавзу бўйича. Анави икки машқ осон. Зайнаб одобли ва маданиятли қиз. Арабча журналда яхши ҳикоя бор. Янги манзил олдида катта боғ бор. Анави йигит машхур қўшиқчи. Устоз Холид таникли тарихчи. Эски телефон жавон тагида. Ливанлик мударрис ўнинчи хонада Биринчи имтихон ушбу ҳафтада.

64- машқ. Ушбу матнни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг.

عِنْدَ الطَّيِّبِ (الْقِسْمُ الْأَوَّلُ)

شَعَرَ يُوسُفُ بِأَلَمٍ فِي بَطْنِهِ، فَذَهَبَ إِلَى الطَّيِّبِ، وَدَفَعَ أَجْرَ الْفَحْصِ لِلْمُمَرِّضَةِ وَجَلَسَ،
جَاءَ دَوْرُهُ، فَدَخَلَ حُجْرَةَ الْفَحْصِ.

الطَّيِّبُ: مَاذَا عِنْدَكَ؟
 يُوسُفُ: عِنْدِي أَلَمٌ فِي بَطْنِي.
 الطَّيِّبُ: هَلْ عِنْدَكَ صُدَاعٌ؟
 يُوسُفُ: لَا.
 الطَّيِّبُ: هَلْ عِنْدَكَ قَيْءٌ؟
 يُوسُفُ: لَا.
 الطَّيِّبُ: هَلْ عِنْدَكَ إِسْهَالٌ؟
 يُوسُفُ: نَعَمْ، قَلِيلٌ.
 الطَّيِّبُ: ضَعْ مِقْيَاسَ الْحَرَارَةِ فِي فَمِكَ. (يُوسُفُ يَضَعُ مِقْيَاسَ الْحَرَارَةِ فِي فَمِهِ).
 الطَّيِّبُ: اكْشِفْ صَدْرَكَ مِنْ فَضْلِكَ.
 (يُوسُفُ يَكْشِفُ صَدْرَهُ. الطَّيِّبُ يَفْحَصُ صَدْرَهُ وَظَهْرَهُ بِالسَّمَاعَةِ).
 الطَّيِّبُ: صَدْرُكَ سَلِيمٌ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ.
 يُوسُفُ: مَاذَا عِنْدِي؟
 الطَّيِّبُ: عِنْدَكَ حُمَّى خَفِيفَةٌ، وَوَصَفَةُ الْعِلَاجِ: شَرَابٌ وَأَقْرَاصٌ وَحُقْنٌ.
 يُوسُفُ: شُكْرًا.
 الطَّيِّبُ: اِرْجِعْ بَعْدَ أُسْبُوعٍ!

كلمات:

تўлади	دَفَعَ (a)	сезди	شَعَرَ (y)
текшириш ҳаққи	أَجْرُ الْفَحْصِ	қорнида оғрик	أَلَمٌ فِي بَطْنِهِ
унинг навбати	دَوْرُهُ	ҳамшира	مُمْرِضَةٌ
бош оғрик	صُدَاعٌ	Сизда нима?	مَاذَا عِنْدَكَ؟
ич кетиш	إِسْهَالٌ	кусиш	قَيْءٌ
қўй! (қўяди)	ضَعْ (يَضَعُ)	термометр	مِقْيَاسُ الْحَرَارَةِ
текширмоқ	فَحْصَ (y)	қўксингни оч!	اِكْشِفْ صَدْرَكَ
енгил шамоллаш	حُمَّى خَفِيفَةٌ	фонендоскоп	سَمَاعَةٌ
сироп	شَرَابٌ	даволаш рецепти	وَوَصَفَةُ الْعِلَاجِ

игна санчиш (укол)	حُقْنَةُ (қўпл. حُقْنٌ)	таблетка	فُرْصٌ (қўпл. أَفْرَاصٌ)
-----------------------	-------------------------	----------	--------------------------

65– машқ. Ҳадиси шарифларни ёзинг, ўқиб таржима қилинг, ёд олинг:

۱. طَلَبُ الْعِلْمِ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ وَمُسْلِمَةٍ.
 ۲. أَحْسَنُ الْقَصَصِ هَذَا الْقُرْآنُ.

МУСТАҚИЛ БАЖАРИШ УЧУН ТЕСТЛАР

9. Қуйидаги қаторда берилган сўзларнинг ичидан жинси қолган сўзларнинг жинсига мос келмайдиган битта сўзни топинг.

- А) شَمْسٌ Б) بَدَنٌ В) كُرْسِيٌّ Г) بَيْتٌ

10. «Васлалари ҳамза» сўзнинг қаерида келади?

А) охирида	Б) бошида, ўртасида ва охирида	В) бошида, ўртасида	Г) бошида
------------	-----------------------------------	------------------------	-----------

11. Аниқ ҳолатдаги сўз олдида ۛ қўшилиб ёзилганда ... :

- А) ال нинг алиф"и ёзилмайди Б) ال нинг алиф"и ёзилади
 В) ال нинг васлалари ҳамзаси касра билан ўқилади Г) ال нинг васлалари ҳамзаси дамма билан ўқилади

الدَّرْسُ الرَّابِعُ عَشَرَ الْوَرْتِينِجِي دَارِس

СЎРОҚ ГАП

Сўзловчининг номаълум нарса ёки ҳодисани билиш мақсадида савол билан қилган мувожаатини ифодаловчи гапларга сўроқ гап дейилади. Сўроқ гап сўроқ сўзи билан бошланади:

- Машина қаерда? أَيْنَ السَّيَّارَةُ؟
 Китоб кизикарлими? هَلِ الْكِتَابُ مُتَعٌ؟

Оғзаки нутқда сўроқ савол оҳанги билан ҳам ифодаланади.

Ёздингми?	كُتِبْتَ؟	Шу китобми?	هَذَا الْكِتَابُ؟
-----------	-----------	-------------	-------------------

Уч ҳил: умумий, махсус ва альтернатив сўроқ гаплар бор.

нима ҳақида?	عَمَّ؟	=	مَا	+	عَنْ
нима учун?	لِمَادَا؟	=	مَاذَا	+	لِ
нимадан?	مِمَّ؟	=	مَا	+	مِنْ
кимники? кимга? кимда бор?	لِمَنْ؟	=	مَنْ	+	لِ

أَيُّ (*муаннас жинс учун* **أَيُّهُ** – *қайси?* сўроқ олмоши билан ҳамма нарса ҳақида сўраш мумкин. У гаптаги вазифасига қараб уч келишиктан бирида келади. Ундан кейин келаётган сўз қаратқич келишигида ва бирлик сонда бўлса ноаниқ ҳолатда келади:

Қайси дарс қийин? **أَيُّ دَرْسٍ صَعْبٌ؟**

Кўплик ёки иккилик сонда бўлса аниқ ҳолатда келади:

<u>Қайси</u> йўл афзал? (Икки йўлнинг қайсиниси афзал?)	أَيُّ الطَّرِيقَيْنِ أَفْضَلُ؟
<u>Қайси</u> талаба қоқоқ? (Талабаларнинг қайсиниси қоқоқ?)	أَيُّ الطُّلَّابِ رَاسِبٌ؟

III. Альтернатив сўроқ гаплари. Бундай гаплар икки ёки ундан ортиқ нарсдан бирини танлаш ёки аниқлаш ёки таклиф этиш маъносидаги сўроқ гаплардир. Бундай гапнинг бошига **أ** ёки **هَلْ** умумий сўроқ юктамаларидан бири қўйилади, икки нарсанинг орасига эса «**أ**–ёки» юктамаси қўйилади. Масалан:

Сен шоирми ёки ёзувчими?	أَأَنْتَ شَاعِرٌ أَمْ كَاتِبٌ؟
Тайёрада қайтдингми ёки кемада(ми)?	أَبِالطَّائِرَةِ رَجَعْتَ أَمْ بِالْبَاحِرَةِ؟

66– машқ. Жумлаларни ёзинг, ўқинг, таржима ва грамматик таҳлил қилинг.

مَنْ أَنْتَ وَلَمْ أَنْتَ حَزِينٌ؟ أَنَا طَالِبٌ رَاسِبٌ. أَيْنَ أَشْرَفُ؟ هُوَ فِي الْقَاهِرَةِ. عَمَّنْ هَذَا الْمَقَالُ؟ هَذَا الْمَقَالُ عَنِ الْمُدْرَسِينَ. عَمَّ هَذَا الْمَقَالُ؟ هَذَا الْمَقَالُ عَنِ الْأَدَبِ الْإِنْسَانِيِّ. هَلِ اللُّغَةُ الْعَرَبِيَّةُ صَعْبَةٌ أَمْ سَهْلَةٌ؟ اللُّغَةُ الْعَرَبِيَّةُ لُغَةٌ سَهْلَةٌ. هَلْ فِي الْإِمْتِحَانِ الْأُسْتَاذُ عَزَّ اللَّهُ أَمْ لَا؟ هُوَ فِي الْإِمْتِحَانِ بِالْقَاعَةِ التَّاسِعَةِ. هَلِ الدَّرْسُ مَفْهُومٌ أَمْ لَا؟ الدَّرْسُ مَفْهُومٌ. فِي أَيِّ صَفْحَةٍ التَّمْرِينُ الثَّامِنُ؟ هُوَ فِي الصَّفْحَةِ الْعَاشِرَةِ. مَنْ غَائِبٌ فِي هَذِهِ الْحِصَّةِ؟ أَيُّهُ نَافِذَةٌ مَفْتُوحَةٌ؟ النَّافِذَةُ الْيُسْرَى مَفْتُوحَةٌ. لِمَنْ هَذِهِ الْجَرِيدَةُ الْعَرَبِيَّةُ؟ هِيَ لِزَيْدٍ. هَلْ لَدَيْكَ سَيَّارَةٌ جَدِيدَةٌ؟ لَا، هَذِهِ السَّيَّارَةُ لِلْأُسَاذِ زَيْدٍ. هَلْ هَذِهِ الصَّيْدَلِيَّةُ قَدِيمَةٌ أَمْ جَدِيدَةٌ؟ هِيَ جَدِيدَةٌ. كَيْفَ أَنْتُمْ، يَا رَحْمَةَ اللَّهِ وَيَا خَيْرَ اللَّهِ؟ بِخَيْرٍ، الْحَمْدُ لِلَّهِ. أَيُّ الْوَالِدَيْنِ أَحْمَدُ؟ هَا هُوَ ذَا! أَيُّهُ الْبَنَيْنِ مَرْبُومٌ؟ هَا هِيَ ذِي!

كلمات:

давлат; юрт	بَلَدٌ (بُلْدَانٌ. кўпл.)	тушунарли; тушунча	مَفْهُومٌ (مَفَاهِيمٌ. кўпл.)
дераза	نَافِذَةٌ (نَوَافِذٌ. кўпл.)	курси	كُرْسِيُّ (كُرَاسِيٌّ. кўпл.)
мана у!	هَآ هُوَ ذَا (هَآ هِيَ ذِي)	дарс; сабоқ	حِصَّةٌ (حِصَصٌ. кўпл.)
пул	نَقْدٌ (نُقُودٌ. кўпл.)	қолоқ	رَاسِبٌ (رُونَ. кўпл.)
одоб	أَدَبٌ (آدَابٌ. кўпл.)	сенда бор	لَدَيْكَ
хона	حُجْرَةٌ (بَاتٌ. кўпл.)	чап	أَيْسَرٌ (يُسْرَى. муан.)
қитъа	قَارَةٌ (بَاتٌ. кўпл.)	зал	قَاعَةٌ (بَاتٌ. кўпл.)
машина	سَيَّارَةٌ (بَاتٌ. кўпл.)	ғамгин	حَزِينٌ

67- машқ. Қавс ичидаги сўроқ сўзлардан мосини танланг:

- 1) (مَا-أَيٌّ-مَنْ) هَذَا الشَّيْءُ؟ (2) (أَيٌّ-هَلْ-لَمْ) جمهورية مصر العربية في القارة الإفريقية؟ (3) (أ-أَيٌّ-لَمْ) هو مهندس أم مدرس؟ (4) (هَلْ-أَيٌّ-أَيَّة) خزانة المجلتان العربيةتان؟ (5) (عَمَّ-ماذا-كَيْف) الصِّحَّةُ يا نادر؟ (6) (مَتَى-لِأَيِّ-لِأَيَّة) عُرْفَةُ هذا المفتاح؟ (7) (مَا-مَتَى-أَيَّة) الامتحان في التاريخ؟

68- машқ. Ушбу жумлаларни араб тилига қилинг:

Бу нима? Бу арабча-ўзбекча луғат. Икки машқнинг қайсиниси қийин? Улар қайси университетдан? Сурия араб давлати қайси қитъада? Туркия Осиё қитъасидами ёки Европа қитъасида? Қандай об-ҳаво бугун? Бу ранг оч қизилми ёки тўқ қизилми? Ўғирланган нарса ҳалолми ёки ҳаром? Анави уйда устоз Аҳмад борми? Бу ҳикоя қизиқми ёки йўқ? Ёзги имтиҳон қайси ойда? Устоз Холид қайси араб давлатидан? Бу матн янги мавзуникими? Анави меҳмонхона ёпикми, Насиба хола? Бу уй кимники, Раҳима? Кимники бу машина? Нега анави эшик очик? Нега бу икки дераза ёпик? Дарсда ким йўқ, Фозил? Бу сумка жигар рангдами ёки қора рангдами?

ФЕЪЛ

Араб лексикасидаги аксарият сўзлар феъл сўз туркумидан ҳосил қилинган. Феъл уч ёки тўрт ундошдан ташкил топган бўлади.

Уч ундошли феълларнинг 15 та боби- шакли ва тўрт ундошли феълларнинг 4 та боби бор. Ҳар бир феъл бобининг ўтган ва ҳозирги-келаси замони ва ҳар бир замонда аниқ ёки мажҳул нисбат шакли мавжуд.

Ўзагидаги ҳарфлар жиҳатидан феъллар икки катта гуруҳга: Тўғри (солим, яъни иллатли ҳарфсиз) ва муътал- иллатли ҳарфли феъллар.

1) Тўғри (солим) феъллар қаторига ўзагида *ي، و* иллатли ундошлари бўлмаган, ҳамзали ва иккиланган феъллар киради.

2) Иллатли феълларга эса ўзаги таркибида мазкур иллатли ундошлар бўлган феъллар киради.

ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИ

Араб тилида феълнинг ўтган ва ҳозирги–келаси замон шакли бор.

Ўтган замон феъли (*الْفِعْلُ الْمَاضِي*) нутқ пайтигача содир бўлган иш–ҳаракат ёки ҳолатни ифодалайди. Унинг III шахс, бирлик сон музаккар жинс кўриниши шахс–сон кўшимчаларидан холи бўлган бошланғич шакли ҳисобланади. Биздаги луғатларда шу шакл феълнинг инфинитив (яъни ноаник, бошланғич) шакли сифатида берилади:

ўқимоқ (*аслида: У ўқиди.*) – (а) *قَرَأَ* ёзмоқ (*аслида: У ёзди.*) – (у) *كَتَبَ*

Ўтган замон феълнинг шахс–сон кўшимчалари жадвали:

(*Эслатма: ҳар бир чизиқ битта ўзак ундошни ифодалайди*)

кўплик	иккилик	бирлик	шахс, сон, жинс
نا	ـــــــ	تُ	музаккар I ш. муаннас
نُمُ	نُـمَـ	تُـ	музаккар II ш.
نُمُـ	نُـمَـ	تِـ	муаннас
وَأُ	ا	бошланғич шакли	музаккар III ш.
نِ	تَا	تِـ	муаннас

Феълни ўтган замонда тушлашда шахс–сон кўшимчалари унинг бошланғич шакли ордидан кўшилиб келади. *Бундай феълни эгаси яшириниб келган содда йиғиқ гап деб тушуниш лозим:*

<u>(У) ёзди.</u>	<u>كَتَبَ.</u>	<u>(Мен) ёздим.</u>	<u>كَتَبْتُ.</u>
<u>(Улар) ёздилар</u>	<u>كَتَبُوا.</u>	<u>(Биз) ёздик.</u>	<u>كَتَبْنَا.</u>

Феълнинг аниқ нисбатида иккинчи ўзак ҳарфи уч ҳаракатдан бири билан ҳаракатланган, яъни *فَعْلَ*, *فَعِلَ* ёки *فُعِلَ* қолипларидан бирида бўлади:

فَعْلَ – *دَرَسَ*, *كَتَبَ* ; *فَعِلَ* – *قَدِمَ*, *شَرِبَ* ; *فُعِلَ* – *كَبِرَ*, *جُمِلَ*

Феълнинг ўтган замондаги мажхул нисбат шакли унинг ҳар уччала шаклидан *فُعِلَ* вазнида ҳосил қилинади:

тушунтирилди- فَعِلَ - شَرِحَ	ёзилди- كُتِبَ - فَعِلَ
--------------------------------------	--------------------------------

Ўтган замон феълининг инкор маъноси **مَا** инкор юкламаси ёрдамида ифодаланади:

У қайтмади.	هُوَ مَا رَجَعَ.
Нега овқатни емадинг?	لِمَاذَا مَا أَكَلْتَ الطَّعَامَ؟

Феълни ўтган замонда тушлаш намунавий жадвали:

кўплик	иккилик	бирлик	шахс, жинс
(биз) كُتِبْنَا ёздик	-----	(мен) كُتِبْتُ ёздим	музаккар I ш. муаннас
كُتِبْتُمْ (сиз) ёздингиз	كُتِبْتُمَا иккингиз ёздингиз	كُتِبْتَ (сен) ёздинг	музаккар II ш.
كُتِبُوا (улар) ёздилар	كُتِبَا иккиси ёзишди	كُتِبَ (у) ёзди	муаннас музаккар III ш.
كُتِبْنَا	كُتِبْنَا	كُتِبْتُ	муаннас

Эслатма: Ўтган замон феъли III шахс, кўплик, музаккар жинсининг охирига грамматик кўрсаткич вазифасини бажарувчи ўқилмайдиган алиф (ا) қўшиб қўйилади.

Ўтган замон феълининг сўроқ шакли **أ** сўроқ юкламаси билан келади. У яқин муддатга ишора қилади. **هَلْ** юкламаси эса узоқ муддатга ишора қилади. Агар ўтган замон феъли олдида «аллақачон - **قَدْ**» юкламаси келса, у тугалланган иш-ҳаракатни ифодалайди. Маънони кучайтириш учун бу юклама **لَ** тасдиқ юкламасига қўшилиб келиши ҳам мумкин:

У (овқатини) еб бўлди. **هُوَ قَدْ أَكَلَ.** ← У (овқатини) едимми? **أَهُوَ أَكَلَ.**

ЎТИМЛИ ВА ЎТИМСИЗ ФЕЪЛЛАР

Ўтимли феъл **فَعَلَ مُتَعَدِّ** ва ўтимсиз феъл **لَا رَمَّ فَعَلَ** деб аталади. Ўтимли феъл томонидан бошқарилиб келаётган сўз- тўлдирувчи тушум келишигида келади.

<u>Салимни</u> (кимни?) танидим.	<u>عَرَفْتُ سَلِيمًا.</u>
<u>Дарсни</u> (нимани?) тушундим.	<u>فَهَمْتُ الدَّرْسَ.</u>

Араб тилидаги **سَأَلَ** - сўрамоқ, **رَكِبَ** - минмоқ, **حَضَرَ** - хозир бўлмоқ, келмоқ каби феъллар ўтимли ва улар ўзи бошқариб келаётган сўз (тўлдирувчи)ни тушум келишигида келишини талаб қилади. Ўзбек тилига таржима қилинганда бу сўз ҳар доим ҳам «кимни», «нимани» сўроқларига жавоб бўлавермайди. Араб тилида бундай феъллар жуда кўп. Мисоллар:

Устоздан (кимдан) сўрадим.	سَأَلْتُ الْأُسْتَاذَ.
Трамвайга (нимага) миндим.	رَكِبْتُ التَّرَامَ.
Маърузада (нимада) бўлдим.	حَضَرْتُ الْمَحَاضِرَةَ.

Бундан ташқари ифодалаб келаётган маъносига қараб бир феълнинг ўзи гоҳида ўтимли, гоҳида эса ўтимсиз бўлиши мумкин:

Уйга кирди. (ўтимли)	دَخَلَ الْبَيْتَ.
Ислом (дини)га кирди. (ўтимсиз)	دَخَلَ فِي الْإِسْلَامِ.

Ўтимсиз феъл ўзи бошқариб келаётган сўзни бирорта олд кўмакчи воситасида бошқариб келади. Шунинг учун у ўтимсиз деб аталади:

Мақтабга (нимага) кетди.	ذَهَبَ إِلَى الْمَدْرَسَةِ.
Ҳовлига (нимага) чиқдим.	خَرَجْتُ إِلَى الْفِنَاءِ.

Ўтимсиз феълга «эргашиб» келадиган туб кўмакчилар феълнинг маъноларини тубдан ўзгартириб юборади. Шунинг учун феълнинг маъноларини ёд олганда у қайси кўмакчи билан келганда қандай маънони англатишига алоҳида диққат қилиш зарур:

олиб келди	جَاءَ بِ..	...га келди	جَاءَ إِلَى..
хохламади	رَغِبَ عَنْ..	хохлади	رَغِبَ فِي..
...устига (бостириб) кирди	دَخَلَ عَلَى..	...га кирди (мас-н: бирор динга)	دَخَلَ فِي..

69- машқ. Қуйидаги феълларни ўтган замонда кишилик олмошлари билан бирга тусланг. Бўлишсиз (анкор) шаклларини ҳосил қилинг. Ўтимли ва ўтимсиз феълларни аниқланг.

бормоқ - *ذَهَبَ*, чиқмоқ- (у) *خَرَجَ*, олмоқ - (у) *أَخَذَ*, билмоқ - (а) *عَلِمَ*, яшамок - (у) *سَكَنَ*
, аксирмоқ - (и) *عَطَسَ*, ишламоқ - (а) *عَمِلَ*, гувоҳ бўлмоқ - (а) *شَهِدَ*, тушунмоқ- (а) *فَهِمَ* (а)
.хасад қилмоқ - (у) *حَسَدَ*, туғилмоқ (мажхул) (а) *وُلِدَ*

ФЕЪЛИЙ ГАП

Кесими феъл билан ифодаланган гапга феълий гап ва бундай кесимга феъл-кесим дейилади. Одатда феълий гапнинг бошида феъл-кесим (الْفِعْلُ) бирлик сонда ва ундан кейин эга- (الْفَاعِلُ) бош келишиқда келади.

Гапнинг бошида келган феъл – кесим эга билан қисман (чала): фақат жинсда мослашади.

Жумланинг таржимаси	эга-فَاعِلٌ	феъл-кесим-فِعْلٌ
Талаба кетди	الطَّالِبُ.	ذَهَبَ
Икки талаба <u>кетишди</u>	الطَّالِبَانِ.	ذَهَبَ
Талабалар <u>кетдилар</u> .	الطُّلَّابِ.	ذَهَبَ
Толиба <u>кетди</u> .	الطَّالِبَةُ.	ذَهَبَتْ
Икки толиба <u>кетишди</u> .	الطَّالِبَاتِ.	ذَهَبَتْ
Толибалар <u>кетдилар</u> .	الطَّالِبَاتُ.	ذَهَبَتْ

Агар феъл – кесим эгадан кейин келса, у эга билан тўлиқ: жинс ва сонда мослашади:

Талаба кетди ва қайтди.	ذَهَبَ الطَّالِبُ وَرَجَعَ.
Икки талаба кетишди ва қайтишди.	ذَهَبَ الطَّالِبَانِ وَرَجَعَا.
Талабалар кетдилар ва қайтдилар.	ذَهَبَ الطُّلَّابُ وَرَجَعُوا.
Толиба кетди ва қайтди.	ذَهَبَتْ الطَّالِبَةُ وَرَجَعَتْ. (муан.)
Икки толиба кетишди ва қайтишди.	ذَهَبَتْ الطَّالِبَاتِ وَرَجَعْنَا. (муан.)
Толибалар кетдилар ва қайтдилар.	ذَهَبَتْ الطَّالِبَاتُ وَرَجَعْنَ. (муан.)

Агар феъл – кесим турли хил жинсдаги уюшган эгалардан кейин келса, у музаккар жинсда бўлади:

Талаба ва толиба кетишди.	الطَّالِبُ وَالطَّالِبَةُ ذَهَبَا.
Толиба ва талаба кетишди.	الطَّالِبَةُ وَالطَّالِبُ ذَهَبَا.

Аввал келадиган бўлса, ўзига яқин турган эганинг жинсида бўлади:

Талаба ва толиба кетишди.	ذَهَبَتْ الطَّالِبَةُ وَالطَّالِبُ.
Талаба ва толиба кетишди.	ذَهَبَ الطَّالِبُ وَالطَّالِبَةُ.

70- машқ. Қуйидаги ҳар бир сўзга битта исмий кесим ва битта феълий кесим топиб исмий ва феълий жумлалар тузинг:

الْمُدْرِسَةُ، الْمَوْضُوعُ، اللَّيَّاسُ، الْوَلَدُ، الْعُرْفَةُ، التَّمْرِينُ، الْكَلْبُ، طَشَقْنَا.

71–**машқ.** Жумлаларни ёзинг, ўқинг, таржима ва грамматик таҳлил қилинг. Ўтимли ва ўтимсиз феълларни аниқланг.

طَلَعَتِ الشَّمْسُ. أَقْلَ الْقَمُرُ. وَحَبَّ الشُّكْرُ. قَدِمَتِ الحَافِلَةُ الجَدِيدَةَ. هَلْ حَسَدَ سَلِيمٌ؟ لَا، هُوَ مَا حَسَدًا! فَهَمَّ مُظَفَّرٌ وَضَمِيرُهُ. صُدِرَ القَانُونُ. نَظَفَتِ الحَجَرَةُ الكَبِيرَةَ. ذَهَبَ الطِّفْلُ اليَتِيمِ. مَرَضَ الجُدُّ حَامِدًا. جَمَلَتْ هَذِهِ المَدِينَةُ. هَلْ رَجَعَتِ المُمَرِّضَةُ مَرِيْمَ وَالدُّكْتُورُ مُرْتَضَى؟ لَا. رَجَعَ الرِّيَاضِيُّونَ والرِّيَاضِيَّاتُ. وَصَلَ الأَوْلَادُ الصِّغَارُ. وَمَا وَصَلَ الأَوْلَادُ الكِبَارُ. بَلَغَتِ الفَتَاةُ وَجَمَلَتْ. نَضَحَ العِنَبُ وَالتِّينُ. عَطَسَتِ الجَدَّةُ مَاهِرَةً. فَرِحَ الأبُّ وَضَحِكَ. فَرِحَتِ الأُمُّ وَضَحِكَتْ. فُتِحَ البَابُ الحَشِيْبِيُّ وَدَخَلَتِ مَرِيْمُ الصِّغِيرَةَ. صَدَرَ الزَّلْزَالُ الشَّدِيدُ فَهَدِمَتِ القَرْيَةَ الجَبَلِيَّةَ. لُعِنَ السَّارِقُ.

Кلمات:

ботмоқ; йўқолмоқ	أَقْلَ (يَأْفُلُ)	чикмоқ	طَلَعَ (y)
вожиб бўлмоқ, зарур бўлмоқ	وَحَبَّ (يَحِبُّ)	етиб келмоқ	وَصَلَ (يَصِلُ)
хасад қилмоқ	حَسَدَ (y)	келди	قَدِمَ (a)
вайрон бўлди	هُدِمَ	чикди (м-н: қонун)	صُدِرَ (a)
зилзила	زَلْزَالٌ	пишди (м-н: мева)	نَضِحَ (a)

72–**машқ.** Қўйидаги феълий гапларни араб тилига ўғиринг (тушунтириши мақсадида жумлалардаги сўзлар арабча тартибда берилган):

Чиройли бўлди Тошкент. Кел(иш)ди талабалар. Аллақачон қайтиб кел(иш)ди суриялик мударрислар. Очилди анави эшик ва кирди араб устоз. Шархланди мавзу. Тушун(иш)мади талаба Анвар ва толиба Ҳабиба. Тушунди Маҳмуд ва Муҳсин. Сўралди охирги дарс. Ёзилди инглизча машқ. Ботди куёш. Чикди ой. Катта бўл(иб қол)дими кичик Анвар? Касал бўл(иб қол)ди Махфуза. Пишдими анор ва нок? Пишди олма ва ўрик. Ейилмади таом ва ичилмади чой. Акиллади иккита ит. Аксирди болакай. Синди ликобча. Ҳасад қилмади Аҳмад. Ишлашди болалар. Кулишди одамлар.

ТЎЛДИРУВЧИ

Феъл–кесим томонидан бошқарилиб, иш–ҳаракат йўналган объект (яъни шахс ёки предмет)ни ифодалаган гап бўлагига *тўлдирувчи* дейилади.

Тўлдирувчи феъл–кесим ифодалаган иш–ҳаракатни мазмунан тўлдириб келади.

Ўтимли ёки ўтимсиз феъл томонидан бошқарилишига қараб эса тўлдирувчи *во сит* ёки *во сит али* бўлади. Ўтимли феъл томонидан бошқарилиб келинаётган сўз одатда феъл–кесим ва эгадан кейин тушум келишигида келади. Уни араблар « الْمَفْعُولُ »

«*يَدِي*» – *воситасиз тўлдирувчи* деб атайдилар. Ўзбек тилига таржима қилинганда у ҳар доим ҳам «кимни», «нимани» сўроқларига жавоб бўлавермайди. Мисоллар:

Зайнаб хонага кирди. *دَخَلَتْ زَيْنَبُ الْعُرْفَةَ.*

Али мударрисдан сўради. *سَأَلَ عَلِيٌّ الْمُدْرِسَ.*

Одатда, тўлдирувчи иштирок этган феълий гаплардаги гап бўлақларининг тартиби куйидагича бўлади:

жумланинг таржимаси	مَفْعُولٌ тўлдирувчи	فَاعِلٌ эга	فِعْلٌ феъл-кесим
Мударрис иккита масъалани тушунтирди.	الْمَسْأَلَتَيْنِ.	الْمُدْرِسُ	شَرَحَ

Агар воситасиз тўлдирувчини ажратиб, таъкидлаб кўрсатиш зарурати бўлса, у эгадан олдин келиши ҳам мумкин:

شَرَحَ الْمَوْضُوعَ عَمْرُو. Мавзуни Амр тушунтирди.

Воситали (восита деб олд кўмакчини тушуниш лозим) тўлдирувчи эса бирорта кўмакчи билан қаратқич келишигида келади:

Киши <u>аскарга</u> сўзсиз тикилди.	نَظَرَ الرَّجُلُ إِلَى الْجُنْدِيِّ بِلاَ كَلَامٍ.
Маҳмуд <u>ручка билан</u> ёзаяпти.	حَمُودٌ كَاتَبَ بِالْقَلَمِ.

Гапда икки хил тўлдирувчи бўлса, аввал воситасиз тўлдирувчи келади:

أَخَذْتُ الْمَجَلَّةَ مِنَ الْمُعَلِّمِ. Журнални ўқитувчидан олдим.

Юқорида айтиб ўтганимиздек ўтимсиз феъл билан келган туб кўмакчилар феълнинг маъносига катта таъсир қилади. Шунинг учун феълнинг маъноларини ёд олганда у қайси кўмакчи билан келганда қандай маънони англатишига алоҳида диққат қилиши зарур:

олиб келди ...	جَاءَ بِ...	...га келди	جَاءَ إِلَى ...
хоҳламади	رَغِبَ عَنْ ...	хоҳлади	رَغِبَ فِي ...
жаҳл қилди	وَجَدَ عَلَىда топди; кўрди ; эришди	وَجَدَ فِي ...

73– машқ. Жумлаларни араб тилига таржима қилинг. Тўлдирувчиларни аниқланг (жумлалар арабча тартибда берилган):

Чикди Ҳадича ўнинчи автобусга. Тушунмади Акбар янги мавзуни. Ёзиб бўлдим тўққизинчи ва ўнинчи машқларни Салим билан. Олди Комилжон арабча китобни ва дафтарларни ва кетди университетга. Очди Салима ёпиқ эшикни ва кирди (бир) кенг хонага. Кўрди у ерда устоз Нодирни ва ўтирган икки талабани. Ўқишди ўқувчилар бу осон матнни. Қайси сўзни билмадинг? Нега (хозир) бўлмадинг маърузада бугун, эй Ҳабиба? Кийди бу йигит оқ кўйлак(ни) ва қора костюмни. Эшитилди чиройли овоз

анави эшик ортидан. Едим тушликни (бир) кичик ошхонада. Кўрмадим болаларни анави ҳовлида. Текширди моҳир шифокор беморни.

74- машиқ. Матнни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Феълларни аниқланг.

عِنْدَ الطَّيِّبِ (الْقِسْمُ الثَّانِي)

رَجَعَ يُوسُفُ بَعْدَ أُسْبُوعٍ وَدَخَلَ عِنْدَ الطَّيِّبِ وَقَالَ لَهُ: أَنَا الْآنَ أَحْسَنُ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ. فَحَصَّ الطَّيِّبُ رَأْسَ يُوسُفَ وَرَقَبَتَهُ وَعَيْنَهُ الْيُمْنَى وَعَيْنَهُ الْيُسْرَى وَأَنْفَهُ وَأُذُنَهُ الْيُمْنَى وَأُذُنَهُ الْيُسْرَى وَيَدَهُ وَقَالَ:

-إِفْتَحْ فَمَكَ! (يُوسُفُ يَفْتَحُ فَمَهُ)

فَحَصَّ الطَّيِّبُ فَمَ يُوسُفَ وَأَسْنَانَهُ وَحَلَقَهُ وَقَالَ لَهُ:

-إِخْلَعْ مَلَابِسَكَ! (يُخْلَعُ يُوسُفُ مَلَابِسَهُ). فَحَصَّ الطَّيِّبُ صَدْرَ يُوسُفَ وَظَهْرَهُ وَبَطْنَهِ وَرُكْبَتَهُ الْيُمْنَى وَرُكْبَتَهُ الْيُسْرَى وَقَدَمَهُ الْيُمْنَى وَقَدَمَهُ الْيُسْرَى وَقَالَ لَهُ:

-ارْزُقْ ذِرَاعَكَ! (يَرْزُقُ يُوسُفُ ذِرَاعَهُ). قَاسَ الطَّيِّبُ ضَغْطَ الدَّمِ وَقَالَ:

-إِلْبَسْ مَلَابِسَكَ: الْآنَ أَنْتَ بِحَيْرٍ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ. شَكَرَ يُوسُفُ وَخَرَجَ مِنْ عِنْدِ الطَّيِّبِ.

كلمات:

бўйин	رَقَبَةٌ	яхширок	أَحْسَنُ
чап кўзини	عَيْنَهُ الْيُسْرَى	ўнг кўзини	عَيْنَهُ الْيُمْنَى
қулоқ	أُذُنٌ	бурун	أَنْفٌ
тиш	سِنَّةٌ (أَسْنَانٌ. كُؤِپل.)	оғзингни оч	إِفْتَحْ فَمَكَ
кийимларингни еч!	إِخْلَعْ مَلَابِسَكَ	ҳалқум	حَلَقْ
кўкрак; юррак	صَدْرٌ (صُدُورٌ. كُؤِپل.)	ечмоқ	خَلَعَ (a)
қорин	بَطْنٌ	бел	ظَهْرٌ (ظُهُورٌ. كُؤِپل.)
оёқ (тўпикдан пасти)	قَدَمٌ (أَقْدَامٌ. كُؤِپل.)	тизза	رُكْبَةٌ
қўл; тирсак	ذِرَاعٌ	кўтар!	ارْزُقْ
қон босими	ضَغْطُ الدَّمِ	кўтармоқ	رَفَعَ (a)
кийим	مَلْبَسٌ (مَلَابِسٌ. كُؤِپل.)	кий!	إِلْبَسْ
табиб хузуридан	مِنْ عِنْدِ الطَّيِّبِ	раҳмат айтмоқ	شَكَرَ (y)

чап	أَيْسَرُ (يُسْرَى. муан.)	ЎНГ	أَيْمَنُ (يُمْنَى. муан.)
-----	---------------------------	-----	---------------------------

75–**машқ.** Ўтимли ва ўтимсиз феъллар иштирокида 5 тадан жумла тузинг.

76–**машқ.** Ҳадиси шарифларни ёзинг, ўқинг ва ёд олинг:

۱. التَّائِبُ مِنَ الذَّنْبِ كَمَنْ لَا ذَنْبَ لَهُ.

۲. الْجَمَالُ فِي الرَّجُلِ اللِّسَانُ.

الدَّرْسُ الْخَامِسَ عَشَرَ بИШИНЧИ ДАРС

ИЗОФА БИРИКМАСИ

Бир отни бошқа бир отга қаратқич келишиги воситасида бириктириб ҳосил қилинган бирикмага изофа бирикмаси (الإِضَافَةُ) дейилади. Изофа бирикмасидаги биринчи от «مُضَافٌ» («аниқланмиш» ёки «қаралмиш») деб аталади ва у иккинчи отга тобеъ бўлиб уни қаратқич келишигида келишини талаб қилади. Иккинчи от эса «مُضَافٌ إِلَيْهِ» («қаратқичли аниқловчи» ёки «қаратқич») деб аталади ва у биринчи отнинг кимга ёки нимага тегишлилигини аниқлаб келади. **Бу– изофанинг энг асосий хусусиятидир.** Қаралмиш ال сиз ва танвинсиз келиб уч келишикдан бирида, қаратқич эса фақат қаратқич келишигида келади:

кишининг сўзи (гапи)... .	كَلَامُ الْمَرْءِ...
ота–онанинг ҳаққи...	حَقُّ الْوَالِدَيْنِ...
илм излаш... (илмнинг изланиши...)	طَلَبُ الْعِلْمِ...

Қаратқичнинг ҳолати аниқ бўлса, қаралмиш маъно жиҳатдан аниқ, ноаниқ бўлса, қаралмиш ҳам маъно жиҳатдан ноаниқ деб ҳисобланади:

(аниқ) талабанинг китоби	كِتَابُ الطَّالِبِ
(ноаниқ) бир талабанинг китоби	كِتَابُ طَالِبٍ

шойи (ипак) парда...

سِتَارَةٌ مِنَ الْحَرِيرِ...

كُلُّ سُوْزِي خَام ۇزидан кейин келәтган сүз билан изофа бирикмаси тузиб келади.

Агар **كُلُّ** сүзидан кейин келәтган сүз бирлик сон ноаниқ ҳолатда бўлса у «ҳар бир...» деб, бирлик сон аниқ ҳолатда «ҳаммаси» деб, аниқ ҳолат, кўплик сонда эса «ҳаммалари...» деб таржима қилинади.

ҳар бир талаба ... (талабанинг ҳар бири...)	كُلُّ طَالِبٍ ...
китобнинг ҳаммаси... (бошидан охиригача)	كُلُّ الْكِتَابِ
талабаларнинг ҳаммалари... (барча талабалар...)	كُلُّ الطُّلَّابِ ...

Изофа занжири. Изофа бирикмасининг 2-бўлагини унинг кетидан қаратқич келишигида келәтган 3-бўлак, (масалан, «хона(нинг) эшигининг қулфи...», «ота-она(нинг) ҳаққининг адо қилиниши...» каби), 3-бўлакни эса унинг кетидан қаратқич келишигида келәтган 4-бўлак аниқлаб келиши мумкин (масалан, «хона(нинг) эшигининг қулфининг қалити...» каби) ва ҳоказо. Шу тариқа қаратқич келишигидаги мослашмаган аниқловчиларнинг изофа занжири ҳосил бўлади. «ال» артиклини фақат уларнинг охирида келәтган от олади, ундан аввал келәтган барча отлар «ال» артиклини ҳам, танвинни ҳам олмайди ва фақат қаратқич келишигида келади. Изофа занжирининг бошидаги 1- от эса гапдаги ўрнига қараб уч келишикдан бирида келади. Одатда изофа занжирини тескари томонидан таржима қилинади:

ота-она (<u>нинг</u>) ҳаққининг адо қилиниши ...	أَدَاءُ حَقِّ الْوَالِدَيْنِ ... 3 2 1
Шаҳар(<u>нинг</u>) университети (<u>нинг</u>) талабасининг ихтироси...	إِخْتِرَاعُ طَالِبٍ جَامِعَةِ الْمَدِينَةِ ... 4 3 2 1

Изофа занжири мураккаблашиб кетса уни содалаштириш учун уни **مِنْ ، فِي لِ** олд кўмакчиларининг бири билан «бўлиб» ташлаш мумкин. Бунда уларнинг барчаси «..нинг» маъносини бериб, изофанинг қаратқич келишигини ифодалаш учун хизмат қилади:

أَدَاءُ الْحَقِّ لِلْوَالِدَيْنِ ... (ёки) أَدَاءُ فِي حَقِّ الْوَالِدَيْنِ ...
إِخْتِرَاعُ لِطَالِبٍ الْجَامِعَةِ بِالْمَدِينَةِ ...

Биз юқорида кўриб ўтганимиз ҳақиқий изофа эди.

Ҳақиқий изофа бирикмаси яна предмет ва ҳодисалар ўртасидаги қўйидаги муносабатларни ҳам ифодалайди:

1. Қаралмиш ифодалаган сўзнинг нимадан ясалганини билдиради:

ипак либос...	لِبَاسٌ حَرِيرِيٌّ (ёки) لِبَاسٌ حَرِيرِيٌّ ...
---------------	---

кумуш узук...	خَاتَمُ فِضَّةٍ (ёки خَاتَمُ فِضِّيِّ)...
---------------	---

2. Қаралмишни аниқ бир ном билан атайди (изоҳлайди):

Тошкент (номли) шаҳар	مَدِينَةُ طَشَقَنْدَ	Рамазон (номли) ой	شَهْرُ رَمَضَانَ
Нил (номли) дарё	نَهْرُ النَّيْلِ	баҳор (номли) фасл	فَصْلُ الرَّبِيعِ

3. Бутун нарсанинг бир бўлагини, кўп нарсанинг бир қисмини ифода этади:

баъзи одамлар...	بَعْضُ النَّاسِ ..	одамларнинг знг ёмони...	شَرُّ النَّاسِ ..
---------------------	--------------------	-----------------------------	-------------------

Хулоса қилиб айтганда араб тилида изофанинг икки тури бор:

1) Ҳақиқий изофа (маъноси ва айтилиши бўйича бўлган изофа)	إِضَافَةٌ مَعْنَوِيَّةٌ
2) Шаклий изофа (изофа шаклида айтиладиган мураккаб сифат)	إِضَافَةٌ لَفْظِيَّةٌ

Шаклий изофа – изофа шаклидаги мураккаб сифат.

Бундай изофада унинг қаралмиши сифат ёки сифатдош билан ифодаланган бўлиб қаратқич (яъни мослашмаган аниқловчи) билан мураккаб сифат тузиб келади. Қаратқич бу ерда доим аниқ ҳолатда келади:

баланд бўйли... (қандай?)	طَوِيلُ الْقَامَةِ...
катта ёшли... (қандай?)	كَبِيرُ السِّنِّ...

Гапда лафзий изофанинг қаралмиши ўзи аниқлаб келаётган от-аниқланмиш билан тўлиқ, яъни тўртта грамматик категорияда мослашади:

Баланд бўйли <u>бир киши</u> келди.	جَاءَ رَجُلٌ طَوِيلُ الْقَامَةِ.
Ёқимли чехрали <u>бир мударриса</u> келди.	جَاءَتْ مُدَرِّسَةٌ حَسَنَةُ الْوَجْهِ.

Агар лафзий бириккан изофадан олдинги от аниқ ҳолатда бўлса, қаралмиш ҳам **ال** артикли билан келади:

Ёқимли чехрали <u>мударриса</u> кирди.	دَخَلَتِ الْمُدَرِّسَةُ الْحَسَنَةُ الْوَجْهِ.
У баланд бўйли <u>киши</u> билан келди.	هِيَ جَاءَتْ مَعَ الرَّجُلِ الطَّوِيلِ الْقَامَةِ.

77–маишқ. Ушбу сўз бирикмаларини араб тилига таржима қилинг:

Ўзбекистон Республикаси; Ўзбекистон Республикаси президенти; университет ректори; қулфнинг калити; баъзи одамларнинг иши; одоб чиройи; Салимнинг бу китоби; араб тили ўқитувчиси; ишнинг боши; ойнанинг охири; Қуръон ояти тафсири; рамазон ҳайити; қурбон ҳайити; намоз вақти; қимматбаҳо соат; чиройли муомалали

одам; покюрак йигит; янги таъмирланган бино; кўп қаватли уй; камбағал одам; кўп болали аёл; қимматбаҳо китоб; қабих ниятли киши; кўп сўзли луғат; яхши хулқли бола.

78- машқ. Қавс ичидаги сўзлардан мосини танлаб қўйинг:

(۱) (Кتابان-كتابين-كتابا) المدرّسة على المنضدة. (۲) هل قرأت (صَفْحَتَيْنِ-صَفْحَتًا-صَفْحَتِي) الكتاب الأولى والثانية. (۳) (آفَةٌ-آفَةٌ-آفَةٌ) المُرُوَّةَ (خُلْفَ-خُلْفَ-خُلْفَ) المَوْعِدِ. (۴) وصل بَعْضُ (مهندسي-مهندسا-مهندسي) المصنع. (۵) (رَأْسَ-رَأْسَ-رَأْسَ) الخَطَايَا الحُرْصُ والغَضْبُ. (۶) هذه القرية الجميلة (جيد الهواء-جيدة الهواء-الجيدة الهواء). (۷) هي بعيدة عن (مَحَطَّة-مَحَطِّي-مَحَطَّتَيْنِ) القطارات والحافلات. (۸) ما رأيت أبي في هذا الازدحام (كثيرة الرجال-الكثيرة الرجال-الكثير الرجال). (۹) هل هو (طويل القامة-الطويل القامة-طويل القامات)؟ (۱۰) أمي حملت النظارة لأنها (بعيد النظر-البعيد النظر-بعيدة النظر).

79- машқ. Қуйидаги жумлаларни ёзинг, ўқинг, таржима ва грамматик таҳлил қилинг.

دوام السرور برؤية الإخوان. جمال الفتى بالعلم لا بالملابس. لكلّ جديد لذة. رأس الدين المعرفة. صديق الوالد عم الولد. بعض فتيات الكلية ذات نبوغ. أساطير اليونان طريفة. أيام الأسبوع هي: يوم الأحد، ويوم الاثنين، ويوم الثلاثاء، ويوم الأربعاء، ويوم الخميس، ويوم الجمعة ويوم السبت. الدنيا دار عمل والآخرة دار جزاء. أسماء الصلوات الخمس هي: صلاة الفجر وصلاة الظهر وصلاة العصر أو الصلاة الوسطى وصلاة المغرب وصلاة العشاء. أصليّ صلاتي الفجر والعشاء وصلاة الجمعة في الجامع شيخ زين الدين. كلام الملوك ملوك الكلام. حُسْنُ طَلَبِ الحَاجَةِ نِصْفُ العِلْمِ. أداء الدّين من الدّين. من الحيلة ترك الحيلة. غضب الجاهل في قوله، وغضب العاقل في فعله.

المدينة المنورة واقعة بواحة وافرة المياه وكثيرة الأشجار. جار الله رجل كثير العيال وقليل المال. أكبر شاب طويل القامة وأزرق العينين. مدينة مارغيلان صغيرة المساحة وقليلة السكّان. سليم شاب قليل الحياء وقصير الباع. ليلي طالبة حسنة الخلق وجمّة النشاط. هذا القاموس العربي الروسي غالي الثمن للغاية.

كلمات:

афсона; асотир	أَسْطُورَةٌ (أَسَاطِيرُ. كُتُبُ)	педуниверситет	جَامِعَةُ التَّرْبِيَةِ
жума намози ўқиладиған масжид	مَسْجِدُ جَامِعٍ	Юнонистон	أَلْيُونَانُ
тўлов; жазо	جَزَاءٌ	буюрмоқ	أَمْرٌ (y)
намоз ўқидинг	صَلَّيْتُ (مُض.)	намоз ўқийман	II أَصَلِّي
аҳолиси кам	قَلِيلَةُ السُّكَّانِ	намоз ўқийди	يُصَلِّي (مُض.)
чоршанба	يَوْمُ الأَرْبَعَاءِ	ҳафта қунлари	أَيَّامُ الأَسْبُوعِ

пайшанба	يَوْمُ الْحَمِيسِ	якшанба	يَوْمُ الْأَحَدِ
жума	يَوْمُ الْجُمُعَةِ	душанба	يَوْمُ الْأَثْنَيْنِ
шанба	يَوْمُ السَّبْتِ	сешанба	يَوْمُ الثَّلَاثَاءِ
намоз	صَلَاةٌ (صَلَوَاتٌ كُتِلَ)	камбағал	قَلِيلُ الْمَالِ
аср (ўрта)	الْعَصْرُ (الْوَسْطَى)	бомдод	الْفَجْرُ
шом	الْمَغْرِبُ	пешин	الظُّهْرُ
мана шундай	هَكَذَا	хуфтон	الْعِشَاءُ
қурбон ҳайити	عِيدُ الْأَضْحَى	рамазон ҳайити	عِيدُ الْفِطْرِ
серсув	وَأَفْرَةُ الْمِيَاهِ	яхши хулқли; олийжаноб	كَرِيمُ الْأَخْلَاقِ
тўгарак; курслар	دَوْرَةٌ (اَتْ)	яхши хулқли	حَسَنُ الْخُلُقِ
ношуд	قَصِيرُ الْبَاعِ	уятсиз	قَلِيلُ الْحَيَاءِ
уй; манзил	مَنْزِلٌ (مَنْزِلٌ كُتِلَ)	серғайрат	جَمُّ النَّشَاطِ
майдони кичик	صَغِيرَةُ الْمِسَاحَةِ	қимматбаҳо	غَالِيَةُ الثَّمَنِ

80– машқ. Жумлаларни араб тилига таржима қилинг:

Ўзбекистон республикасининг президенти Миср пойтахтида. Мисрнинг пойтахти Қоҳира шаҳри. Мударрислар байрами октябрь ойининг 1-кунида. Рамзиддиннинг араб ёзуви хунук. Шарифнинг охирги саволига тушунмадим. Нега анави хонанинг ҳамма деразалари очиқ. Янги қомуснинг нархи арзонми? Хафтанинг тоқ кунларида Қуръони карим сураларининг тафсирини ўқидик. Хафтанинг жуфт кунларида хадисларнинг шарҳини ўргандик. Зайнаб, бу қимматбаҳо соатни қаердан олдинг? Имтиҳонлар шу ҳафтанинг охирги кунида. Мунаввара серғайрат ва камгап қиз. Исломи дини ҳар бир инсонга ота-онанинг ҳаққини адо (қилишни) буюрган. Абзор пок қалбли ва чиройли муомалали кишими? Нияти пок кишилар одамларга севиқлидир. Анави китоб кўп сўзли арабча-ўзбекча луғатми? Эй Убайдулло, сен сергап ва ношуд йигитсан.

жуфт кунлар	أَيَّامٌ رَوْحِيَّةٌ	тоқ кунлар	أَيَّامٌ قَرْدِيَّةٌ
-------------	----------------------	------------	----------------------

БИРИКМА ОЛМОШЛАР

Бирикма олмошлар исм, феъл, олд кўмакчи ва юкламаларга бириқиб келади. Бирикма олмошлар қуйидагилардир:

кўплик	иккилик	бирлик	сон, жинс, шахс
(бизнинг) ..имиз نَا ۋ	-----	(менинг) ..им ي (ي) ۋ	муз. I ш муан.
(сизнинг) ...ингиз كُمْ ۋ كُنَّ ۋ	иккингиизнинг ...ингиз كُمْ ۋ كُمْ ۋ	(сенинг) ...инг كُ ۋ كُ ۋ	муз. II ш муан.
(уларнинг) ...и;...си هُمْ ۋ هُنَّ ۋ	иккисининг ...лари هُما ۋ هُما ۋ	(унинг) ...и هُ ۋ ها ۋ	муз. III ш муан.

Исмнинг бирикма олмош билан турланиш жадвали:

кўплик	иккилик	бирлик	шахс, жинс
китоб ИМИЗ كِتَابِنَا	-----	китоб ИМ كِتَابِي	муз. I ш муан.
китоб ИНГИЗ كِتَابِكُمْ كِتَابِكُنَّ китоб ИНГИЗ	<u>ИККИНГИЗНИНГ</u> китоб ИНГИЗ كِتَابِكُمْ <u>ИККИНГИЗНИНГ</u> китоб ИНГИЗ كِتَابِكُمْ	китоб ИНГ كِتَابِكُ كِتَابِكِ китоб ИНГ	муз. II ш муан.
<u>УЛАРНИНГ</u> китоб И كِتَابِهِمْ <u>УЛАРНИНГ</u> китоб И كِتَابِهِنَّ	<u>ИККИСИНИНГ</u> китоб И كِتَابِهِمَا <u>ИККИСИНИНГ</u> китоб И كِتَابِهِمَا	китоб И كِتَابُهُ كِتَابِهَا китоб И	муз. III ш муан.

Исмга бириккан бирикма олмош у билан изофа бирикмаси тузиб келади. Бунда исм аниқлашиши вазифасида «л» артиклизис ва танвинсиз келиб гап талаб қилган келишиқда, бирикма олмош эса мослашмаган аниқловчи вазифасида келади. Таржимада «ўзининг»деган ўзлик маъно сақланади. Масалан, менинг ўзимнинг ..им):

(бизнинг, ўзимизнинг) оила МИЗ	عَائِلَةٌ + نَا = عَائِلَتُنَا
Дўст – (ўзининг) дўст И нинг ойнаси.	الصَّدِيقُ مِرَاهُ صَدِيقِهِ.

I шахс, бирлик сон бирикма олмошини олган от келишиқларда турланмайдиган “الْمَبْنِي” исмга айланади. Аммо шу от иккилик ёки тўғри кўплик сон музаккар жинсда бўлса унинг бирикма олмоши “ي” деб ўқилади, қаратқич–тушум келишиғида эса иккиланади: “ي”:

келишиқ	бирлик	иккилик	кўплик
---------	--------	---------	--------

бош	مُعَلِّمِي ўқитувчим ўқитувчимни ўқитувчимнинг	مُعَلِّمَائِي иккита ўқитувчим	مُعَلِّمَوِي ўқитувчиларим
қаратқич –тушум		مُعَلِّمَيَّ иккита ўқитувчимни иккита ўқитувчимнинг	مُعَلِّمَيَّ ўқитувчиларимни ўқитувчиларимнинг

Иккилик ва музаккар жинс, тўғри кўплик сондаги исмга бирикма олмош кўшилганда охиридаги “ن” лари тушиб қолади:

келишик	бирлик	иккилик	кўплик
бош	مُعَلِّمَنَا ўқитувчимиз	مُعَلِّمَانَا икки ўқитувчимиз	مُعَلِّمُونَا ўқитувчиларимиз
қаратқич	مُعَلِّمِنَا ўқитувчимизнинг	مُعَلِّمَيْنَا икки ўқитувчимизнинг	مُعَلِّمِينَا ўқитувчиларимизнинг
тушум	مُعَلِّمِنَا ўқитувчимизни	مُعَلِّمَيْنَا икки ўқитувчимизни	مُعَلِّمِينَا ўқитувчиларимизни

Бирикма олмоши билан келган отнинг мослашган аниқловчиси, изофа бирикмасидаги каби, аниқ ҳолатда қўйилади:

унинг <u>чиройли</u> сўзи (гапи)...	كَلَامُهُ الْجَمِيلُ ...
унинг <u>бу</u> сўзи (гапи)...	كَلَامُهُ هَذَا ...

III шахснинг тўртта “ه، هُما، هُم، هُنَّ” бирикма олмошлари ўзидан олдин келаётган “i”, “i:” унлилари ва сукунли “ya:” таъсирида ўз дамаларини қасрага айлантиради:

مِنْ كِتَابِهِ ، مِنْ كِتَابِهِمَا ، مِنْ كِتَابِهِمْ ، مِنْ كِتَابِهِنَّ

“ة” га тугаган сўзга бирикма олмош қўшилса, у “ت” га айланади:

سَاعَتُهَا	←	سَاعَةٌ	جَرِيدَتُهُ	←	جَرِيدَةٌ
------------	---	---------	-------------	---	-----------

Араб тилида ўзаги иккита ундошдан ташкил топган:

أَب، أَخ، حَمٌّ – қайнота – ئو – эгаси – فو (فم) – оғиз – هُنَّ – матоҳ

каби олтита исм изофа бирикмасининг биринчи бўлаги бўлиб, ёки “ي”дан бошқа бирикма олмошларини бириктириб келганида, уларнинг келишиги “ي”, “و”, “ا” харфлари воситасида ифодаланади. Масалан:

бош келишик	أَخُو زَيْدٍ	أَبُو الْقَاسِمِ	ذُو الْجَلَالِ	أَبُوكَ	أَخُوهُ	أَخِي	أَبِي
қаратқич келишик	أَخِي زَيْدٍ	أَبِي الْقَاسِمِ	ذِي الْجَلَالِ	أَبِيكَ	أَخِيهِ	أَخِي	أَبِي
тушум келишик	أَخَا زَيْدٍ	أَبَا الْقَاسِمِ	ذَا الْجَلَالِ	أَبَاكَ	أَخَاهُ	أَخِي	أَبِي

أختي وهذه ابنة أختي. ٦) رأيتُ أباك وأمَّ أنتِ أمس. ٧) بيت مظفر وعائلة مظفر جميلان. ٨) طشقند قديمة وتاريخ طشقند عريق.

84- машқ. Жумлаларни араб тилига таржима қилинг:

Декан ва университет ўқитувчилари уларникига кетишди. Маҳмуднинг онаси эмас отаси тарих ўқитувчиси. Бу ишингиз жуда чиройли. Унинг гапи тўғри, аммо фикринг нотўғри. Ҳозир унинг (муан.) эри таътилда, сўнгра Тунисга кетади. Доктор Абдурахмон устозимнинг устози, унинг катта ўғли ўғлимнинг ўртоғи. Уйимиз автобус бекатига яқин. Шаҳар касалхонаси шифокорлари унинг хузуридами? У ёки жинни ёки чарчаган. Саида ва Зиёда ўз хоналарида ўтиришибди. Янги костюминг чиройли, лекин ўлчами катта. Холаси кўп болали, покиза қалбли аёл. Янги кўшингиз камгап, аммо сергайрат.

ноғғри	عَيْرٌ صَحِيحٌ	тўғри	صَحِيحٌ
--------	----------------	-------	---------

85- машқ. Ушбу матнни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг.

فِي الْمَطْعَمِ

الْمَطْعَمُ فِي الطَّابِقِ الْأَوَّلِ. الْوَجَبَاتُ الْيَوْمِيَّةُ فِي الْمَطْعَمِ هِيَ:

الْفُطُورُ: عَصِيرٌ فَاكِهَةٌ، خُبْزٌ وَمُرَبِّيٌّ وَزُبْدٌ، شَايٌ أَوْ قَهْوَةٌ، بَيْضٌ أَوْ جُبْنٌ أَوْ فُؤُلٌ.

الْعَدَاءُ: حِسَاءٌ، سَلْطَةٌ، حُومٌ أَوْ طَيْرٌ، أَوْ سَمَكٌ، خُضْرٌ، خُبْزٌ وَزُبْدٌ، أُرْزٌ أَوْ مَكْرُونَةٌ،

فَاكِهَةٌ أَوْ حَلْوَى، شَايٌ أَوْ قَهْوَةٌ.

الْعِشَاءُ: مِثْلَ الْعَدَاءِ.

عَلَى الطَّوَالَةِ شَوْكَةٌ وَسِكِّينٌ وَمِلْعَقَةٌ، وَطَبَقٌ كَبِيرٌ، وَطَبَقٌ صَغِيرٌ، وَرُجَاجَةٌ مَاءٍ، مَاءٌ، وَكُؤُبٌ. قَائِمَةُ الطَّعَامِ

عَلَى الطَّوَالَةِ. فِي الْقَائِمَةِ سِعْرُ الطَّعَامِ.

يُوسُفُ: - أُرِيدُ حِسَاءً طَمَاطِمًا، وَسَلْطَةً، وَخُبْزًا وَكَبَابًا.

عَامِلُ الْمَطْعَمِ: - حَلْوَى أَوْ فَاكِهَةٌ؟

يُوسُفُ: - فَاكِهَةٌ، مَوْزٌ وَبُرْتُقَالٌ وَفِنْجَانٌ شَايٍ مِنْ فَضْلِكَ.

عَامِلُ الْمَطْعَمِ: - تَفَضَّلْ، هَا فَائِزَةُ الْحِسَابِ، إِذْفَعْ هُنَا مِنْ فَضْلِكَ.

قَرَأَ يُوسُفُ الْفَائِزَةَ، وَدَفَعَ الْحِسَابَ، وَشَكَرَ وَخَرَجَ مِنَ الْمَطْعَمِ.

كلمات:

ОВҚАТ (пайти)	وَجَبَةٌ (كۆپل. وَجَبَاتٌ)	ошхона (ресторан)	مَطْعَمٌ
тушлик	عَدَاءٌ	нонушта	فُطُورٌ
тухум ёки	بَيْضٌ أَوْ جُبْنٌ	кечки овқат	عِشَاءٌ

пишлоқ			
шўрва	حِسَاءٌ	мева шарбати	عَصِيرٌ فَاكِهَةٌ
(мол; қўй) гўшти	حُومٌ	саригғ	زُبْدٌ
сабзавотлар	خَضْرٌ	парранда гўшти	طُيُورٌ
таомнома	قَائِمَةُ الطَّعَامِ	таом нархи	سِعْرُ الطَّعَامِ
пичоқ	سِكِّينٌ	санчқи	شَوْكَةٌ (қўл. شَوْكٌ)
ликобча	طَبَقٌ (қўл. أَطْبَاقٌ)	кошиқ	مَلْعَقَةٌ (қўл. مَلَاعِقٌ)

86- машқ. Ҳадиси шарифларни ёзинг, ўқинг, лугат ёрдамида таржима қилинг ва ёд олинг:

۱. أَفْضَلُ الْإِيْمَانِ الصَّبْرُ وَالسَّمَاْحَةُ.
۲. رَأْسُ الْحِكْمَةِ مَخَافَةُ اللَّهِ.
۳. الْمُؤْمِنُ مِرَاةُ الْمُؤْمِنِ (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ)؛

кўзгу	مِرَاةٌ	Аллохдан кўркиш	مَخَافَةُ اللَّهِ
-------	---------	-----------------	-------------------

МУСТАҚИЛ БАЖАРИШ УЧУН ТЕСТЛАР

12. كَسْلَانٌ ، أَطْرَشٌ ، طَيِّبٌ ، فَرِحٌ сифатларининг муаннас жинсини ясанг:

- А) كَسْلَانِيَّةٌ ، أَطْرَشَةٌ ، أَطْيَبٌ ، فَرِحَةٌ Б) كَسْلَانَةٌ ، طَرَشَاءٌ ، طَيِّبَةٌ ، فَرِحَةٌ
В) كَسْلَى ، طَرَشَاءٌ ، طَيِّبَةٌ ، فَرِحَةٌ Г) كَسْلَى ، طَرَشَاوَةٌ ، طَيِّبَةٌ ، فَرِحَةٌ

13. جَيِّدَةٌ ، زَرْقَاءٌ ، تَعِبَةٌ ، عَوْرَاءٌ сифатларининг музаккар жинсини ясанг:

- А) جَيِّدٌ ، أَرْزَقٌ ، تَعِبٌ ، أَعْوَرٌ Б) جَيِّدًا ، زَرْقٌ ، تَعِبٌ ، عَوْرٌ
В) جَيِّدٌ ، زَرْقَوٌ ، تَعِبُنٌ ، أَعْوَرٌ Г) جَيِّدٌ ، زَرْقٌ ، تَعِبَةٌ ، أَعْوَرٌ

الدَّرْسُ السَّادِسَ عَشَرَ الْوَحْدَةُ الْاَلْتِنَاثِيَّةُ

ФЕЪЛНИНГ ҲОЗИРГИ ВА КЕЛАСИ ЗАМОНЛАРИ

Ҳозирги замондаги иш-ҳаракатни ҳозирги-келаси замон феъли деб аталадиган феъл шакли ифода этади. У гапирилаётган пайтда содир бўлаётган ёки такрорланаётган тугалланмаган иш-ҳаракат ёки ҳолатни ифодалайди:

Талаба дарсни <u>ёзаяпти</u> .	يَكْتُبُ الطَّالِبُ الدَّرْسَ.
Дарс <u>бошланаяпти</u> .	يَبْدَأُ الدَّرْسَ.

У муайян юкламалар билан келганда келаси замонни ифода этади. Ҳозирги-келаси замон шакли феълнинг бошланғич шаклининг биринчи ўзак ундошини «сукун»лаш ҳамда унинг олди ва охирига ҳозирги-келаси замон феълнинг шахс-сон қўшимчаларини қўшиш билан ясалади:

кўплик	иккилик	бирлик	шахс, сон,
كُـ ـ ـ ـ ـ ـ	-----	أ ـ ـ ـ III II I	музаккар I ш. муаннас
كُـ ـ ـ ـ ـ ـ وَنَ كُـ ـ ـ ـ ـ ـ نَ	كُـ ـ ـ ـ ـ ـ اِنِ كُـ ـ ـ ـ ـ ـ اِنِ	كُـ ـ ـ ـ ـ ـ كُـ ـ ـ ـ ـ ـ يِنِ	музаккар II ш. муаннас
كُـ ـ ـ ـ ـ ـ وَنَ كُـ ـ ـ ـ ـ ـ نَ	كُـ ـ ـ ـ ـ ـ اِنِ كُـ ـ ـ ـ ـ ـ اِنِ	كُـ ـ ـ ـ ـ ـ ـ ـ ـ ـ كُـ ـ ـ ـ ـ ـ ـ ـ ـ ـ	музаккар III ш. муаннас

Бу ерда шахс-сон қўшимчалари билан келган ҳозирги-келаси замон феълни содда йигиқ гап, шахс-сон қўшимчаларини эса шу гапнинг эгаси деб тушуниш лозим:

Биз қайтйпмиз.	نَرْجِعُ	У кетяпти.	يَذْهَبُ.
----------------	----------	------------	-----------

Ҳозирги-келаси замон феълнинг иккинчи ўзак ҳарфи «фатҳа» ёки «дамма» ёки «касра»дан бири билан ўқилиши мумкин:

يَفْعَلُ ، يَفْعَلُ ، يَفْعَلُ

Бизнинг луғат китобларда феълнинг ёнида қавс ичида унинг 2-ўзак ундошининг ҳаракати кирилл ёки лотин ҳарфи кўринишида, арабларда ҳаракат шаклида ёзиб қўйилган бўлади:

Таржимаси	Арабларда	Бизда
ўтирмақ	جَلَسَ (ـ)	جلس (и)
ёзмақ	كَتَبَ (ـ)	كتب (у)
ичмоқ	شَرِبَ (ـ)	شرب (а)

فَعْلٌ вазнидаги феъллар ҳозирги–келаси замонда доимо يَفْعُلُ вазнида бўлади. فَعْلٌ вазнидаги феъл асосан يَفْعُلُ вазнида, فَعْلٌ вазнидагиси эса кўпроқ يَفْعُلُ вазнида, нисбатан камроқ يَفْعُلُ ёки يَفْعُلُ вазнларида учрайди.

«у тушунди – (а)فَهُمْ» феъллини ҳозирги замонда тушлаш жадвали:

кўплик	иккилик	бирлик	шахс, жинс
نَفَهُمْ тушунаяпмиз	---	أَفَهُمْ тушунаяпман	музаккар I ш. муаннас
تَفَهُمُونَ тушунаяпсиз	تَفَهُمَانِ иккингиш тушунаяпсиз	تَفَهُمٌ тушунаяпсан	музаккар II ш. муаннас
يَفَهُمُونَ тушунаяптилар	يَفَهُمَانِ иккиси тушунаяптилар	يَفَهُمٌ тушунаяпти	музаккар III ш. муаннас

Эслатма: أَكَلٌ ، سَأَلَ ، فَرَأَى каби ҳамзали феълларни ҳозирги замонда тушлашда уларда ҳамзага оид бўлган ёзув(график) ўзгаришлар юз беради. Яъни أَكَلٌ каби I ўзак ундоши ҳамза бўлган феъллар ҳозирги–келаси замон, I шахс, бирлик сонда أَكَلٌ шаклида бўлса, ушбу феълнинг бошқа кўринишларида ва II, III ўзак ундоши ҳамза бўлган феълларда ҳамзанинг курсиси ҳамза ундошига оид бўлган ёзув қоидалари асосида ўзгаради.

Ҳозирги замон феълнинг инкор маъноси «لَا» ва «مَا» инкор юкламалари воситасида ифодаланади. «مَا» юкламаси нутқ пайтидаги инкорни ифодалайди:

У ёзмапти (У ёзмайди)	لَا يَكْتُبُ
У (ҳозир) ёзмапти	مَا يَكْتُبُ

Агар унинг олдида «أَ» юкламаси келса, нутқ пайтидаги сўроқ маъносини, «هَلْ» юкламаси келса, ҳозирги замондаги сўроқ маъносини беради:

Сен (ҳозир) бу китобни ўқияпсанми?	أَتَقْرَأُ هَذَا الْكِتَابَ؟
Сен бу китобни ўқийсанми?	هَلْ تَقْرَأُ هَذَا الْكِتَابَ؟

Агар ҳозирги–келаси замон феълнинг олдида “قَدْ” юкламаси кўйилса, тахмин қилиш, ишончсизлик маъноларини беради:

Балки у университетда ўқиб кетар.	قَدْ يَدْرُسُ فِي الْجَامِعَةِ.
Эҳтимол, отам билсалар керак.	قَدْ يَعْرِفُ أَبِي.

Келаси замон шакли икки хил кўринишда ифодаланади:

1. Содда шаклда – ҳозирги–келаси замон шаклидаги феъл мос равиш билан келиб келаси замон маъносини ифодалайди:

Автобус кечқурун қайтади.	تَرْجِعُ الحَافِلَةُ مَسَاءً.
Ишимизга пешинда кетамиз.	نَذْهَبُ إِلَى عَمَلِنَا ظَهْرًا.

2. Мураккаб шаклда– ҳозирги–келаси замон феъли олдига “سَ” ёки “سَوْفَ” юкламасини қўйиш билан. Бу ерда “سَ” юкламаси яқин келажакка ишора қилиб, феълга қўшилиб ёзилади. “سَوْفَ” юкламаси эса узоқ келажакка ишора қилади ва алоҳида ёзилади:

Мен араб тилини ўрганаёпман.	أَتَعَلَّمُ اللُّغَةَ العَرَبِيَّةَ.
Мен араб тилини ўрганаман.	سَأَتَعَلَّمُ اللُّغَةَ العَرَبِيَّةَ.
Мен (бир куни) араб тилини ўрганаман.	سَوْفَ أَتَعَلَّمُ اللُّغَةَ العَرَبِيَّةَ.

Келаси замон феълининг инкор шакли «سَوْفَ» юкламасининг ортига لا инкор юкламасини қўйиб ҳосил қилинади («سَ» юкламасига қўйилмайди):

Мен бугун ўйингоҳга бормайман.	سَوْفَ لَا أَذْهَبُ إِلَى المَلْعَبِ اليَوْمِ.
--------------------------------	--

87– машқ. Ушбу феълларни ҳозирги ва келаси замонларда тушланг. Уларнинг таржимасини аниқланг:

- (а) عَقَلَ (и) ишлатди, ақлини ишлатди, بَحَجَّ (а) муваффақият қозонди, فَشِلَّ (а)
 учради, муваффақиятсизликка учради, تَرَكَ (у) қолдирди, حَفِظَ (а) саклади, طَمَعَ (а)
 қилди, тамаъ қилди, دَخَلَ (у) кирди, غَسَلَ (и) ювди, جَمَعَ (а) йиғди, فَتَعَ (а) қаноат қилди, حَسِبَ (а)
 хисоблади, حَمَلَ (и) кўтарди, ташиди.

88– машқ. Жумлаларни ёзинг, ўқинг, таржима ва грамматик таҳлил қилинг. Ҳар бир жумлада келатган феълни аниқланг:

العالم يجمع الكتاب والبخيل يجمع المال. إن الطلاب يكتبون دروسهم. حميد الله يقرأ القرآن ولا يقرأ الدرس. ماذا تصنع؟ أحفظ الأحاديث وأكتب القواعد. تُسَمِعُ أصوات الناس والأولاد. يفتح باب بيته صباحا. سترحل من فارغانة إلى طشقند غدا. سيذهب أبي إلى قريتكم بعد غد. كل إنسان يحسب نفسه عاقلا وعادلا. هم يحسبون أنفسهم عقلاء. هل هما يعرفان اللغات الأجنبية؟ نعم، يعرفان اللغتين العربية والإنجليزية. العلماء يعلمون علوما كثيرة والجهلاء لا يعلمون شيئا. لماذا لا تفهمون معاني هذه السور؟ هم سيشرّبون في بيت أحمد أشربة لذيدة. يسأل

عمر زيدا عن حال أبيه. الإنسان العاقل يقنع بمال قليل. الفقير يطمع في مال الغني. الإنسان الظالم يخدع الناس. أبي سيفرح بهذا الخبر. بعض الفسقة يسرقون أموال الناس. سيرجع أستاذنا بعد أسبوع من سفره. أولئك الرجال يجلسون في بيتنا. كثير من الناس يشتمون أعدائهم. ذكر الله ينطق كثيرا أما شادية فلا تنطق كثيرا. هل أنت تحمل نظارة؟ نعم! كثير من الناس يتركون الصلاة. يقرب وقت الامتحان الصيفي. بعد قليل ستبدأ محاضرة الأستاذ.

كلمات:

пул; мол-дунё	مَالٌ (أَمْوَالٌ. كۆپل.)	кетмоқ; йўлга чиқмоқ	رَحَلَ (a)
кам пайтларда	قَلِيلًا مَا	ичимлик; шароб	شَرَبْتُ (أَشْرَبْتُ. كۆپل.)
бой	عَنِي (أَعْيَاءٌ. كۆپل.)	камбағал	فَقِيرٌ (فُقَرَاءٌ. كۆپل.)
хурсанд бўлмоқ	فَرِحَ (a)	алдамоқ	خَدَعَ (a)
ўғирламоқ	سَرَقَ (и)	фосик; ярамас	فَاسِقٌ (فَسَقَةٌ. كۆپл.)
душман	عَدُوٌّ (أَعْدَاءٌ. كۆپл.)	сўкмоқ; ҳақоратламоқ	شَتَمَ (и, у)
сўзламоқ; гапирмоқ	نَطَقَ (и)	индинга	بَعَدَ عَدٍ
ўзи; киши	نَفْسٌ (أَنْفُسٌ. كۆپл.)	яқин бўлмоқ	قَرَبَ (у)
бироздан сўнг	بَعْدَ قَلِيلٍ	бошланади	بَدَأَ (a)

89- машқ. Қўйидаги жумлалардаги бўш ўринларни ҳозирги ёки келаси замондаги муносиб феъл билан тўлдириңг:

- (۱) ... مدينتنا بعد سنوات قليلة. (۲) ... الفلاح القمح والشعير بعد يومين. (۳) ... الأولاد في النهر. (۴) فريد ... إلى بيت عمه. (۵) لماذا... الحصان الشعير؟ (۶) ... الثور الأرض ببطء. (۷) ... الطيبة المريضة في حجرتها. (۸) ... محمد باب جاره. (۹) ... النجار بابا جمیلا.
(ستحمل، سيزع، يسبح، يذهب، لا يأكل، يحرث، تفحص، يطرق، يصنع)

90- машқ. Араб тилига таржима қилиңг:

Ўзбекистон президенти эртага Миср араб республикасига сафар қилади. Индинга Қоҳира эҳромларини тамоша қиламан. Ҳар бир ақлли инсон ёшлигида илмлар ўрганади. Янги китоб жавонига илмий ва бадий китоблар йиғаман. Араб тилини қандай ўрганапсан? Уни қийинчилик билан ўрганапман. Ўртоқлари Ҳамидни излашяпти. Уйларингизга бир ойдан сўнг қайтасиз. Тоғга кишки таътилда чиқамиз. Дехкон ерни куз фаслида хайдайди. Сизлар душманларингизни аҳмоқ деб ҳисоблайсизми? Сен хато қилаяпсан.

ФЕЪЛ БИЛАН БИРГА КЕЛГАН БИРИКМА ОЛМОШ

Бирикма олмош ўтимли феълга бевосита қўшилиб воситасиз тўлдирувчи вазифасида, ўтимсиз феълга эса унинг қошидаги предлогга қўшилиб воситали предлогли тўлдирувчи вазифасида келади.

Бирикма олмош феълнинг турли шаклларига бирикканида қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

1. I шахс, бирлик сон бирикма олмоши- ي - феълларга بِ шаклида бирикиб келади:

Мени тушунмаяпсан.	لَا تَفْهَمُنِي.	Мени тушундинг.	فَهَمْتَنِي.
--------------------	------------------	-----------------	--------------

2. Ўтган замон, II шахс, кўплик, музаккар жинсдаги ўтимли феълга бирикма олмош қўшилганда орада و (u:) чўзиқ унлиси пайдо бўлади:

Уни танидингизми? أ (عَرَفْتُمْ+و+هَا) عَرَفْتُمُوهَا؟

Мени тушундингизми? (فَهَمْتُمْ+و+بِ) فَهَمْتُمُونِي؟

3. Ўтган замон, III шахс, кўплик, музаккар жинсдаги ўтимли феълга бирикма олмош қўшилганда охиридаги ا (алиф) ёзилмай қолади:

Мендан сўрадилар.	(سَأَلُوا+بِ) سَأَلُونِي.
Улар бизни танишди.	(عَرَفُوا+نَا) عَرَفُونَا.

4. Агар ўтимли феълга бирикадиган олмош иккита бўлса унинг иккинчиси феъл қошидаги тушум келишигидаги бирикма олмоши бўлмиш إِيَّ га бирикиб келади (гоҳида таъкидлаш учун битта бўлса ҳам). Масалан:

Уни сенга бердим.	فَدَمَّتْهَا <u>إِيَّاكَ</u> .	Сенгагина ибодат қиламиз. (Фотиҳа сураси)	إِيَّاكَ نَعْبُدُ.
Уни бердим.	أَعْطَيْتُهُ <u>إِيَّاهُ</u> .	Уни тушундим.	فَهَمْتُ <u>إِيَّاهَا</u> .

Тушум келишигидаги бирикма олмошлар қуйидагилардир:

кўплик	иккилик	бирлик	жинс, шахс
إِيَّانَا	-----	إِيَّايَ	музаккар I ш муаннас
إِيَّاكُمْ إِيَّاكُنَّ	إِيَّاكُمَا إِيَّاكُمَا	إِيَّاكَ إِيَّاكَ	музаккар II ш муаннас

إِيَّاهُمْ	إِيَّاهُمَا	إِيَّاهُ	музаккар III ш муаннас
إِيَّاهُنَّ	إِيَّاهُمَا	إِيَّاهَا	

91– машқ. Қавс ичидаги кишилик олмошларини феълларга бириктиринг, жумлаларни таржима қилинг:

(۱) رأينا (هن) أَوَّلَ أَمْسٍ فِي سَوِّقٍ "جارسو". (۲) مَا وَجَدْتُ (أَنْتِ) أَمْسٍ فِي بَيْتِكَ. (۳) أَعْطَيْتُ (أَنْتِنِ) ذَلِكَ الْكِتَابَ. (۴) هَلْ تَفْهَمُ (هُوَ) أَمْ لَا؟ أَفْهَمُ (هُوَ) بِلَا صَعُوبَةٍ. (۵) وَعَدْتُمَا (أَنَا) وَمَا حَضَرْتُمَا. (۶) هَلْ أَعْطَيْتَ (هَنْ) الْمَوْضُوعَ؟ (۷) عَمَّ تَسْأَلُونَ (هِيَ)؟ (۸) أَحْسَبُ (أَنْتُمْ) عَقْلَاءَ وَأَذْكَيَاءَ. (۹) يَمْنَعُ (هُمْ) أَبُوهُمْ عَنِ الْمُضَارَبَةِ. (۱۰) هَلْ أَخْبَرْتِ (هُمَا) بِحَقِيقَةِ الْأَمْرِ؟ سَأُخْبِرُكُمَا (هُمَا) إِنْ شَاءَ اللَّهُ غَدًا.

ГАПНИНГ УЮШИҚ БЎЛАКЛАРИ

Гапнинг бирор бўлагига тенг равишда боғланган, аммо ўзаро мустақил бўлган икки ёки ундан ортиқ бўлақларга гапнинг уюшиқ бўлақлари дейилади. Гапнинг уюшиқ бўлақлари бир хил сўроққа жавоб бўлиб, бир хил синтактик вазифани бажариб келади. Гапнинг бош бўлақлари ҳам, иккинчи даражали бўлақлари ҳам уюшиб келиши мумкин.

Уюшган эса, исмий кесим, тўлдирувчи, аниқловчи ва уюшган ҳоллар бир хил келишида бўлади, уюшган феъл – кесимлар эса бир хил шахс, жинс ва майлда бўлади.

Улар бир – бири билан ушбу боғловчилар воситасида боғланади:

1. Тенг боғловчилар. ... وَ – ва; ... فَ – кейин; ... ثُمَّ – сўнгра кабилар бўлиб, ... وَ боғловчиси гапнинг иккита уюшиқ бўлагини тўғридан – тўғри боғласа, ... فَ боғловчиси уларнинг кетма – кетлигини, ... ثُمَّ боғловчиси эса орада бироз муддат ўтганини билдиради:

Маҳмуд ва Умар кириб ўтиришди
 دَخَلَ مُحَمَّدٌ وَعُمَرُ فَجَلَسَا ثُمَّ الْمُعَلِّمُ.
 сўнгра муаллим кирди.

2. Зидловчи боғловчилар. لَا – эмас; بَلْ – эмас, балки; لَكِنْ – лекин каби зидловчи боғловчилар уюшган бўлақлардан бирини бошқасига зид (қарши) кўйиш учун ишлатилади:

Зайд эмас, балки Умар келди. مَا جَاءَ زَيْدٌ بَلْ عُمَرُ.

Қонун барчагадир, баъзилар учун эмас. الْأَقَانُونُ عَامَّةٌ لَا
 (Қонун барчага баробар.) خَاصَّةٌ.

3. Айирувчи (ёки ажратиб кўрсатувчи) боғловчилар. أَوْ – ёки; أَمْ – ёки (сўроқ гаплар учун); وَإِمَّا; وَأَمَّا ... إِمَّا ... وَإِمَّا – ёки, ...ёки; каби айирувчи боғловчилар уюшган бўлақларнинг фақат биттасини ажратиб кўрсатиш учун ишлатилади:

Уйқудан аввал сут ёки шарб: أَتَشْرَبِينَ قَبْلَ النَّوْمِ لَبَنًا أَوْ عَسِيرًا!
ичаяпсанми?
У нонуштада ёки асал, ён يَأْكُلُ فِي الْفُطُورِ إِمَّا عَسَلًا وَإِمَّا مُرْتًا!
мураббо ейди.

4. أَيَّ – яъни шарҳловчи боғловчи ҳам уюшиқ бўлақли гапларда ишлатилади:

Абдулкарим, яъни ўқитувчи جَاءَ عَبْدُ الْكَرِيمِ أَيَّ الْمُعَلِّمِ.
келди.

92–машиқ. Уюшган бўлақлар иштирок этган 5 та гап тузинг.

93–машиқ. Ушбу матнни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Янги сўзларни ёд олинг.

فِي السُّوقِ (الْقِسْمُ الْأَوَّلُ)

لَيْلَى وَمَرْيَمُ عِنْدَ الْخَضِرِيِّ. الْخَضِرُ الْيَوْمَ طَارِجَةٌ وَكَثِيرَةٌ وَالثَّمَنُ رَخِيسٌ. الْخَضِرِيُّ يَبِيعُ الطَّمَاظِمَ، وَالْحَيَارَ، وَالْجُزْرَ، وَالْحَسَّ. وَيَبِيعُ الْكُوسَةَ وَالْبَامِيَةَ وَالْمُلُوحِيَّةَ وَالْكَرْنَبَ وَالْفُلْفُلَ الْأَخْضَرَ وَالْبَطَاطِسَ وَاللَّيْمُونَ.

لَيْلَى: سَأَشْتَرِي خَضَرَ الْأُسْبُوعِ كُلَّهُ سَأَخُذُ ثَلَاثَةَ كِيلُو طَمَاظِمٍ وَكِيلُو جُزْرٍ وَثَلَاثَةَ كِيلُو حَيَارٍ وَخَسْتَيْنِ وَأَنْثَيْنِ كِيلُو بَطَاطِسٍ وَكِيلُو مُلُوحِيَّةٍ وَكِيلُو بَامِيَّةٍ وَعَشْرَ لَيْمُونَاتٍ.

الْبَائِعُ يَرِنُ الْخَضَرَ وَتَأْخُذُهُ لَيْلَى. وَمَرْيَمُ تَشْتَرِي خَضَرَ الْأُسْبُوعِ أَيْضًا.

لَيْلَى لِلْبَائِعِ: هَلْ أَنْتِ الَّذِي تَأْخُذُ التُّفُودَ؟ الْبَائِعُ: نَعَمْ.

لَيْلَى وَمَرْيَمُ تَدْفَعَانِ الْحِسَابَ وَتَشْكُرَانِ الْخَضِرِيَّ وَتَنْصَرِفَانِ.

لَيْلَى وَمَرْيَمُ عِنْدَ الْفَاكِهِيِّ

الْفَاكِهِيُّ الْيَوْمَ كَثِيرَةٌ وَطَارِجَةٌ وَبَائِعُهُ الْفَاكِهَةَ تُنَادِي:

الْمَانْجُو الْهِنْدِيُّ، الْعِنَبُ الْبَنَاتِي، الشَّمَامُ الْعَسَلِيُّ وَتُنَادِي عَلَى الْمَوْزِ وَالْبَلْحِ.

لَيْلَى: مِنْ فَضْلِكَ أَنْثَيْنِ كِيلُو مَانْجُو، وَبَطِيخَةً صَغِيرَةً وَكِيلُو خُوخٍ وَكِيلُو كُمِشْرَى.

مَرْيَمُ: مِنْ فَضْلِكَ شَمَامَةً مُتَوَسِّطَةً وَأَنْثَيْنِ كِيلُو عِنَبٍ وَكِيلُو بَلْحٍ وَأَنْثَيْنِ كِيلُو مَوْزٍ. (الْبَائِعَةُ

تَرِنُ الْفَاكِهَةَ)

مَرْيَمُ لِلْبَائِعَةِ: هَلْ أَنْتِ الَّتِي تَأْخُذِينَ التُّفُودَ؟ الْبَائِعَةُ: نَعَمْ.

لَيْلَى وَمَرْيَمُ تَدْفَعَانِ الْحِسَابَ وَتَشْكُرَانِ الْفَاكِهِيَّةَ وَتَنْصَرِفَانِ.

كلمات:

сабзавот сотувчи	خَضْرَيٌّ	бозор	سُوقٌ (كُؤِط. اسواق)
янги (янги узилган)	طازِحٌ	сабзавотлар; кўкатлар	خَضْرٌ
сотди (сотади)	بَاعَ (يَبِيعُ)	арзон нарх	ثَمَنٌ رَحِيصٌ
бодринг	خِيَارٌ	памилдори	طَمَاطِمٌ
салат-кўкат	خَسٌّ	сабзи	جَزْرٌ
бамия (сабзавот тури)	بَامِيَّةٌ	кабачок (сабзавот тури)	كُؤِسَةٌ
карам	كُرْبٌ	мулухия (сабзавот тури)	مُلُؤِخِيَّةٌ
картошка	بَطَاطِسٌ	булғори қалампир	فُلْفُلٌ أَخْضَرٌ
сотиб оламан	سَأَشْتَرِي	лимон	لَيْمُونٌ
барчасини	كُلَّهُ	бир ҳафталик сабзавотлар	خَضْرُ السَّبْعِ
(тарозида) ўлчайди	يَرُنُ	сотувчи	بَائِعٌ
сотиб олади	يَشْتَرِي (تَشْتَرِي)	уни оласан; уни олади	تَأْخُذُهُ
пул	نَقْدٌ (نُقُود. كُؤِط.)	оладиган	الَّذِي تَأْخُذُ
иккови раҳмат айтади	تَشْكُرَانِ	иккови тўлайди	تَدْفَعَانِ
мева сотувчи	فَاكِهِيَّةٌ (فَاكِهِيَّةٌ)	иккови кетади	تَنْصَرِفَانِ
ҳинд мангоси	الْمَانْجُو الْهِنْدِيُّ	чакиради; бакиради	تُنَادِي
мева	فَاكِهَةٌ (فَوَاكِهَةٌ)	Бу ерда: янги узум	العنب البناتي
банан	مَوْزٌ	асал қовун	الشمام العسلي
илтимос; марҳамат қилиб	مِنْ فَضْلِكَ	ўргача қовун	شمامة متوسطة
шафтоли	خَوْحٌ	хурмо	بَلْحٌ
1 кило узум	كِيلُو عِنَبٍ	кичик тарвуз	بطيخة صغيرة

94– машқ. Араб тилига таржима қилинг:

Дўстим, бу ишда менга ёрдам бермаяпсан. Сени (муан.) бу ерда қолдирмайман. Ундан оиласи ҳақида сўрамадим. Ўқитувчиси уни отасига мақтаяпти. У икковларини кўрмадингми? Йўқ, уларни кўрмадим. Сени (муз.) мудир излаяпти. Зайнабни ҳар бир талаба илмли деб ҳисоблайди. Сизларга бу воқеанинг тафсилотларини тушунтираман. Сиз иккинғизни (муан.) тушунмаяпман. Нега у мени ҳақорат қиляпти? Уни (соатни) мендан бир ҳафта аввал

олдинг(муан.). Сен уларни танийсан. Шифокор у икковларини текшираяпти. Ота-онаси мендан ўғиллари ҳақида сўрашаяпти.

95- машқ. Ҳикматли гап ва ҳадисни ўқинг , таржимақилинг ва ёд олинг.

۱. الْجَاهِلُ يَطْلُبُ الْمَالَ وَالْعَاقِلُ يَطْلُبُ الْكَمَالَ.

۲. الْأَمَانَةُ تَجْلِبُ الرِّزْقَ وَالْحَيَانَةُ تَجْلِبُ الْفَقْرَ.

МУСТАҚИЛ БАЖАРИШ УЧУН ТЕСТЛАР

14. " السِّيَّارَاتَانِ سَوْدَاوَانِ ." жумласининг таржимаси:

- А) Машиналар қора (ранг)дир. Б) Иккита қора (ранг) машина...
В) қора (ранг) машиналар... Г) Иккита машина қора (ранг)да.

15. " الْجُرَيْدَةُ وَالْمَحَلَّةُ مُتَبَعَاتَانِ ." жумласининг таржимаси:

- А) Газета ва журнал қизиқарлими? Б) қизиқарли газета ва журнал...
В) Газета ва журнал қизиқарлидир. Г) тўғри таржима йўқ.

16. Агар феъл–кесим шахсни ифодалаб келган эгадан кейин келса:

- А) Бирлик сонда келиб эга билан фақат жинсда мослашади;
Б) Бирлик сонда келади ва эга билан сонда мослашади;;
В) Феъл–кесим ҳеч қачон эгадан аввал келмайди;
Г) У билан тўлиқ : жинс ва сонда мослашади.

17. Агар феъл–кесим шахсни ифодалаб келган эгадан аввал келса:

- А) Бирлик сонда келиб эга билан фақат жинсда мослашади;
Б) Бирлик сонда келади ва эга билан сонда мослашади;;
В) Феъл–кесим ҳеч қачон эгадан аввал келмайди;
Г) У билан тўлиқ; жинс ва сонда мослашади.

الدَّرْسُ السَّابِعُ عَشَرَ ЎН ЕТТИНЧИ ДАРС

ХОЛ

Араб тилидаги ҳол иш–ҳаракатнинг бажарилишида фақатгина бажарувчининг ҳолатини билдирувчи гапнинг иккинчи даражали бўлагидир. У гапда ёлғиз сўз –*ҳолат ҳоли* ёки бир бутун жумла – *ҳол эрғаш гап* шаклида келади.

Ҳол (ҳолат ҳоли) иш–ҳаракатнинг бажарилиши пайтида унинг бажарувчиси ёки бажарилувчисининг қандай ҳолатда бўлганига ишора қилади. Ҳолати ифодаланиб келаётган сўз аниқ ҳолатда (одатда у гапнинг эгаси бўлиб келади),

ҳолатни ифодаловчи сўз- ҳолат ҳоли эса *ноаниқ ҳолатда, тушум келишигида* бўлади ва ҳолати ифодаланиб келаётган сўз билан жинс ва сонда мослашади.

Ҳолат ҳоли гапда *كَيْفَ* сўроғига жавоб бўлиб келади:

Рашид *пиёда* келди. جَاءَ رَشِيدٌ مَاشِيًا.

Мударрислар *пиёда* келишди. جَاءَ الْمُدَرِّسُونَ مُشَاهًا.

Ўтимли феълдан ҳосил қилинган ҳолат ҳолида феълнинг ўтимлилик хусусияти сақланади ва у ҳам ўзидан кейин келаётган тўлдирувчини худди ўша феъл бошқариб келаётган тушум келишигида бошқариб келади:

Бобоси неварасини *кўтариб* келди. قَدِمَ جَدُّهُ حَامِلًا حَنِيذَةً.

Исмий ёки феълий жумла шаклидаги ҳол эргаш гап -ҳолат ҳоли эргашган кўшма гап таркибида келганида бош гапга *و* боғловчиси (уни араблар «*وَإِوْ حَالِيَّةٌ*» – «*ҳол эргаш гапни бош гапга боғлайдиган «вов» боғловчиси*» деб атайдилар) ёки бирикма олмош воситасида боғланади.

Ҳолат ҳоли эргашган *исмий жумла шаклида* бўлганида ушбу тарзда келади:

Ёш бўлганида илм изла! أَطْلَبِ الْعِلْمَ وَأَنْتَ فَتَى.

Унга *нарҳи қиммат бўлган* совғалар беришди. وَقَدِّمُوا إِلَيْهِ الْهَدَايَا قِيَمَتَهَا غَالِيَةً.

Ҳолат ҳоли эргашган *феълий жумла шаклида бўлганида* эса бош гапга биз юқорида айтиб ўтган боғловчилар воситасида боғланади (*араб тилида феълнинг шахс-сон қўшимчаси кишилик олмоши ҳисобланади*):

Бола *чоғиб* келди. جَاءَ الْعَلَامُ يَرْكُضُ. (ёки) وَهُوَ رَاكِضٌ

Мухаммад *учоққа миниб* сафар қилди. سَافَرَ مُحَمَّدٌ يَرْكَبُ الطَّائِرَةَ. (وَهُوَ رَاكِبُ الطَّائِرَةِ)

Отам *уларга миннатдорчилик билдириб* ўрнидан турди. وَقَفَ أَبُونَا يَشْكُرُ لَهُمْ. (وَهُوَ شَاكِرٌ لَهُمْ)

Иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрни, пайти, сабаби ёки мақсади араб тилида ҳол деб аталмайдиган «*الْمَفْعُولُ لِأَجْلِهِ* ва *الْمَفْعُولُ فِيهِ*» –*тушум келишигидаги исмлар*» воситасида ифодаланади.

الْمَفْعُولُ فِيهِ (ўзбек тилидаги пайт ёки ўрин ҳолига тўғри келади) **иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтига ишора қилади ва *مَتَى* сўроғига жавоб бўлади:**

Самира *тонгда* кетди. ذَهَبَتْ سَمِيرَةٌ صَبَاحًا.

Уйга *пешинда* қайтдим. رَجَعْتُ إِلَى الْبَيْتِ ظَهْرًا.

Ливияда *икки йил* яшадим. سَكَنْتُ فِي لِيْبِيَا سَنَتَيْنِ.

Яна у иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнига ишора қилади ва *أَيْنَ* сўроғига жавоб бўлади. Агар у тушум келишигида бўлса чегараланмаган маконга ишора қилади:

Китобни *стул устида* қолдирдим. تَرَكْتُ الْكِتَابَ فَوْقَ الْكُرْسِيِّ.

Агар у бирорта предлогдан кейин қаратқич келишигида келаётган бўлса чегараланган маконга ишора қилади:

Бу журнални жавонда(н) топдим. وَجَدْتُ هَذِهِ الْمَجَلَّةَ فِي الْحِزَانَةِ.

Қушчани қафасга солдим. وَضَعْتُ الْغُصْفُورَ فِي قَفَصٍ.

الْمَفْعُولُ لِأَجْلِهِ (сабаб ёки мақсад холига тўғри келади) иш-ҳаракатнинг содир бўлиш сабаби ва ундан қутилган мақсадга ишора қилади ва لماذا сўроғига жавоб бўлади:

Қизига тарбия мақсадида насиҳат نَصَحَ ابْنَتَهُ تَأْدِيبًا لَهَا. қилди.

Ўргатиш мақсадида унга салом бердим. سَلَّمْتُ عَلَيْهِ تَعْلِيمًا لَهُ.

Хулоса қилиб айтганда гапда ҳол ушбу сўзлар билан ифодаланади:

1) Соф равиш воситасида. Улар озчиликни ташкил этади:

бу ерда-	هُنَا	шундай -	كَذَا
кеча -	أَمْسٍ	ҳеч қачон-	قَطُّ

2) Тушум келишигида ёки қўмакчи билан қаратқич келишигида келаётган исм ҳам ҳол вазифасида келади:

бир соат	سَاعَةً	← соат	سَاعَةً
давомида			
тунда	لَيْلًا ؛ فِي اللَّيْلِ ؛ بِاللَّيْلِ	← тун	لَيْلًا

3) Равиш (ясама)- қўмакчи ёки отнинг от билан тузган бирикмаси ҳам ҳол вазифасида келади:

пешиндан сўнг	بَعْدَ الظُّهْرِ	дарс пайтида	وَقْتُ الدَّرْسِ
«ҳарам» масжиди	شَطْرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ	уй томонга	نَحْوَ الْمَنْزِلِ
томонга қараб			

4) **ال** билан келган сўзлар ҳам баъзида ҳолни ифодалайди:

ҳозир	الآنَ	← пайт, он	آنُ
кеча	الْبَارِحِ	← ўтган (қун), кеча	بَارِحٌ

Агар гапда ҳолнинг бир неча тури иштирок этса, гапнинг бошида аввал гапнинг бош бўлақлари ва воситасиз тўлдирувчи, улардан кейин пайт ҳоли, ўрин ҳоли, мақсад ҳоллари келади:

حَفِظْتُ زَيْنَبَ الْقَوَاعِدِ يَوْمَ الْأَحَدِ فِي حُجْرَتِهَا إِطَاعَةً لِأَمْرِ أُمِّهَا.

Яқинбақуни Зайнаб қоидаларни ўз хонасида онасининг амрига

бўйсуниб ёд олди.

96–машқ. Жумлаларни ёзинг, ўқинг, таржима ва грамматик таҳлил қилинг. Ҳар бир жумлада келаётган ҳолни аниқланг:

يَجْتَمِعُ أساتذة قسم اللغات الشرقية مرة في أسبوعين. قرأت دروسي ساعة وترجمت هذا النص وأنا تَعَبْتُ. ما فهمت كلامك هذا جيدا. فضحك سليم حين ذاك فجأة. شُرحَ الموضوع عدّة مرات تعليما للمتعلمين. سلّمَ التلاميذ على المعلم واقفين. فتح عمرو بن العاص مصر سنة عشرين من الهجرة. قدم عمر بن الخطاب الشام عام المجاعة مرتين. كم لبثت في القاهرة؟ لبثت أسبوعا كاملا. سأذهب إليك ليلة الجمعة. أما سمعت عن هذه الواقعة قطّ؟ لماذا تنظر وقت الدرس يمينا وشمالا وتضحك أمام المعلم دائما. رجعنا إلى البيت في تلك الليلة متأخرين. كسرت شيرين الصحون خطأ. منحتة كتابا تكريما لأدبه. تَرْتَفِعُ درجة الحرارة صيفا وتَنْخَفِضُ شتاء. زُيِّنَ البيت إكراما للضيوف. دعوت ربي طلبا لإحسانه وشكرته حُبًّا في زيادة إنعامه. قدم زياد يرقص. ذهبت زينب تبكي.

كلمات:

бирдан	فَجْأَةً	йиғилмоқ	VIII اجْتَمَعَ (يَجْتَمِعُ)
ўша пайтда	حِينَ ذَاكَ	бўлмоқ, қолмоқ, давом этмоқ	لَبِثَ (a)
лиқобча	صَحْنٌ (صُحُونٌ)	ўғирилмоқ; қарамоқ	VII اَلْتَفَّتْ (تَلْتَفِتُ)
бу ерда: ...га салом бермоқ	II سلّمَ عَلَى	чап томон	شِمَالًا
пасаймоқ	VII اَلْخَفَضَ (يَنْخَفِضُ)	туриб; тик туриб	وَاقِفًا
қўп инъомлар; марҳаматлар	زِيَادَةُ اَلْإِنْعَامِ	очарчилик	مَجَاعَةً
хурматлаб ва севиб	تَكْرِيمًا وَ حُبًّا	зийнатланди (ماجھۇل نىسبات)	II زُيِّنَ
яхшиликлари ни сўраб	طَلْبًا لِإِحْسَانِهِ	кўтаришмоқ	VIII اِرْتَفَعَ (يَرْتَفِعُ)

97- машқ. Араб тилига таржима қилинг. Ҳолларни аниқланг:

Уйдан бугун кечикиб чикдим. Чарчаб туриб дарсларини килди. «Пахтакор» ўйингоҳида кечкурун волейбол ўйнаймиз. Абдулло, дарсда (бўлганигда) ўннга, чапга қарамайсанми? Бола ўйнаб туриб овқатини еди. Раҳима, уйда бўлиб туриб нега эшикни очмаясан? Қишлоққа жума куни эрталаб борамиз. Ўртоқларимни ҳеч қачон ҳақорат қилмайман. Тушдан кейин синглим боласини кўтариб келди. Ўғли онасига итоат қилиб совуқ сув ичмади. Ёрдам мақсадида у билан ишладим. Тохир биринчи марта имтиҳондан йиқилди. Мен ҳеч қачон ёлгон гапирмайман.

98- машқ. А) Қавс ичидаги ҳолни ўзига мос грамматик шаклга солинг.

رجعتُ من بيت عمي (أنا مسرور). جلس التلاميذ وقت الدرس (هم منتبهون). لبثت في سمرقند (شهران). ما فهمتُ هذا الموضوع (أبد). ركبتُ الحافلة (حامل) حقيبيته. جلس الفلاح

تحت الشجرة (تعب). هبطت الطائرة (سريع). نظر إلى أصدقائه (مبسوط). درسنا اليوم (طويل)
 فعرفنا (كثير). نصح أبناءه (تأديب) لهم، فجلسوا (ساكت). نزلت المكان (مزهر). سلم الأولاد
 على مدرسيهم (تعظيما) لهما.

Б) Ушбу ҳоллар иштирокида жумлалар тузинг.

أحياناً - يحمل - غضباً - مراراً - غداً - تكريماً - مدة المرض - قائلاً - وأنت جوعان.

لَيْسَ ИНКОР ФЕЪЛИ

Исмий гапга инкор маъно *لَيْسَ* (муан. لَيْسَتْ...إيؤق;...эмас;...мас инкор феъли ёрдамида берилади. У маъно жиҳатдан ҳозирги замонни англатса ҳам, ўтган замонда тусланади. Ўзагида ي «бўш» ундоши бўлгани учун унинг барча кўринишлари фонетик ўзгаришларга учрайди:

لَيْسَ феълини ўтган замонда тушлаш жадвали:

кўплик	иккилик	бирлик	шахс, сон, жинс
لَسْنَا эмасмиз; йўқ	-----	لَسْتُ эмасман; йўқ	музаккар I ш. муаннас
لَسْتُمْ эмассиз; йўқ	لَسْتُمَا иккимиз эмассиз; йўқ	لَسْتِ эмассан; йўқ	музаккар II ш. муаннас
لَسْتُمْ эмаслар; йўқ	لَسْتُمَا иккиси эмас; йўқ	لَيْسَ эмас; йўқ	музаккар III ш. муаннас
لَسْنَا эмаслар; йўқ	لَيْسَا иккиси эмас; йўқ	لَيْسَتْ эмас; йўқ	музаккар III ш. муаннас

Исмий гапга *لَيْسَ* инкор феъли исмий кесим-*الْمَكْتُوبَةُ* билан мураккаб (кўшма) кесим тузиб келади ва уни ноаниқ ҳолатда тушум келишигида ёки "؛" олд кўмакчиси билан қаратқич келишигида келишини талаб қилади. Бунда *لَيْسَ* гапнинг бошида ҳам ёки бевосита исмий кесимнинг олдида ҳам келиши мумкин. Исмий кесим олдида келганда у билан жинс ва сонда, эгадан олдин гапнинг бошида келганида эса бирлик сонда бўлиб кесим билан фақат жинсда мослашади:

أَحْمَدُ لَيْسَ مُعَلِّمًا. Аҳмад муаллим эмас.	←	لَيْسَ أَحْمَدُ مُعَلِّمًا. Аҳмад муаллим эмас.
المكتبة لَيْسَتْ بِبَعِيدَةٍ. Кутубхона узок эмас.	←	لَيْسَتْ الْمَكْتَبَةُ بِبَعِيدَةٍ. Кутубхона узок эмас.

النادر بكثير العدد. ليس هنا مدرس وطلاب. ليس زيد شابا حسن الخلق وجم النشاط. ليست حليلة مريضة أصلا. ليس هما بمجتهدين. ليس ذلك الخبر سراً على أحد. أليس ذلك الموضوع مفهوماً؟ بلى!

100- машқ. Жумлаларни араб тилига таржима қилинг.

Университетда(ги) ўқиш осон эмас. Бу барча инсонларга сир эмас. Алида арабча-ўзбекча қомус йўқми?! Йўқ (бор), мана у! Мен ношуд эмасман. Бу иш кичкина бола учун қийин эмасми? Бу ишни қилиш ҳеч нарса эмас. Масаланинг ечими бундай эмас. Уйинг узоқ эмасми? Зулфия кучсиз (қиз) эмас. Бу машинанинг эгаси Рашид эмас. Араб тилидан Ҳикматиллонинг яхши илми йўқ. Костюмингнинг ўлчами катта эмасми? Йўқ, костюмининг ўлчами тўғри. Кўп одамлар соғлом эмаслар.

ОЛД КЎМАКЧИ БИЛАН КЕЛГАН БИРИКМА ОЛМОШ

Бирикма олмошлар ك дан бошқа барча олд кўмакчиларга бирикиб келади. Ўзагида $ا$ $و$ $ي$ бўлмаган ва қисқа унли билан тугаган кўмакчиларга улар бевосита бирикаверади. Баъзан $ي$ бирикма олмоши бу кўмакчиларга $ي$ шаклида бирикади:

мен ҳақимда; мендан	(عَنْ + نِي) عَيْي؛ (مِنْ + نِي) مِيي
олдингизга; олдимда	(أَمَامَ + كُمْ) أَمَامَكُمْ؛ (أَمَامَ + ي) أَمَامِي
сенда;	(عِنْدَ + كَ) عِنْدَكَ
сенинг ҳузурингда	(قَبْلَ + نَا) قَبْلَنَا
биздан илгари	(قَبْلَ + نَا) قَبْلَنَا
уларнинг атрофида	(حَوْلَ + هُمْ) حَوْلَهُمْ

إلى каби «алиф мақсура» билан тугаган олд кўмакчига бирикма олмош қўшишдан олдин уларнинг охири дифтонглашиб (au га тугаб), кейин бирикма олмоши қўшилади:

сизда бор	(لَدَيْ + كُمْ) لَدَيْكُمْ	зиммамизга	(عَلَيْنَا) عَلَيْنَا
унга	(إِلَيْ + هَا) إِلَيْهَا	бизга	(إِلَيْنَا) إِلَيْنَا

Ушбу кўмакчиларга ва яна $ي$ кўмакчисига бириктирилган I шахс бирикма олмоши « $ي$ ، $لَدَيْ$ ، $عَلَيْ$ ، $إِلَيْ$ » деб ўқилади:

«...ники;...да бор» ва $ي$ «...да; ичида» кўмакчиларига

бирикма олмошларининг қўшилиши:

кўплик	иккилик	бирлик	жинс, шахс
لَنَا فِينَا	----- -----	لِي فِيَّ	муз. I ш муан.
لَكُمْ فِيكُمْ لَكُنَّ فِيكُنَّ	لَكُـمَا فِيكُـمَا لَكُـمَا فِيكُـمَا	لَكَ فِيكَ لِكَ فِيكَ	муз. II ш муан.
هُمَّ فِيهِمْ هُنَّ فِيهِنَّ	هُمَا فِيهِمَا هُمَا فِيهِمَا	لَهُ فِيهِ لَهَا فِيهَا	муз. III ш муан.

III шахснинг бирлик муаннас жинсидаги **هَا** бирикма олмошидан ташқари қолган тўртта **هُ**, **هُمَا**, **هُنَّ**, **هُنَّ** олмошларининг «дамма» ҳаракати ўзидан олдин келаётган « i », « i:» ва сукунли **ي** таъсирида касрага айланади:

у иккисига- **إِلَيْهِمَا** , уларда бор- **لَدَيْهِنَّ** , уларга- **إِلَيْهِمْ** , унда- **فِيهِ**

л кўмакчисига бирикма олмошлари қўшилганда I шахс, бирликдан бошқа ҳамма кўринишларда унинг ҳаракати «фатҳа»га айлантирилади.

«**ل + бирикма олмош (ёки исм)**» исмий гапда эгадан олдин келганда эгаликни ифодалайди ва «... да(нинг) бор» деб таржима қилинади:

Кўмакчига бирикиб келган бирикма олмош гапда тўлдирувчи, ҳол ёки олд кўмакчили исмий кесим вазифасида келади:

Унинг катта уйи бор.

(олд кўмакчили от -кесим)

لَهُ بَيْتٌ كَبِيرٌ.

Унинг иккита хонаси бор.

(олд кўмакчили от -кесим)

فِيهِ عُرْفَتَانِ.

Декандан сен ҳақингда сўрадим.

(тўлдирувчи)

سَأَلْتُ الْعَمِيْدَ عَنْكَ.

Унинг ҳузурда бир соат ўтирдим.

(ҳол)

جَلَسْتُ عِنْدَهُ سَاعَةً.

Кесими **бирикма олмош + олд кўмакчи** шаклидаги исмий гапнинг бўлишсиз шакли ҳам **لَيْسَ** ёки **مَا** юкламаси воситасида ифодаланади:

مَا (لَيْسَ) عِنْدِي بَيْتٌ.

Менинг уйим йўқ.

لَيْسَ (مَا) لَهُ صَدِيقٌ.

Унинг ўртоғи йўқ.

Агар икки ёки ундан кўп нарсанинг йўклиги қатъий равишда айtilса, қолган исмларнинг олдига бошқа инкор юклама - **وَلَا** қўйилади:

Унинг ўғли ҳам, қизи ҳам йўқ.

لَيْسَ لَهُ ابْنٌ وَلَا بِنْتُ.

Унинг на китоби на дафтари ва на сиёҳқалами бор.

لَيْسَ مَعَهُ كِتَابٌ وَلَا دَفْتَرٌ وَلَا قَلَمٌ.

101- **маиқ.** Қавс ичидаги кишилик олмошини мос бирикма олмошга алмайтиринг:

١) كان صديقك عند (نحن). ٢) هؤلاء الفتيات مع (نحن). ٣) هل تذهب إلى (هما)؟ ٤) هل هذا الكتاب الغالي الثمن ل (أنت)؟ ٥) هذه البطاقة ل (أنت) وهذه البطاقة ل (هي). ٦) أخذت من (أنتن) الأخبار الضرورية. ٧) كتب إلى (هي) مكتوباً فأجابت ل (هو) بعد يومين. ٨) جدّي جالس أمام (هم). ٩) أحمل على (أنتم) هذه المشكلة.

102- **маиқ.** إلى , عن , ب , على , عند , old кўмакчиларига барча шахс ва сонларда бирикма олмошларини бириктиринг. Уларни таржима қилинг.

103- **маиқ.** Ушбу матнни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг ва уни сўзлаб беринг.

في السوق (القسم الثاني): عند البقال

البقال أمامه زبائنٌ كثيرُونَ: زُبُونٌ يَشْتَرِي السُّكَّرَ وَاللَّبَنَ، وَالشَّايَ، وَزُبُونٌ يَشْتَرِي الحُبَّ وَالزَّبْتُونَ وَالزَّبَادِيَّ، وَ زُبُونٌ ثَلَاثٌ يَشْتَرِي الحُبَّ وَاللَّبَنَ وَالْعَسَلَ الأَبْيَضَ وَ زُبُونٌ رَابِعٌ ... وَخَامِسٌ ... وَسَادِسٌ ...

لَيْلى: مِنْ فَضْلِكَ أَعْطِنِي كَيْلُو مَكْرُونَةً وَأَتَيْنِ كَيْلُو أُرْزٍ وَنَصْفَ كَيْلُو فُلْفُلٍ أَسْوَدَ وَكَيْسَ مِلْحٍ. (البقال يقفُ أمامَ المِيزَانِ وَيَرِنُ المَكْرُونَةَ والأُرْزَ وَالْفُلْفُلَ)

مَرْيَمُ: مِنْ فَضْلِكَ أَعْطِنِي رُجَاحَةً حَلِّ وَرُجَاحَةً زَيْتٍ وَعُغْلَبَةً كَبْرِيَّةً وَكَيْسَ مِلْحٍ وَنَصْفَ كَيْلُو زَبْتُونَ وَبَاكُو زُبْدَةٍ وَرُجَاحَةً لَبَنٍ.

(البقال يَضَعُ المُشْتَرِيَاتِ أَمَامَ مَرْيَمَ- لَيْلى وَمَرْيَمُ تَدْفَعَانِ الثَّمَنَ وَتَأْخُذَانِ المُشْتَرِيَاتِ إِلَى السِّيَّارَةِ، وَتَدْهَبَانِ إِلَى الجَزَّارِ)

عند الجزار

